

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

НАВОИЙ ДАЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК 9 (575.1)

ЗОҲИДОВА ШАХНОЗА

**ЎЗБЕКИСТОНДА СОВЕТЛАРНИНГ ҚАТАҒОН СИЁСАТИ ВА
УНИНГ ОҚИБАТЛАРИНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ
(СУРГУН МИСОЛИДА)**

5A140601 – Тарих ўқитиш методикаси

Магистр

**академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация**

Илмий раҳбар:

т.ф.н. Х.ҚУРБОНОВ.

Навоий – 2014

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
I.БОБ. Ўзбекистонда 20 - 30 йиллардаги сиёсий қатағонлар:	
моҳият ва оқибат.....	10
I.1. Мавзунинг манбашунослиги ва тарихшунослиги.....	10
I.2. Коллективлаштириш жараёни - сиёсий қатағонларнинг асоси.....	26
I.3. 1937 - 1938 йиллардаги қатағонлар ва уларнинг оқибатлари.....	36
II.БОБ. Депортация (кўчириш) ларнинг қатағончилик моҳияти.....	49
II.1. Совет ҳокимиятининг қулоқлаштириш сиёсати – сургун сиёсатининг асоси.....	48
II.2. Аҳолини депортация (кўчириш) қилиш сиёсати.....	58
III.БОБ. Қулоққа тортилган аҳолининг сургун қилиниши.....	68
III.1. Сургун сиёсати: Шимолий Кавказ, Шимолий Қозоғистон сургунлари.....	68
III.2. Совет ҳокимиятининг сургун сиёсати масаласини ўқитиш методикаси.....	80
Хулоса.....	88
Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати.....	94

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Буюк истиқлолимиз жамиятимиз ҳаётининг барча соҳалари ва бутун жабҳаларида мислсиз ижобий ўзгаришлар юз беришига асос солди. Айниқса маънавий ҳаётимизда асрларга баробар улкан эзгулик ишлари амалга оширилмоқда.

“Ҳар қайси халқ, - деб ёзади Ислон Каримов, - миллий қадриятларини ўз мақсад-муддаолари, шу билан бирга, умумбашарий тараққиёт ютуқлари асосида ривожлантириб, маънавий дунёсини юксалтириб боришга интилар экан, бу борада тарихий хотира масаласи алоҳида аҳамият касб этади. Яъни, тарихий хотира туйғуси тўлақонли равишда тикланган халқ, босиб ўтган йўл ўзининг барча муваффақият ва зафарлари, йўқотиш ва қурбонлари, қувонч ва изтироблари билан холис ва ҳаққоний ўрганилган тақдирдагина чинакам тарих бўлади.”¹ Президентимиз масаланинг методологик жиҳатларига тўхталиб яна шундай деб ёзган:

Ўзбекистоннинг совет режими давридаги тарихининг мислсиз аламли ва қайғули саҳифаларидан бири 20-30 йиллардаги қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш ва шу асосда қулоқлаштириш ҳамда у билан бирга қулоққа тортилган деҳқонларни сургун қилиш, депортация, қатағон қилиш масалаларидир. Бу мудҳиш жараёнда халқимиз ўз бошидан мислсиз азоб-укубатларни кечиришга маҳкум этилганди. Айниқса, қишлоқ аҳолисининг катта қисми уй-жойидан, ҳовлисида, от-уловидан, миллий маконидан, яқинларидан, маҳалла-қуйидан, қавму-қариндошидан, бутун борлиғидан маҳрум қилиниб қамоққа олинди, узоқ бегона юртларга сургун этилди, кулларча ҳаёт кечирди, концентрацион лагерларга ташланди, Шимол, Сибир, Узоқ Шарқ, Урал, Қозоғистон, Ўрта Осиёдаги ГУЛАГ* ва меҳнат тузатув лагерларида ўлиб кетди.

Бу юртдошларимизнинг бир қисми 1937-1938 йиллардаги Катта террор ва Иккинчи жаҳон уруши қурбонлари бўлди. Жуда ҳам оз миқдорда омон-

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. –Тошкент: Маънавият, 2008. –Б. 97.

* ГУЛАГ – Главное управление лагерей (лагерлар бош бошқармаси)

эсон қолганлардан эса машаққатли йўл ва муҳтожлик азобини тортиб она юрт кучоғига қайтдилар. Ўзбекистоннинг ўзида ҳам кўплаб ватандошларимиз совет режимининг қурбони бўлиб, колхоз душманлари, собиқ кулоқлар, собиқ босмачилар, миллатчилар, халқ душманлари каби ҳақоратли номлар билан айбланиб ҳалок бўлдилар.

Эндиликда истиқлолнинг катта йўлидан келажаги буюк Ўзбекистонни бунёд этаётган диёримизда демократик давлат, фуқаролик жамиятини қураётган эканмиз ана шу яқин ўтмишимиздаги халқимиз бошидан кечирган фожеани ҳеч қачон эсдан чиқармаймиз, ҳамиша ёдда сақлаймиз.

Ана шу муҳим жумбоқли масалани ечимини топишда Президент Ислон Каримовнинг 1999 йил 12 майдаги Фармойишига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 22 июлдаги “Ватан озодлиги йўлида қурбон бўлган фидойилар хотирасини абадийлаштириш тўғрисида”ги қарори катта аҳамият касб этмоқда. Қарорда мустамлакачилик даврида қатагон қилинган ватандошларимизни номма-ном аниқлаш, шаҳид бўлган юртдошларимиз номини абадий сақлаш ва келгуси авлодларга етказиш вазифаси қўйилди. Бу борада юртимизда салмоқли, салобатли ишлар амалга оширилаётганини шоҳиди бўлиб турибмиз.

Совет режими даврида мазкур мавзуга эҳтиёж мутлақо йўқ эди, аксинча бу масала ўрганиш учун ёпиқ ҳисобланган. Чунки бу масалани ўрганиш совет режимида, комфирқа мафкурасига мутлақо тўғри келмас эди.

Истиқлол туфайлигина бу мавзуга эҳтиёж туғилди ва эндиликда у махсус **тадқиқот объекти** бўлиб қолди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистон ҳудудида коллективлаштириш натижасида кулоққа тортилиб ўзга юртларга сургун қилинган деҳқонлар ва уларнинг бу минтақадаги ҳаёти ва тақдири совет тарихшунослигида умуман ўрганилмаган. Тарихий адабиётларда бу масала тадқиқот объекти қилиб умуман қўйилмаган, нари борса кулоқ қилиш ва сургун этиш масаласи, кулоқларни синф сифатида тугатиш комфирқа ва

советлар учун социализм куришдаги қўлга киритган катта тарихий воқеа, уларнинг олиб борган сиёсатининг натижаси, ғалабаси сифатида талқин қилинган.

Зўравонлик, куч, тазийқ, таъқиб остида ўтказилган коллективлаштириш ва унинг фожеали оқибатлари, коллективлаштириш, қулоқлаштириш ва сургун қилишга қарши қаратилган деҳқонлар қўзғолонлари, чиқишлари, бу минтақадан қизил салтанатнинг узоқ районларига сургун этилган деҳқонларнинг махсус қулоқлар қишлоғидаги аянчли, фожеали ҳаёти, қисмати, тақдири атайин яшириб келинган. Умуман XX асрнинг 20-30 йилларидаги Ўрта Осиёнинг қишлоқларидаги драматик ҳолат илмий жиҳатдан, ҳолисона ўрганилмаган.

Ана шу ачинарли, армонли ҳаётни кўрсатувчи, ўша қаттол замоннинг бир-бутун салбий қиёфасини очиб берадиган чинакам тарихий ҳужжатларга “маҳфий”лик тамғаси қўйилиб, илмий истеъмолга киритиш учун ман этилганди.

Фақат қайта куриш, айниқса мустақиллик туфайлигина мазкур мавзунини ўрганиш, тадқиқ этиш, 20-30 йиллардаги қишлоқ фожеасини қандай кечган бўлса, шундайлигича ёритиш, бузилган, сохталаштирилган тарихни ўз жойига қўйиш учун имконият яратилди. Мазкур масалани янгича талқин этишда Россия Федерацияси тарихчи олимларидан Н.А.Ивницкий, В.Н.Земсков, Қозоғистон тарихчиларидан академик М.К.Козибаев, М.К. Алдамжанов, Ж.Б.Абылхожинлар, Ўзбекистондан академик Р.Х.Аминова, Р.Т.Шамсутдинов, М.Абдуллаев, А.Мамажонов, Х.Қурбонов ва бошқалар бу борада катта, салмоқли ишларни амалга оширдилар. Бироқ, Ўзбекистондан сургун қилинганлар, уларнинг ўз ватанларида коллективлаштириш жараёнида қулоққа тортилиши, сургун қилиниши, уларнинг турмуши, меҳнат фаолияти, умуман фожеали ҳаёти, қисмати ҳозиргача кам ўрганилган масалардан бири ҳисобланади. Фақат сўнгги 3-4 йилдагина Ўзбекистонда мазкур мавзу

бўйича тадқиқот ишлари бошланди. Ана шу боис ушбу мавзу номзодлик диссертация объекти қилиб олинди.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. Тадқиқотнинг асосий мақсади зўрлик билан ўтказилган коллективлаштириш, қулоққа тортиш ва қулоқ қилинганларни сургун қилиш, уларнинг “қулоқлар қишлоғи”даги ҳаётини ва бу жараённинг фожеали оқибатларини комплекс тарзида ўрганишдан иборатдир. Шу мақсаддан келиб чиққан ҳолда тадқиқот олдига қуйидаги вазифалар қўйилди:

- мавзуга доир адабиётларни тарихшунослик нуқтаи назаридан таҳлил қилиш;
- мавзунини очиқ беришга хизмат қилувчи манбаларни таҳлил этиш;
- Ўзбекистонда коллективлаштириш, қулоқлаштириш ва сургун қилиш кампанияси ва унда ОГПУ, ГПУ* ва бошқа маъмурий органларининг қонунга ҳилоф, жирканч, қабих ишларини очиқ бериш;
- қишлоқ аҳолисининг норозилик чиқишларини, қўзғолонларини ёритиб бериш;
- сургун қилиш босқичларини ва 1929-1932 ҳамда 1933-1938 йиллардаги сургунлар жараёнини кўрсатиш;
- қулоққа тортилиб сургун қилинганлар таркибини таҳлил қилиш;
- махсус посёлкаларни, яъни “қулоқлар қишлоғи”ни ташкил этилиши ва уларга келтирилган “қулоқ”ларни жойлаштирилишини очиқ бериш;
- меҳнат кўчиндиларининг турмуши ва меҳнат фаолиятини таҳлил қилиш;
- сургундагиларнинг такроран қатағон қилинишини ёритиб бериш;
- меҳнат кўчиндиларининг Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабага қўшган ҳиссасини ёритиб бериш;
- сургун қилинганларнинг озод бўлиб, юртга қайтиб келиши, кейинги тақдирларини очиқ бериш.

* ГПУ – давлат сиёси бошқармаси

Тадқиқотнинг назарий-методологик асослари. Ишнинг назарий ва методологик асосини илмий билишнинг диалектик методи, узвийлик, бир бутунлик тамойиллари, холислик, тарихийлик, тизимлилик, Ўзбекистон Республикасининг миллий истиқлол мафкураси, миллий ғоя, Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистоннинг янги тарихини яратиш, ўзбек миллий давлатчилиги ва унинг тарихини бунёд этиш тўғрисидаги методологик, назарий кўрсатмалари ташкил этади.

Президент Ислом Каримовнинг “Тарихий хотирасиз келажак йўқ”, “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарлари, 1999 йил 12 майдаги Фармойиши ва унга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 22 июлдаги “Ватан ва халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган фидойилар хотирасини абадийлаштириш тўғрисида”ги қарори, Президентимизнинг 2001 йил 1 майда қабул қилган “Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида”ги қарори, ҳамда 2008 йил 31 августдаги “Қатағон қурбонлари хотираси” музейида сўзлаган нутқи мазкур мавзу тадқиқоти учун муҳим методологик, концептуал аҳамиятга молик бўлди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Диссертацияда Ўзбекистондан 1929-1938 йилларда Комфирқа ва советларнинг зўравонлик билан, мажбуран ўтказилган коллективлаштириш, кулоқлаштириш оқибатида бадавлат, ўзига тўқ, ўрта ҳол, ҳатто камбағал деҳқонларни Шимолий Кавказга, Шимолий Қозоғистонга сургун қилиниши ва уларнинг бу минтақадаги кечирган аянчли, фожеали ҳаёти, тумуши, меҳнатини ҳозирги замон тархшунослиги, хусусан Россия Федерацияси, Ўзбекистон ва чет эл тарихшунослиги нуқтаи назаридан биринчи марта тадқиқ қилинди. Диссертацияни тайёрлаш натижасида қуйидаги асосий янгиликлар қўлга киритилади:

- Ўзбекистон ва бошқа республикалари тарихшунослиги эришган натижа ва ютуқлар, камчиликлар таҳлил қилинди. Бу мавзу тарихшунослигининг икки босқичи (совет тарихшунослиги ҳамда истиқлол

арафаси ва мустақиллик йиллари тарихшунослиги) қиёсий ўрганилди, уларнинг моҳияти очиб берилади;

- мавзуга бевосита ва билвосита оид Россиядаги, Қозоғистондаги, Ўзбекистондаги манбалар таҳлил қилинади, ишнинг манбавий асослари очиб берилади;

- коллективлаштириш, қулоқ қилиш ва сургун қилишнинг янги қирралари, бу жараёнда советларнинг куч ишлатиш органлари, айниқса ОГПУ, ГПУнинг қонунга ҳилоф фаолияти очиб берилади;

- миллий истиқлол мафкураси ва миллий ғоя руҳида миллий, тарихий, диний қадриятларни тиклаб, уларни ўз жойига қўйиш ва бойитиш талабларига муфовиқ 20-30 – йللардаги ўтмишимиз илмий таҳлил қилинади;

- совет режимининг миллий қишлоқ аҳолисига, айниқса деҳқонларга қарши олиб борган иқтисодий, сиёсий, мафкуравий қатағон сиёсати ва унинг турли кўринишлари фош этилади;

- Ўзбекистонда ўзга ўлкаларга сургун қилинган деҳқонларни қулоққа тортилиши, уларнинг бу сиёсатга қарши норозилик чиқишлари кўрсатилди;

- меҳнат посёлкаларидаги ўзбек, тожик, туркман миллатига мансуб маҳсус кўчириб келтирилган “қулоқлар сургуни”дагиларнинг бу бегона ўлкадаги мислсиз оғир турмуши, аҳволи, яшаш шароитлари тарихшуносликда биринчи бор очиб берилади.

- “Қулоқлар сургуни”дагиларнинг очарчилик, қаҳатчиликдан тортган азоблари, уларнинг такроран қатағон қилиниши, мудҳиш Катта террор даврида ва ундан кейин ГУЛАГ концлагерларига, меҳнат тузатув лагерларига ташланганлар, отиб ташланганлар номма-ном аниқланади;

- сургун қилинганларнинг Иккинчи жаҳон урушидаги иштироки, уларнинг фронт ва фронт ортидаги жанговарлик ва меҳнат фаолияти ёритилди, немис-фашистларга қарши олиб борилган жанглarda ҳалок бўлганлар номма-ном аниқланди;

- сургун қилинган собиқ “қулоқ”ларнинг озод қилиниши ва юртга қайтиш жараёни, тақдирлари очиб берилди.

Диссертациянинг таркибий тузилиши. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловлардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 93 бетни ташкил қилади.

**1. БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА 20 - 30 ЙИЛЛАРДАГИ СИЁСИЙ
ҚАТАҒОНЛАР: МОҲИЯТ ВА ОҚИБАТ.**

1.1. МАВЗУНИНГ МАНБАШУНОСЛИГИ ВА ТАРИХШУНОСЛИГИ

Манбалар таҳлили. Совет даври тарихшунослигида энг кўп тадқиқ этилган (собик иттифок миқёсида ҳам, республика миқёсида ҳам) муаммолардан ва айнаи вақтда бузиб ёритилиб, сохталаштирилган мавзулардан бири қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш ва деҳқонларнинг энг тадбиркор қисми бўлган бадавлат хўжаликларни зўрлик билан тугатилганлиги масаласи бўлди.

Зўрликка зўр бериб амалга оширилган бу адолатсизлик, инсоний ҳақ-ҳуқуқларнинг кўпол равишда оёқ-ости қилиниши тарихимизга катта фожеа сифатида кирди ва халқ хотирасида ғоят аламли, ювилмас из қолдирди. Чиндан ҳам 30-йилларда ўтказилган коллективлаштириш ва қулоқларни синф сифатида тугатиш сиёсати ўша давр совет тарихшунослигининг энг етакчи мавзуси бўлган.¹

Умуман собик совет даври манбашунослиги ва тарихшунослиги ҳақида сўз юритадиган бўлсак, шуни қайд этиб ўтиш жоизки, биз фикр юритаётган мавзуга доир тарихий адабиётлар кўп бўлса-да, бироқ, афсуски, ўша давр тарихшунослигида бизни қизиқтирган ана шу муҳим масала ўзининг ҳаққоний, холисона илмий талқинини топган эмас.

Ёлпасига коллективлаштириш сиёсати бошланган даврда бу сиёсатнинг хусусияти, ўтказиш жараёнлари даврий матбуот материалларида тўхтовсиз ёритиб берилган.

Ўша даврдаги газета журналларда республикада давлат қурилишининг бориши, республикада ташкил этилган колхозлар сони, ундаги хўжаликлар миқдори ҳақида тинимсиз хабарлар бериб борилган. Бу даврдаги даврий матбуот материалларининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, колхоз қурилишидаги фақат сохта ютуқлар ва муваффақиятларига ёритиб берилган

¹ Шамсутдинов Р., Мамажонов А. Шимолий Кавказ сургунидаги юртдошлар қисмати. – Т.: Шарқ, 2005. – Б.20.

коллективлаштириш давомида зўравонликлар, қонунбузарликлар, хонавайрон бўлган, ноҳақ жазога тортилган, бутун мол-мулкдан жудо бўлаётган деҳқонлар ахволи ҳақида мутбуотда ҳеч бир нарсa ёзилмаган¹. Чунки, бу давр матбуоти ҳам ҳукмрон мақкурага бўйсундирилган эди.

Совет ҳукумронлиги давридаги, аниқроғини қишлоқ хўжалигини ёппасига коллективлаштириш давридаги газеталарда асосан қишлоқ хўжалиги мавзусидаги хабалар эълон қилинган.

Коллективлаштириш, кулоқлаштириш ва сургун қилиш тарихи юзасидан архив ҳужжатлари тўпламларининг нашр этилиши Россия Федерациясида йўлга қўйилгани ва собиқ Иттифоқ даврида маҳфий сақланиб, тадқиқотчилар учун ман қилинган ҳужжатларни илмий истеъмолга солишда қилинган ибратли ишларни қайд этиш лозим. “Трагедия советской деревни. Коллективизация и раскулачивание”¹ номли 5 жилдлик (айрим жилдлар икки китобдан иборат) ҳужжатлар ва материаллар тўплами 1999-2007 йиллар мобайнида нашр этилиши катта воқеа бўлди.

Россия Фанлар академияси Россия тарихи институти, Инсон ҳақида фан уйи (Франция), Россия Федерацияси Федерал хавфсизлик Марказий архиви, Энг янги давр тарихи институти (Франция) ҳамкорлигида, А.Берелович (Франция), В.Данилов (Россия) таҳрирлигида 4 жилдлик (ҳар бир жилд 2 китобдан иборат) “Советская деревня глазами ВЧК-ОГПУ-НКВД. 1918-1939гг.”² ҳужжатлар ва материаллар тўпламининг Москвадаги РОССПЭН нашриётида 1998-2005 йилларда босиб чиқарилиши ҳам собиқ Иттифоқдаги

¹ Трагедия советской деревни. Коллективизация и раскулачивание. Документы и материалы в 5 томах. 1927-1939гг. главный редакционный совет: В.Данилов, Р.Маннинг, Л.Виола (главные редакторы), В.Виноградов, Р.Джонсон, Р.Дэвис, В.Козлов, А.Сахаров, С.Уиткрофт, Ха Енг Чул. Сост: В.Данилов, М.Кудюкина и др. Москва: РОССПЭН, 1999; Трагедия советской деревни. Коллективизация и раскулачивание. Документы и материалы. Том 5. Книга 1. 1937г. Редакционная коллегия тома: В.Данилов, Р.Маннинг (ответственные редакторы), В.Виноградов, Л.Виола, А.Гетти, М.Элман, И.Зеленин, С.Красильников, Ю.Мошков, О.Наумов, Н.Охотин, Е.Тюрина. Сост: В.Данилов, Р.Маннинг и др. Москва: РОССПЭН, 2004;

² Советская деревня глазами ВЧК-ОГПУ-НКВД. 1918-1939. Документы и материалы в 4 томах. Редакционная коллегия: А.Берелович (Франция), В.Данилов (Россия). Сост: Л.Борисова, В.Данилов, Н.Ивницкий, В.Кондрашин (ответственные), Т.Голышкина, В.Гусаченко, А.Николаев, Н.Тархова. Москва: РОССПЭН, 1998; Советская деревня глазами ВЧК-ОГПУ-НКВД. Том 3. 1930-1934. Книга 2. 1932-1934. Документы и материалы. Редакционная коллегия тома: А.Берелович (отв. редактор), В.Данилов (отв. редактор), Н.Верт, В.Виноградов, Л.Самуэльсон, Е.Тюрина, В.Христофоров. Сост: Л.Борисова, В.Данилов, Н.Перемышленникова, Н.Тархова (ответственные), Т.Голышкина, С.Мякиньюков, Ю.Разбоев, Т.Сорокина, Е.Степанова. Москва: РОССПЭН, 2005.

қишлоқлар фожеаси, куч ишлатиш органлари – ВЧК, ОГПУ ва НКВДларнинг деҳқонларга нисбатан тутган қатағон сиёсати очиб берилган. Бу тўпламлардан жой олган ҳужжатлар ва материаллар асосан Федерал хавфсизлик хизмати Маркази архивидан олинган. Уларда ВЧК, ОГПУ, НКВДларнинг Марказда ва жойлардаги органлар томонидан қишлоқда олиб борган фаолияти ёритилган. ВЧКнинг ахборот варақалари, бюллетенлари, оператив маълумотлари, ОГПУ ва НКВДнинг информацион материаллари келтирилганки, улар ниҳоятда қимматлидир ва коллективлаштириш, кулоққа тортиш, сургун қилиш масаласини холисона яратишга имкон беради. Сўнгги 5 жилднинг иккинчи китоби 2006 йили нашрдан чиқди. Унда 1938-1939 йиллардаги воқеалар, айниқса 1938 йилнинг биринчи ярмига қадар Катта террор ва ундан сўнг эса бу террорни юмшатиш учун қилинган чоратadbирлар келтирилган.

Россия Федерацияси маданият ва оммавий коммуникациялар министрлиги, Федерал архив агентлиги, Россия Федерацияси давлат архиви, урушлар, революциялар ва тинчлик Гувер институти 2004-2005 йилларда Москвадаги РОССПЭН нашриётидан “История Сталинского ГУЛАГА. Конец 1920-х – первая половина 1950-х годов” номли 7 жилддан иборат ҳужжатлар тўпламини босиб чиқардилар¹. Биринчи жилдда СССРдаги оммавий қатағонлар, иккинчи жилдда жазо тизими, тузилиши ва кадрлар, учинчи жилдда ГУЛАГ иқтисодиёти, тўртинчи жилдда ГУЛАГ аҳолиси: миқдори ва уларни боқиб туриш шароитлари, бешинчи жилдда СССРдаги маҳсус кўчкндилар, олтинчи жилдда маҳбусларнинг кўзғолонлари, исёнлари ва иш ташлашларлари, еттинчи жилдда совет қатағон-жазо сиёсати масалаларига доир шу вақтгача сир сақланган маҳфий ҳужжатлар

¹ История Сталинского ГУЛАГА. Массовые репрессии в СССР. Конец 1920-х – первая половина 1950-х годов. Собрание документов в семи томах. Редакционный совет издания: Ю.Н.Афанасьев, П.Грегори, Е.Даниелсин, В.А.Козлов, В.П.Козлов (председатель), Р.Конкверс, С.В.Мироненко, А.И.Солженицын, А.К.Сорокин, О.В.Хлевнюк, В.С.Христофоров, А.О.Чубарьян, Т.Эммонс, А.Н.Яковлев. Ответственные редакторы: Н.Верст, С.В.Мироненко. Ответственный составитель: И.А.Зюзина и др. Том 1. Москва: РОССПЭН, 2004; История Сталинского ГУЛАГА. Советская репрессивно-карательная политика и пенитенциарная система в материалах Госархива РФ. Аннотированный указатель дел. Ответственные редакторы: В.А.Козлов, С.В.Мироненко. Ответственный составитель: А.В.Добровская. Сост: Б.Ф.Додонов, О.Н.Капылова, В.П.Наумов, В.И.Широков. Том 7. Москва: РОССПЭН, 2005.

биринчи бор нашр юзини кўрган. Бу тўпламлардаги ҳужжат ва материаллар совет режимининг 20-йиллар охири ва 50-йиллар бошларидаги қатагон сиёсатини туб моҳиятини, жараёнини очиб берган бирламчи манбалар ҳисобланади. Улардаги материаллар қизил империянинг барча минтақаларидаги ҳолатни акс эттиради.

2002 йили Москвадаги “Международный фонд демократии” нашриётида академик А.Н.Яковлевнинг умумий таҳрири остида “Россия XX век. Документы. ГУЛАГ (Главное управления лагерей) 1918-1960гг.” номли ҳужжатлар тўпламининг чоп этилиши ҳам мавзунини тадқиқ этишда муҳим аҳамият касб этди. Шунингдек, Москвада 2003 йили нашр этилган “Любянка. Сталин. ВЧК-ГПУ-ОГПУ-НКВД. Январь 1922 - декабрь 1936” номли архив ҳужжатлар тўпламида ҳам коллективлаштириш, кулоқлаштириш ва сургун қилиш чоғида ҳамда сургун давомида совет режими ва унинг жазо органларининг олиб борган қатагон сиёсати ва амалиёти қисман ўз аксини топган. Бу тўпламлардаги ҳужжат ва материаллар ҳозирги МДХ давлатларининг яқин ўтмишида, 30-40 – йилларда совет режимининг қишлоқ аҳолисига, айниқса деҳқонларга қарши фуқаролик уруши олиб борганини яққол тасаввур қилиш имконини беради ҳамда улар тадқиқотчилар учун манбавий асос бўлиб хизмат қилади¹.

Муаммонинг манбавий асосларидан “Совершенно секретно: Любянка-Сталину о положении в стране (1922-1934гг)” номли 11 жилдлик ҳужжатлар тўпламини² ҳам назарда тутиш лозим. Унинг ҳозиргача 8 жилди босмадан чиқди. Уни Россия Фанлар академияси, Россия тарихи институти, Россия Федерацияси Федерал хавфсизлиги хизмати Марказий архиви, Россия ва Финландия тарихчилари комиссияси, Финландия Фанлар академияси, Торонто университетининг Сталин давридаги архивлар Маркази томонидан

¹ Шамсутдинов Рустамбек, Мамажонов Алишер. Шимолий Кавказ сургунидаги қисмати. – Т.: Шарқ, 2005. – Б.39.

² “Совершенно секретно: Любянка – Сталину о положении в стране (1922-1934гг.). ред сост: А.Н.Сахаров, Г.Н.Севостьянов, В.С.Хистофоров, В.К.Виноградов, Т.Вихавайнен, М.Квинен, А.Гэтти, Л.Виола, Л.П.Колдникова. –Москва, 2000-2008.

тайёрланган. Тўпламда 1922-1934 йиллардаги СССРнинг сиёсий аҳволи обзори йилма-йил, ойма-ой берилган ва обзор Иттифокнинг барча минтақаларини қамраб олган. Масалан, Шарқ миллий республикалари ва автоном областлари рукни остида Ўзбекистон, Қирғизистон, Қозоғистон, Тожикистон, Туркменистон республикаларидаги ҳолатлар берилган¹.

Ўрта Осиёдан қулоқлар, маҳбуслар 1932-1935 йиллари Москва-Волга канали қурилишига сафарбар қилинган ва улар энг катта ва даҳшатли Дмитров лагерида бўлиб, канал қурилишида иштирок этганлар. Аммо, канал қурилиб ишга тушгандан кейин 1937-1938 йиллардаги Катта террорда ана шу Дмитролдагилар, жумладан ўзбекистонликлар отувга ҳукм қилинган. Уларнинг бир қисмини номлари аниқланди. Бу ҳақда маълумотлар тўпламдан² жой олган.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти, “Шаҳидлар хотираси” хайрия жамғармаси, Бобур номидаги Андижон давлат университети томонидан тайёрланиб нашрдан чиққан уч жилдлик ҳужжатлар ва материаллар тўплами¹ мазкур мавзунини тадқиқ қилишда асосий манбалардан бири бўлиб хизмат қилди. Бу тўплам Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг Ўзбекистоннинг янги тарихи Маркази томонидан нашр қилиш учун тавсия қилинган. Бу асар нафақат Ўрта Осиёда, ҳатто Россия Федерациясида ҳам илмий жамоатчилик томонидан ижобий баҳоланди, марказий журналларда тақризлар эълон қилинди².

¹ Қаранг: Совершенно секретно: Любянка – Сталину о положении в стране (1922-1934гг.). Том 6. -М. 2002. –С.480-481, 529-531, 635-636.

² Бутовский полигон. 1937-1938гг. Книга памяти жертв политических репрессий. В 7 томах. -М.: Панорама, 1998-2000.

¹ Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка. 1929-1955гг. Документы и материалы. Том I-III. (Сост: Р.Т.Шамсутдинов, Б.Расулов под ред. Д.А.Алимовой: АН РУз., Институт истории). Благотворительный фонд «Шахидлар хотираси», Андижанский Госуниверситет им. Бабура. –Т.: Шарқ, 2006. Том I-С.656, Том II-С.494, Том III. –С.351.

² Юсупов Э. Ценное издание о трагических страницах истории коллективизации в Средней Азии./ История Узбекистана. Т. 2007. №3. –С.77-79; Осин В.М. Вышли в свет-Отечественные архивы. М. 2007. –С.134; Ражабов Қахрамон, Ражабов Дилшод. Селдай келган офат (давр фожеаси ҳужжатлар нигоҳида)/Муҳофиза, 2007. №1(27); Юсупов Э. Трагедия среднеазиатского кишлака. –Андижанская правда. 2006, 26 декабрь; Раҳмонов Равшан, Ражабов Қахрамон. Ўрта Осиё кишлоғининг фожеаси: тарихий ҳақиқат ва реаллик (ёхуд давр фожеаси ҳужжатлар нигоҳида). –Андижон ёшлари. 2007, 31 март; Андижоннома. 2007, 28 апрель;

Умумий ҳажми 1500 бетдан ортиқ бўлган ушбу китобларни (637 та ҳужжатдан иборат) уч жилдда профессор Р.Шамсутдинов ва тарихчи олим Б.Расулов катта меҳнат ва машаққатли илмий изланишлар асосида нашрга тайёрлаб, уни уч жилд ҳолатда чоп этдилар.

“Трагедия среднеазиатского кишлака...” китоби 5 бўлимдан иборат бўлиб, 1-жилдда Ўрта Осиё республикаларида амалга оширилган мажбурий коллективлаштириш ва деҳқонлар оммасининг колхозлаштиришга қарши ҳаракатлари, кулоқлаштиришнинг моҳияти ва унинг амалга оширилиши кўрсатилган 243 та ҳужжат киритилган. 2-жилдда деҳқонларнинг сургун ва депортация қилиниши, шунингдек, Ўрта Осиё, Украина, Шимолий Кавказ ва Шимолий Қозоғистонда совет режими томонидан ташкил қилинган махсус меҳнат посёлкалари ҳақидаги 233 та ҳужжат мавжуд. Китобнинг якунловчи 3-жилдидан ўрин олган бешинчи бўлим материаллари “кулоқ” қилинганлар тақдирига бағишланган бўлиб, 168 та ҳужжат “кулоқлар”нинг қайта қатағон қилиниши, мажбурий меҳнат кўчиндиларининг Иккинчи жаҳон урушида қатнашуви, “кулоқлар”нинг озод қилиниши каби учта мавзуга ажратилган...¹

Китобнинг 2-жилдида сургунга оид бир туркум ҳужжатлар (454, 455, 456, 458, 460, 461, 462, 463, 464, 465, 467, 468, 469-сонли) эълон қилинган. Фан учун ниҳоятда қимматли бўлган бу ноёб ҳужжатлар Россия Федерацияси Хавфсизлик хизмати Марказий архивидан, Россия Федерацияси давлат архивидан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони архивидан олинган бўлиб, биринчи бор эълон қилинган.

Ана шу 3 жилдлик тўпламга унинг давоми сифатида қўшимча, тўлдирувчи сифатида яна бир тўплам нашр этилди¹. Унга 147 та архив материаллари киритилган. Аввалги 3 китобдаги 637 та ҳужжат билан, жами

Гофуржон Ҳайдаров. Баҳои ҳолисонаи тарих. /Омўзгор. №4. 26 январи соли 2007; Асалем Гореев, Нурджанов К. Трагедия среднеазиатского кишлака. Критика и библиография. -/ Хорезмская правда. 2007, 28 апрель; Земсков В.Н., Юсупов Э.Ю. О книге «Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивания, ссылка в 3-х томах». // Отечественная история, М., 2007, № 3.

¹ Ражабов Қахрамон, Ражабов Дилшод. Кўрсатилган манба. –Б.25.

¹ Среднеазиатский кишлак в годы Большого террора. Сост: Шамсутдинов Р.Т.-доктор ист. наук, профессор (отв. редактор), Юсупов Э.Ю.-кандидат ист.наук, доцент, Хошимов С.-кандидат ист. Наук, Дусматов Э.П.-исследователь. Андижанский государственный университет имени Бабура, Международный благотворительный фонд научно-практической экспедиции «Мерос». АДУ. Андижан, 2007. –С.500.

784 та ҳужжат Ўрта Осиёдаги коллективлаштириш фожеасини ёритишда муҳим бирламчи манба сифатида қимматли эканини англаймиз.

Якка тартибда қишлоқ хўжалик солиғига тортилганлар ҳақидаги материалларни ва шикоятларни кўриб чиқувчи Марказий комиссиянинг баённомалари ҳам тўпламга киритилгани муҳим аҳамиятга эга. Чунки бу баённомаларда қулоққа тортиш учун тайёрлаб қўйилган материаллар қанчалик реал асосга эга эмасликларини фаҳмлаш унчалик қийин эмас. Бошқача қилиб айтганда кўплаб деҳқонларга асоссиз қишлоқ хўжалиги солиқлари солинган, солиқ миқдори керагидан ортиқ даражада бўлгани, уни бажаришнинг иложи йўқлиги, шу боис қулоқлаштиришдаги кўпол хато ва нуқсонларни англаш мумкин бўлади. Хуллас, бу сингари янги ҳужжатлар кўп бўлиб, улар масалага янгича ёндашув имконини беради. Тўпламга район учликлари йиғилишлари баённомалари ҳам киритилган.

Юқорида қайд этилган 5 жилддан иборат² Ўзбекистондан 1937 - 1938 йилларда қатағон қилинганлар ҳақидаги тўплам ҳам айти шу мавзу бўйича муҳим манбалардан бири ҳисобланади.

Тўпламлар Ўзбекистон Республикаси Миллий ҳавфсизлик хизмати архиви материаллари асосида яратилган. Ундан ЎзССР Ички ишлар Халқ Комиссарлиги ҳузуридаги учлик қарорлари жой олган. Учлик томонидан ҳукм қилинганларнинг исми, шарифи, туғилган жойи, миллати, маълумоти, касби, келиб чиқиши, ижтимоий аҳволи, аввалдаги фаолияти, ҳибсга олингандаги ижтимоий мақоми, унга қўйилган айби, отувга ёки 8 йил 10 йил меҳнат тузатув тағерларига ҳукм қилингани, жазо муддати қачондан бошланиши кўрсатилган. Уларнинг аввалдан ким бўлгани, қулоқ ёки босмачи, сургун қилинган бўлса каерда сургунда бўлгани ҳам қайд қилинган.

² Репрессия 1937-38 годы. Документы и материалы. Выпуск 1. Сост: Шамсутдинов Р., Каримов Н., Юсупов Э. – Ташкент: Шарқ, 2005; Шамсутдинов Р.Т. Қатағон қурбонлари. Иккинчи китоб. - Тошкент: Шарқ, 2007; Репрессия 1937-38 гг. Документы и материалы. Выпуск 3. Жертвы Большого террора из Узбекистана. 1937 год, ноябрь. Сост: Шамсутдинов Р.Т., Юсупов Э, Мамажонов А, Дўсматов Э. - Ташкент: Шарқ, 2007; Репрессия 1937-38гг. Документы и материалы. Выпуск 4. Жертвы Большого террора из Узбекистана. 1937 год, декабрь. Сост: Шамсутдинов Р.Т., Абдуллаев М.Ф, Дўсматов Э.П., Курбанов Х.Р. – Ташкент.: Шарқ, 2008. Қатағон қурбонлари. 1938 йил февраль, сентябрь. Бешинчи китоб. Тузувчилар: Шамсутдинов Р.Т., Курбанов Х.Р., Расулов Ж.М., Эгамбердиев Ф., Бекимматов У. – Тошкент: Шарқ, 2009.

Уларда жумладан, Ўрта Осиёдан сургун қилинган қулоқлар, уларнинг қайта катагон бўлганлари ҳақида ҳам маълумотлар бор.

Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивидаги 837-сонли фондда (ЎзССР Халқ комиссарлари совети) мавзуга бевосита боғлиқ бўлган ҳужжатлар қаторида қулоқ хўжаликларни Ўзбекистон бўйича сургун қилиниши билан боғлиқ советларга қарши чиқишлар, сургунни амалга ошириш вақтидаги чиқишлар ҳақида умумлаштирилган фактлар, Ўзбекистон ГПУ раиси Петросян, ГПУ махсус посёлкалар бўлими бошлиғи Соловьевнинг 1932 йил 7 июндаги мутлақо махфий, 1932 йил май ойда амалга оширилган Ўзбекистондаги қулоқларни кўчириш натижалари тўғрисидаги маъруза хати¹ тадқиқот учун муҳим аҳамиятга эга.

86-фонд(ЎзССР Марказий Ижроия Комитети)да қулоққа тортилган, қамоққа ҳукм этилган, сургунга юборилганларнинг ариза ва шикоятларини кўриб чиқиш учун ташкил этилган комиссиянинг фаолиятига оид ҳужжатлар, бу комиссиянинг СССРнинг турли минтақаларидаги ГУЛАГ ва Меҳнат тузатув лагерлари раҳбарлари билан ўша лагерлардаги маҳбуслар ҳақида олиб борилган ёзишмалар муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

ЎзССР МИК Президиуми ва унинг йиғилишлари, сессия материалларида ҳам коллективлаштириш, қулоқ қилиш ва сургун этиш масалалари кўрилган. Ҳатто, жазо органлари, учликлар, судлар у ёки бу шахс, жумладан қулоқ ҳақида отувга, 8-10 йил қамоққа ҳукм қилганларидаги адолатсизликларга қарши билдирилган чоралар ҳам кўрсатилган. Кўпинча отувга ҳукм қилинганларни авф этиш ҳақидаги аризалари бўйича МИК кўрган чора-тадбирлари ҳам ҳужжатларда акс эттирилган.

Коллективлаштириш, қулоққа тортиш ва сургун жараёнининг Ўзбекистон республикаси Президенти Девони архивидаги ноёб ҳужжатларсиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Айниқса, 58-фонд (Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети)даги ҳужжатлар ниҳоятда қимматлидир.

¹ ЎЗР МДА, 837-фонд, 26-рўйхат, 384-иш, 15-31, 32-46, 67-варақлар.

Мавзу манбалари қаторига вилоятлар давлат архивларида сақланаётган ҳужжат ва материалларни ҳам киритиш мумкин. Маҳаллий қишлоқларда бўлаётган воқеалар, уларни содир бўлишида хизмат қилган партия, совет ва бошқа маъмурий органлар, жамоат ташкилотларининг ўрни ва роли, улар томонидан деҳқонлар оммасига қарши қаратилган тазийқ, таъқиблар, адолатсизликларни билиш мумкин бўлади.

Коллективлаштиришда иштирок этган ёки унга қарши турган, кулоқлаштириш, сургун, сиёсий қатағон қурбонларининг эсдаликлари ҳам мазкур мавзунинг тадқиқ этишда муҳим ёрдамчи манба ҳисобланади. Шу боис ўша фожеалар шохиди бўлганларнинг эсдалик, хотираларидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Бу борада ҳам анча ишлар қилинди¹. Бу эсдаликларда масалага бевосита алоқадор, архив ҳужжатларда акс эттирилган воқеалар тафсилотини мустаҳкамлайди, ҳатто ҳужжатларда ўз ифодасини топмаган соҳаларни ҳам ойдинлаштиради.

Мавзу тарихшунослиги. Мазкур масаланинг тарихшунослиги бир-биридан диметриал тарзида фарқ қилувчи икки босқичдан иборатдир. Биринчи босқич совет тарихшунослиги, иккинчи босқич истиқлол арафаси ва мустақиллик давридаги тарихшунослик.

Бу ҳар икки босқичдаги тарихшунослик мустақиллик йилларида маълум даражада таҳлил қилиб берилган². Мазкур масаланинг совет давридаги ва мустақиллик йилларидаги тарихшунослигининг айрим соҳалари Ўрта Осиё регионида аграр ўзгаришлар тарихининг йирик мутахассиси, академик Р.Х.Аминова² номи билан боғлиқдир. Олиманинг бу асарлари ўзбек

¹ Эгамназаров Алиназар. Сургун (ҳужжатли қисса, очерклар ва мақолалар). Т.: Адолат, 1999; Бокий Набижон, Ҳамидов Ҳожиакбар. Мени ёд эт. Т.: Гофур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000; Иминов Каримжон. “Кулоқ”лик сургун хотираларидан. Андижон, 1997; Страницы трагических судеб. Сборник воспоминаний жертв политических репрессий в СССР в 1920-1950 гг. Алматы: Жеп жарғас, 2002.

² Шамсутдинов Рустамбек. Ўзбекистонда советларнинг кулоқлаштириш сиёсати ва унинг фожеали оқибатлари. – Т.: Шарқ, 2001. –Б. 3-54; Ўша муаллиф. Қишлоқ фожеаси: жамоалаштириш, кулоқлаштириш, сургун (Ўрта Осиё республикалари мисолида). – Т.: Шарқ, 2003. –Б. 8-23; Шамсутдинов Рустамбек, Мамажонов Алишер. Шимолий Кавказ сургундаги юртдошлар қисмати. –Т.: Шарқ, 2005. –Б. 20-58; Абдуллаев М.Ғ. Ўзбекистонда советларнинг кулоқ қилиш сиёсати ва унинг фожеали оқибатлари (1925-1945 йиллар.). фан. номзод. Дисс. Автореферати. -Тошкент, 2002.

² Аминова Р.Х. Из истории коллективизации в Узбекистане – История СССР. М. 1991. №4; унинг ўзи: Коллективизация в Узбекистане: как это было? – Коммунист Узбекистана. 1989, №9; унинг ўзи:

тарихшунослигига катта ҳисса бўлиб қўшилди. Академик Р.Х.Аминова коллективлаштириш ва қулоқ қилиш тарихининг аввалги марксча-ленинча, Комфирқача, нотўғри, сохталаштирган талқиндан бутунлай воз кечиб янгича методология, мустақиллик руҳида ўрганишнинг истиқболли йўналишларини кўрсатиб берди. У ўз асари ва мақолалари билан совет даврида коллективлаштириш, қулоқ қилиш ва сургун этиш масалалари тамомила сохталаштирилгани, бузилгани, бу мавзудаги адабиётлар, диссертациялар, мақолалар ўша мустабид замон, қаттол давр руҳида ёзилганини, тарихда ҳам адолатсизлик ҳукмрон бўлганини катта илмий жасорат, илмий диёнат, камтарлик намоиш этиб тан олиб, ўзи ва бошқа тарихчиларни бу борадаги хато ва нуқсонларини тузатишга катта куч сарфлади.

Қизил империя ҳукмронлиги даврида “қулоқ”, “муштумзўр”, “қишлоқ буржуазияси”, “аксилинқилобчилар”, “халқ душманлари”, “колхоз душманлари”, “ёт унсурлар”, “капиталистик унсурлар”, “энг сўнгги эксплуататорлар”, “буржуа миллатчлар” каби турфа номлар билан аталиб келинган миллий қишлоқларимиздаги деҳқонлар оммасига қарши расман геноцид қўлланилган эди. Тарихимизнинг бундай аламли, ачинарли, армонли саҳифасини, ҳақиқий аҳволни, шу ҳақиқатни айтишни, ёзишни имкони бўлмаганди. Бундай чин тарихни яратиш Комфирқа ва советлар учун керак эмасди. Аксинча, режим тарихни сохталаштиришни, бузишни истарди, имкон қадар ўзининг халққа қарши қаратилган сиёсати, амалиётини халқдан яширишга ёки уни сохталаштириб мақташга, реклама қилиб тарғиб этишга уринганди. Шу боис бу даврда яратилган тарихий адабиётларда коллективлаштириш ва у билан боғлиқ барча тадбирлар, унинг оқибатлари бошдан оёқ Комфирқа, социализм, марксизм-ленинизм руҳида эди. Тадқиқотчилар замона зайли, ҳукмрон тузум ва унинг мафкуравий, ғоявий, сиёсий босими, тазийқи билан Ўрта Осиё ва умуман СССРдаги аграр ўзгаришларни, коллективлаштириш, қулоқ қилиш ва сургун этиш жараёни ва

моҳиятини тўла очиб бера олмаганлар, манбаларга танқидий ёндаша билмаганлар, воқеликни чинакам акс эттирувчи ҳужжатлар маҳфийлик тамғаси билан пўлат сандиқларда сақланаётгани туфайли улардан фойдаланиш имконига эга бўлмаганлар, ҳақиқий далилларни четлаб ўтганлар, ҳама нарсани ижобий баҳолаганлар, салбий, фожеали жиҳатларни атайин тушириб қолдирганлар. Ўзига тўқ, ўз тирикчилигини бемалол ўтказадиган, тадбиркор деҳқон хўжаликларининг тугатилиши, деҳқонларнинг мулкдан манфаатдорлигидан маҳрум қилиниши мудҳиш оқибатларга олиб келганлиги ҳақида тадқиқотчилар оғиз очмай юришга мажбур бўлганлар¹.

Мустабид тузум ва Комфирқа мафкураси, сиёсати ҳукмрон бўлган шароитда коллективлаштириш ва у билан боғлиқ қулоқ қилиш, қулоқ қилинганларни қишлоқ аҳолиси орасидан юлиб олиб қамаш, отиш ва сургун қилиш, сургун азоблари каби фожеали воқеа, ҳодисаларни рўй-рост очиб бериш мутлақо мумкин эмасди. Аксинча совет даврининг бошқа соҳалардаги каби бу коллективлаштириш ва у билан боғлиқ тарих ва большевизмнинг аграр сиёсати эришган катта ютуқ сифатида баҳоланиб, ҳатто бу тажрибани ўзга мамлакатларда ҳам қўллаш зарурлиги “исботлаб берилганди ва айрим “демократик йўл”дан бораётган чет давлатларга “экспримент” тарзида тавсия қилинган ва улар томонидан қабул қилинган ҳам эди. Большевиклар қўллаган коллективлаштириш фожеасига улар ҳам гирифтор бўлгандилар.

Бу фожеа ва унинг тарихи совет тарихшунослигида синфийлик, партиявийлик, байналминаллик нуқтаи назаридан туриб сохталаштирилди, бузилди, нашр этилган асарларда, ҳимоя қилинган диссертация ишларида ва улардаги ясама, тўқима, ёлғон фикрлар ўша мустабид совет режимини ҳимоялашга, уни ҳар жиҳатдан ҳимоя қилишга хизмат қилди. Профессор Р.Т.Шамсутдинов таъкидлаганидек, “совет тузumi даврида нашр этилган жамийки адабиёт, хоҳ тарихий, хоҳ бадий бўлсин, шунингдек кўплаб

¹ Шамсутдинов Рустамбек. Қишлоқ фожеаси: жамоалаштириш, қулоқлаштириш, сургун (Ўрта Осиё республикалари мисолида). –Т.: Шарқ, 2003. –Б.8.

мақолаларда ва номзодлик, докторлик диссертацияларида Ўзбекистонда ўтказилган ер-сув ислоҳоти, оммавий жамоалаштириш, қулоқларни синф сифатида тугатиш билан боғлиқ барча тадбирлар, воқеалар, Комфирқа ва советларнинг аграр сиёсати ижобий баҳоланган, ҳаттоки ўзга мамлакатларга намуна, андоза қилиб тавсия этилган.”¹

Ўрта Осиё, жумладан Ўзбекистон халқининг турмуш тарзига, менталитетига, қалби ва онига мутлақо сингмаган коллективлаштиришни зўрлик билан ўтказилиши партиянинг ленинча миллий сиёсати тантанаси, социализм қуришнинг қишлоқ хўжалигидаги ғалабаси сифатида ижобий баҳоланиб келинди. Совет тарихшунослигининг бундай мақтовлари юқорида таъкидланган академик Р.Х.Аминованинг асарларида, профессор Р.Т.Шамсутдиновнинг монографик тадқиқотларида, унинг шогирдлари М.Ғ.Абдуллаев, А.Мамажонов, Б.М.Расулов, Н.Худоёров, Х.Қурбоновларнинг мақола, диссертацияларида танқид остига олинган, совет тарихшунослиги танқидий таҳлил қилиб берилган².

Аслида совет тарихшунослигида энг кўп тадқиқ этилган мавзулар каторида коллективлаштириш ва у билан боғлиқ бир қанча тарихий жараёнлар, воқеалар катта ўрин тутган эди. Бу дегани Иттифоқ миқёсида ҳам, республикалар, ҳатто вилоятлар мисолида ҳам коллективлаштириш тарихига, комфирқа ва совет давлатининг олиб борган коллективлаштириш сиёсати ва амалиётига қизиқиш беҳад ортиб кетганди. Кўплаб номзодлик, докторлик диссертациялар, монографик тадқиқотлар, оммабоп рисолалар, архив ҳужжатлар тўпламлари, воқеа-ҳодисалар шохидларининг эсдаликлари айни ўша давр бадиий адабиётида ҳам бу мавзу етакчи ўринни эгаллаган эди.

¹ Шамсутдинов Рустамбек. Ўзбекистонда советларнинг қулоқлаштириш сиёсати ва унинг фожеали оқибатлари. – Т.: Шарқ, 2001, -Б.5-6.

² Рустамбек Шамсутдинов. Қишлоқ фожеаси: жамоалаштириш, қулоқлаштириш, сургун (Ўрта Осиё Республикалари мисолида). Тошкент: Шарқ, 2003. -Б.213, 215, 301, 308; Шамсутдинов Р.Т., Мамажонов А. Шимолий Кавказ сургунидаги юртдошлар қисмати. -Т.: Шарқ, 2005; Абдуллаев М. Ўзбекистонда советларнинг “қулоқ” қилиш сиёсати ва унинг фожеали оқибатлари (1929-1945йиллар). номзодлик дисс. автореферати. -Т. 2002; Мамажонов А. Коллективлаштириш жараёнида Ўзбекистон қишлоқларидан Шимолий Кавказга сургун қилинганлар. номзодлик дисс. автореферат. Андижон, 2005; Х.Қурбонов. Ўзбекистон зўрлик билан ўтказилган коллективлаштириш ва унинг оқибатлари (1929-1938 йа.) (ҳозирги Самарқанд, Навоий, Бухоро вилоятлари мисолида) номзодлик дисс. автореферати. - Т. 2010 ва бошқалар.

Хуллас, зўравонлик асосида ўтказилган коллективлаштириш ва у билан боғлиқ бошқа тадбирлар бошдан-оёқ адолатсизликка асосланган, инсоннинг ҳақ-ҳуқуқлари қўпол равишда оёқ-ости қилинган эди.

Ўзбек тарихшунослигида илк бор “қулоқлар” масаласи бўйича Комфирқа ва муҳолифат талқинлари умумий тарзда очиб берилди².

Кўплаб тадқиқотлар Россия Федерациясида эълон қилинди. Улардан фақат В.Н.Земсков² билан Н.А.Ивницкий³ асарларига тўхталиб ўтишни лозим билдик.

Россия Федерацияси Фанлар академияси Россия Тарих институтининг етакчи илмий ходими, тарих фанлари доктори В.Н.Земсков кўп йиллар мобайнида қулоқлар сургуни мавзуида тадқиқот ишлари олиб борди, кўплаб мақолалар эълон қилди. Унинг зикр қилинган монографиясида ўша илмий мақолалар умумлаштирилган, тизимга солинган. Китоб тўрт бобдан иборат бўлиб, биринчисида 1930-йиллардаги қулоқлар сургуни, иккинчисида урушгача ва уруш йилларидаги депортация ва махсус қишлоқлар тизими, учинчисида урушдан кейинги вақтдаги (1946-1953) махсус кўчкдилар, тўртинчисида эса собиқ қулоқларнинг махсус посёлкалардан, махсус комендатуралардан озод бўлиши масалалари катта ва кенг кўламдаги архив манбалари асосида очиб берилган. Унда Ўрта Осиё ва Қозоғистонга доир материаллар ҳам мавжуд.

Ўша Тарих институтининг етакчи илмий ходими, тарих фанлари доктори Н.А.Ивницкийнинг СССРдаги коллективлаштириш, қулоққа тортиш ва сургун қилиш масалалари билан узок йиллик тадқиқотлари самараси сифатида унинг “СССРда қулоқ қилинганлар тақдири” (Судьба раскулаченных в СССР) номли монографик асарининг нашр қилиниши катта воқеа бўлди. Қулоқлар сургуни масаласига алоҳида бағишланган бу капитал

² Қаранг: Шамсутдинов Рустамбек. Ўзбекистонда советларнинг... – Б. 21-54.

² Земсков В.Н. Спецпереселенцы в СССР 1930-1960. – Москва: Наука, 2003. –С. 305.

³ Ивницкий Н.А. Судьба раскулаченных в СССР. – Москва: Собрание, 2004. –С. 295.

тадқиқот ҳалигача ўз ечимини топа олмаган кўплаб муаммоларни ўз ичига қамраб олган. Буни китобнинг мундарижасида ҳам билса бўлади.

Асарда коллективлаштириш ва қулоқ қилиш, қулоқ қилинганларни сургун этиш, махсус кўчириб келтирилганларни уй-жойга жойлаштириш, уларни хўжалик жиҳатдан жойлаштириш, махсус посёлкаларни маъмурий-хўжалик жиҳатдан жойлаштириш, махсус кўчкиндиларнинг ҳуқуқий ҳолати, махсус посёлкалар ва махсус кўчкиндилар тўғрисида норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиши, меҳнат кўчкиндиларининг ҳуқуқий аҳволи ва вазифалари, улардан СССРнинг Шимолий ва Шарқий районларида қишлоқ хўжалигида, саноат ва қурилишда фойдаланиш, уларга тиббий-санитария хизмати кўрсатиш, махсус посёлкалардаги маданий-оқартув ишлари каби масалалар ўзининг кенг ва батафсил ифодасини топган.

Р.Т.Шамсутдиновнинг “Қишлоқ фожеаси: жамоалаштириш, қулоқлаштириш, сургун” номли монографик тадқиқотида Ўрта Осиё регионидagi коллективлаштириш, қулоқлаштириш ва бу сиёсий кампанияларга қарши ҳаракатлар, қишлоқдаги инқилобий ҳаракатлар, аёллар кўзғолонлари, 1930-1932 йиллардаги “қулоқлар” сургуни, муҳожирликдаги “қулоқлар”, Украинага, Шимолий Кавказга сургун қилинган юртдошларимиз ҳаёти, Ўрта Осиёдаги меҳнат посёлкалари, “қулоқлар”нинг она юртларига қайтиши масалалари кенг ва катта кўламда ёритилган.

Ўрта Осиё миллий қишлоқларидаги фожеанинг сабабчилари, айбдорлари ҳақида тўхталиб, муаллиф ўзининг салбий, жирканч фаолияти билан машҳур бўлиб кетганлар ва уларнинг номларини келтиришга журъат эта олган. Улардан Л.Н.Бельский, Е.К.Евдокимов, В.А.Каруцкий, Л.Г.Миронов, Г.П.Майсон, В.М.Куруковский, Н.М.Райский, Р.А.Пиляр, А.А.Слуцкий, К.Я.Бауман, М.Д.Берман, И.А.Зелинский, Л.Б.Залин, Н.А.Загвоздин, Н.Ю.Перконлар Ўрта Осиёда коллективлаштириш, қулоқ қилиш ва сургун

этиш кампаниясининг тепасида туриб, маҳаллий арбоб ва ходимлардан иборат катта таянчга эга бўлганликлари кўрсатилган.¹

Р.Шамсутдинов билан А.Мамажоновларнинг монографик тадқиқотида² учта катта масалалар ёритилган. Биринчисида Ўзбекистонда коллективлаштириш, қулоқ қилиш ва сургун этиш тарихининг турли талқинлари, иккинчисида коллективлаштириш, қулоқлаштириш, сургун ва уларга қарши деҳқонлар кураши ва учинчисида Шимолий Кавказга сургун қилинганларнинг фожеали ҳаёти катта, кенг, хилма-хил манбалар асосида ёритилган. Асарда аввал эълон қилинмаган, Ўзбекистон, Москва, Ставрополь ўлкасида маҳфийлик тамғаси билан сақланган архив ҳужжатлари ҳамда сўнгги вақтда хорижда нашр юзини кўрган ҳужжат ва материаллардан кенг фойдаланилган ва улар биринчи бор илмий истеъмолга киритилган.

20-30 – йиллардаги қатағон, айниқса 1937-1938 йиллардаги Катта террорнинг асосий зарблари энг аввало “собик қулоқлар”га қаратилган эди. 20-30 – йилларда қулоққа тортилган, қамоққа ҳукм этилган, сургун қилинган “собик қулоқлар” 1937-1938 йилларда такроран қатағон этилган эди. Уларнинг бир қисми учлик қарорлари билан отилиб юборилган, яна бир қисми 8-10 йил муддат билан меҳнат тузатув лагерларига ҳукм этилганлар.

“Тарихнинг ҳасратли саҳифалари”³ китобининг учинчи бўлими қулоқлаштириш кампанияси тарихига, тўртинчи бўлими сиёсий қатағон қурбонлари тарихига бағишланган. Унда Шимолий Кавказга сургун қилинганлар (Р.Шамсутдинов, А.Мамажонов), Шимолий Қозоғистонга сургун қилинганлар (Р.Шамсутдинов, М.Акбарова), Қатағон қилинган мулкдорлар фожеаси (Р.Шамсутдинов, Б.Расулов, Ф.Холназарова), Қулоқларнинг такроран қатағон қилиниши (Р.Шамсутдинов, Б.Расулов), Муҳожирликдаги юртдошлар қисмати (Р.Шамсутдинов, Ф.Холназарова,

¹ Шамсутдинов Рустамбек. Қишлоқ фожеаси: жамоалаштириш, қулоқлаштириш, сургун (Ўрта Осиё Республикалари мисолида). Тошкент: Шарқ, 2003. –Б.17-18.

² Шамсутдинов Рустамбек, Мамажонов Алишер. Шимолий Кавказ сургундаги юртдошлар қисмати. – Т.: Шарқ, 2005. – Б.335.

³ Тарихнинг ҳасратли саҳифалари. –Т.: ИПАК Шарқ, 2006.

М.Ганиева) мақолалари жой олган бўлиб, мазкур мавзунинг турли йўналишлари бўйича янги материаллар, янгича талқинлар киритилган.

Тўртинчи бўлимда ҳам собиқ кулоқлар, уларнинг тақдири, қисмати Москва, Қозоғистон, Ўзбекистон архивларидан излаб топилган архив ҳужжатлари асосида очиб берилган. Айниқса, махбус юртдошлар қисмати (Р.Шамсутдинов), Бутовада дафн этилган юртдошлар (Р.Шамсутдинов, Б.Расулов, Ф.Холназарова), Қозоғистон сургунидаги ўзбекистонликларнинг катагон қилиниши (Р.Шамсутдинов, М.Акбарова) мақолалари диққатга лойиқдир.

Д.Алимова билан Р.Шамсутдиновнинг эълон қилган қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш тарихи ва тарихшунослигини ўрганишга доир мақоласи¹ ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Унда мазкур мавзу собиқ Иттифок микёсида, жумладан Ўрта Осиё ва Қозоғистонда ўрганилганлик ҳолати қисқача таҳлил қилинган. Масалага янгича ёндашув Ўрта Осиё ва Қозоғистонда 80-йиллардаёқ бошланганига урғу берилади. 1988 йил 28-29 ноябрда Алмати шаҳрида коллективлаштириш тарихи бўйича минтақавий мунозара бўлиб ўтади. Унинг материаллари 1990 йили китоб бўлиб нашр этилган² ва бу тўпلامда моҳиятан биринчи бор мазкур муаммони қайтадан фикрлаб чиқиш сари қўйилган дастлабки қадам бўлди. Ана шу анжуманда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти вакилларида А.Ю.Иброҳимова³, М.М.Пўлатова⁴, Д.А.Алимовалар ўз илмий мақолалари билан иштирок этдилар.

Мустақиллик йилларида Қозоғистон тарихшунослигида ҳам мазкур мавзу бўйича янгича ёндашув, янгича талқинлар илгари сурилган бир қанча тадқиқотлар нашр юзини кўрди.¹ Бу асарларда коллективлаштириш,

¹ Алимова Д., Шамсутдинов Р. К изучению проблемы историографии и истории коллективизации сельского хозяйства. – O'zbekiston tarixi. Histori of Uzbekistan. – Tashkent. 2007, -С. 24-35.

² Коллективизация сельского хозяйства в республиках Средней Азии и Казахстана: опыт и проблемы. - Алматы, 1998.

³ Ибрагимова А.Ю. Коллективизация сельского хозяйства Узбекистана: проблемы и суждения.

⁴ Пулатова М.М. Белые пятка в истории коллективизации Узбекистана.

¹ История Казахстана с древнейших времён до наших дней. (очерк). Издательство «Дауір», Алматы, 1993, -С 307-311; История Казахстана. Пособие для студентов. Издательная группа «Казинтерграф», -Алматы, 18, -С

қулоқлаштириш ва у билан боғлиқ сургуннинг фожеали оқибатлари очиб берилган.

Қозоғистон ҳудудида коллективлаштириш, қулоққа тортиш ва сургун қилиш кампанияси тарихига янгича қараш Макаш Козыбаев, Жулдузбек Абылхожин, Қайдар Алдажуманов асарларида биринчи бўлиб очиб берилган.²

2012 йилда Б.Расулов томонидан нашр қилинган “Коллективлаштириш жараёнидаги сиёсий қатағонлар” номли монографиясида ҳам бир бўлим айнан сургун жараёнларига бағишланган бўлиб, янги манбалар асосида илмий таҳлил қилинган.

1.2. КОЛЛЕКТИВЛАШТИРИШ ЖАРАЁНИ – СИЁСИЙ ҚАТАҒОНЛАРНИНГ АСОСИ

Коллективлаштириш большевистик ғоячиларнинг нуқтаи назарида қишлоқда ижтимоий қайта қуриш йўлининг асосий усулларида бири эди. Иккинчи усул эса давлат хазинасидан таъминланиб туриладиган давлат хўжалиги - совхозлар тузилиши эди.

Илк колхозлар 1917-1918 йиллардаёқ тузила бошланган эди. Ўшанда ишлаб чиқаришнинг умумлаштирилган даражаларига қараб хўжаликнинг уч тури шаклланган:

- қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш ширкати. Унда бутун қишлоқ хўжалиги инвентарлари, от-улов, тортув кучлари ва ерни биргалашиб ишловчилар умумлаштирилган;

90-91; Казыбаев М.К. Алдажуманов К.С. Тоталитарный социализм: реальность и последствия. XX! Век. Алматы, 1997, с 28; Насильственная коллективизация и голод в Казахстане. 1931-1933гг. Сборник документов и материалов. -Алматы, 1998. -С 262; Депортированные в Казахстан народы: время и судьбы. - Алматы: Арыс-Қазақстан, 1998. -С 412; Шеймерданова М.Д. История Казахстана с древнейших времён до середине XX века. Учебное пособие. Часть II. Издание третье, переработанное и дополненное. -Алматы, 2000. -С 246; Абусентов М.Х., Абылхожин Ж.Б., Кляшторный С.Т., Масанов Н.Э., Султанов Т.И., Хазанов А.М. История Казахстана и Центральной Азии. Дайк-пресс. Алматы, 2001. -С 611; Масанов Н.Э., Абылхожин Ж.Б., Ерофеева И.В., Алексеенко А.Н., Баратова Г.С. История Казахстана народы и культуры. Дайк-пресс. -Алматы, 2001. -С 599; Абдакимов Абдижапар. История Казахстана (с древнейших времен до наших дней). Издание четвертое, переработанное и дополненное. -Алматы: Қазақстан, 2003. -С 490.

² Депортированные в Казахстан народы: время и судьбы. -Алматы: Арыс-Қазақстан, 1998. - С 29-107.

- қишлоқ хўжалиги артели. Бунда барча ишлаб чиқариш воситалари, ер ва бутун ишлаб чиқариш жараёни умумлаштирилган;

- қишлоқ хўжалик коммунаси. У ижтимоий ишлаб чиқариш ва тақсимотдар иборат эди.

1927 йил декабр ойидаги ВКП(б) нинг XV съезди партиянинг қишлоқлардаги асосий вазифаси бу - коллективлаштириш деб белгиланди.

1928 йил ноябрдан бошлаб давлат Машина трактор станциялари (МТС, (ҳозирги МТП)) ташкил қилина бошланди.

1928-1929 йиллардан бошлаб Россияда қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш ишлари оммавий авж олдирилди. Эндиликда экин майдонлари, ҳайвонлар, қишлоқ хўжалиги инвентарлари умумлаштирилган колхозлар ташкил этила бошланди. Барча йки деярли барча умумий ҳосил давлат ҳисобига ўтадиган бўлди. Колхозчилар эса фақатгина ажратилган кичик бир майдончаларда етиштириладиган ҳосил билан озукланадиган бўлди.

ВКП(б) МК нинг 1930 йил 5 январдаги “Коллективлаштириш суръати ва колхоз қурилишига давлат ёрдами бериш тадбирлари тўғрисида”ги қарори коллективлаштиришни сунъий тезлаштириш “пойгасини” авж олдирди.

Ушбу қарорда собиқ СССР ҳудуди уч гуруҳ туманларга бўлинди ва қайси ҳудуд қачон коллективлаштиришни тугаллаши режалаштирилди. Жумладан, Ўзбекистон учинчи гуруҳга киритилди ва коллективлаштиришни 1933 йил баҳорида тугаллаши кераклиги белгилаб қўйилди.

1930 йилнинг январидаёқ коллективлаштириш бўйича “беш йиллик режа” амалга оширилди. Ваҳоланки, ўша вақтда колхозларда жами меҳн Қарорда барча республикаларда маҳаллий шароитларга кўра коллективлаштиришни тугатиш муддатлари белгилаб берилди. Ўзбекистонда бу вазифани якунлаш муддати дастлабки режада иккинчи беш йилликка мўлжалланган эди. Бироқ, якуний режа вариантыда бу муддат қайта кўриб

чиқилиб, республикада коллективлаштиришни 1933 йилда, яъни биринчи беш йиллик охирида тугалланишига қарор қилинди¹.

Ёппасига коллективлаштиришни ўтказишга раҳбарлик қилувчи республика штаби ва комиссияси тузилди. Унинг таркиби асосан ЎзКП(б) МКнинг масъул раҳбар-ходимларидан иборат бўлди. 1930 йил учун коллективлаштириш режаси тузилиб, тасдиқланди. ЎзКП(б) МКнинг 1930 йил 17 февралдаги қарори билан республикадаги 17 та район ёппасига коллективлаштириш райони деб белгиланди. Самарқанд округидан Паст-Дарғом, Зарафшон округидан Конимех, Бухоро округидан Янги Бухоро районлари ҳам ана шу таркибга киритилди. Чунки бу вақтда Пастдарғом районида хўжаликларнинг 79,5, Янги Бухорода 94, Конимехда 77,5 фоизи ҳамда умумий ерларнинг 90 фоизи коллективлаштирилган эди. аткаш аҳолининг 20% игина кириб улгурганди.

ВКП(б) Марказий Комитети Ўрта Осиё бюроси 1930 йил 28 январда кулоқларни синф сифатида тугатиш билан боғлиқ тадбирлар тўғрисида қарор қабул қилади. “Ўрта Осиё республикаларида коллективлаштириш учун камбағаллар, ўрта ҳол, кенг деҳқонлар оммасининг ҳаракати инкор этиб бўлмас далил ва қишлоқ хўжалигини реконструкция қилиш ва юксалтиришнинг кучли таянчи бўлиб қолди”² дейилган асоссиз, субъективистик фикр қарор мақомида илгари сурилди. Қарорда колхозчилик ҳаракати кўп жиҳатдан қишлоқ хўжалигини тез суръатлар билан техникавий жиҳатдан қайта қуроллантиришга асосланиши, деҳқонларнинг оммавий ҳаракати асосида бир қатор туманларда ёппасига коллективлаштириш учун қулай шарт-шароитлар етилди, деган ғоя ҳам қайд этилган.

¹ Қаранг: Ўзбекистоннинг янги тарихи. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – Тошкент: Шарқ, 2000. – Б. 384; Шамсутдинов Р. Қишлоқ фожеаси: жамоалаштириш кулоқлаштириш, сургун (Ўрта Осиё республикалари мисолида). – Тошкент: Шарқ, 2003. – Б. 54.

² “Мерос” илмий амалий экспедиция халқаро хайрия жамғармаси архив фондидан (РИСТТДА, 62-фонд, 1-рўйхат, 649-иш, 73-81- варақлар).

**ЎзССР Халқ Комиссарлиги Ўз ССР Қишлоқ хўжалик коллективлари
уюшмасининг республикада 1930 йилда колхоз қурилиши бўйича
ҳисоботи дан¹**

1930 йил 1 декабр

Ўзбекистонда коллективлаштириш натижалари.

Ўзбекистонда қишлоқ қурилиши бўйича қуйидаги натижаларга эришилди. 1930 йил 1 сентябр ҳолатига кўра 229 минг хўжалик колхозлар таркибига киритилган (ёки 27,5%). Ташкил қилинган колхозлар сони 3524та. Шундан 94 % и қишлоқ хўжалик артели низомида, 6,3%и – ширкатлар низомида, 0,3% и комунналар низомида ташкил қилинган.

Колхозлар ўтган йилларга нисбатан анча мустаҳкамланган бўлиб, уларнинг таркибида 15 хўжалик эмас (ўтган йили), 55 хўжаликдан иборат.

Колхозлар асосан камбағал ва батраклардан тузилган бўлиб, ўртаҳоллар 24%ни (ўтган йили 3% ни ташкил этган) ташкил қилади холос.колхозларда жами экин майдонлари 746 минг гектар бўлиб, шундан 61,8 % и суғорма, 38,2%и лалми деҳқончиликка асосланган.

Ҳар бир колхозга ўртача 290 гектар ер, бир хўжалик колхозчига эса 3,3 гектардан ер майдони тўри келади.колхоз ерларини кредитлаш бўйича қилинган ишлар 12,2 миллион сўмни ташкил қилди. 1929-30 йилларда 1 гектар ер майдони 15 сўм 70 тийинга кредит билан сотилган. Аммо бугунги кунда бу тарздаги кредитлашнинг самараси ҳақида бир нарсга бейиш қийин.

Колхозларнинг рўйхатдан ўтказишни ташкиллаштириш. Баҳорги экин маувсуми даврида колхозларни рўйхатга олишни ташкил қилиш деярли йўлга қўйилмади. Маълумотларга қараганда, айрим районларда колхозларни рўйхатга олиш номигагина бажариб қўйилган. Тушадиган тўловлар фақатгина айрим ижтимоий гуруҳларгагина белгиланган. Кўпгина колхозларда чорвани умумлаштириш, мол-мулкларнинг аниқ ҳисоби, жамоатчилик фондларининг аниқ ҳисоб-китоблари юритилмаган.

¹ Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка. 1929-1955гг. документы и материалы. Том 1. (Сост. Р.Т.Шамсутдинов, Б. Расулов) Т.: «Шарк», 2006, 247-255 стр..

Айрим колхозларда ишчи чорваларни сотиш ҳолатлари кузатилган, аммо колхозларда бунга нисбатан ҳеч қандай чора-тадбирлар кўрилмаган. Ваҳолангки бу каби ҳолатлар юзасидан колхоз уюшмаларига кўрсатмалар берилган. Колхоз-кооперативи тизими бу ишлар бўйича ҳеч қандай ўзгариш қилмаган ва бундай унсурларни олдини олмаган.

Меҳнат ҳисобини ташкил қилиш. Колхозларда меҳнат ташкилотларини ташкил қилиш бўйича Наркомзем Колхозцентр томонидан директива ва йўриқномалар берилган. 50 кишидан иборат бригадалар тузиш таъкидланган бўлсада, жойларда майда-майда бригадалар тузилган. Кичик бригадалар тузилган айрим районларда колхозлар алоҳида ажралиб чиққан.

Бригадалар тазишда йўл қўйилган номутаносиблик, иш юришмайдиган жойларда иш юрита олмайдиган бригадаларнинг тузилиши, ишчи кучларидан нотўғри фойдаланганлик бир қатор колхозларда пахта етиштириш режаларини бажаришни орқага суриб юборди.

Меҳнат ҳисоби ўта оддий (примитив) усулда, яъни табель ва кўп ҳолларда марка тизимида олиб борилган. Айрим ҳолларда маркаларни тўловлар сифатида ишлатилиши ишчи деҳқонларнинг ўзларини ҳаққоний ишчи ходим эмас, балки оддий бир батрак сифатида ҳис қилишига олиб келган.

Колхозчилар кам маош тўланадиган 4-категорияда эмас, балки кўпроқ тўланадиган 1-категорияда ишлашни истардилар. Бу эса кўпгина тушунмовчиликларга сабаб бўлди.

Маълумотларга қараганда 30% колхозларда меҳнат ҳисоби умуман юритилмаслиги, кейинги текширишларга қараганда эса бундай ҳолатлар янада кўпроқ фоизни ташкил қилиши аниқланди.

Колхозлардаги зарбдорлик даражаси борасида ўтказилаётган кимўзди “пойгалари” ўтказилмоқда. Ўтказилсада, буларнинг аксарияти номигагина (формально) эди.

Ўртаҳол ва камбағал эркаклар ўртасида ишнинг номутаносиб ва режасиз ташкил қилинганлиги, оммавий иш суръатларига акс таъсир кўрсатди.

Фойда тақсимоти. Колхоз тизимада фойда тақсимотига киришилмаган. Район инструкторлари маълумотларига қараганда колхозларда ҳали умумий яқун чиқарилмаган. Бу масала бўйича Колхозцентр ва Наркомзем томонидан топшириқ ва тадбирлар белгилаб берилган. Бу топшириқ нафақат колхозчилар, балким аксарият колхозлар томонидан тушунмовчиликка олиб келган ва бу топшириқ бажарилмаган. Қолаверса. Мол-мулклари умумлаштирилган колхозчилар томонидан 5% ли тўлов тўлашлари ҳақида умуман эшитмаган эдилар.

Янги колхоз тўлқини. Коллективлаштирилган хўжаликларда талай етишмовчиликлар бўлишига қарамай янги колхозлар тузишда айрим ютуқларг аҳам эришилди. Экин майдонларининг кенгайтирилиши, колхозларга Европа қишлоқ хўжалик инвентарлари киритилиши, ҳосилнинг кўпайиши ва шу каби бошқа ютуқлар шулар жумласидан. Бу ўз навбатида колхозчиларнинг даромадлари ошишидан, якка хўжаликларни эса колхозларга жалб қилинишидан далолат берарди. Бу ҳол янги колхозларнинг кўпайиши ва эски колхозларга деҳқонларнинг жалб қилиниши билан белгиланади. 1930 йил 1 декабр ҳолати, 76 та районнинг далолат беришича 1638 та янги колхозлар тузилган ва уларнинг таркибида 40140 та хўжалик мавжуд, 12406 та хўжалик эса эски колхозлар аркибига қайтган. Бу кўрсаткичлар билан барча жойларда ҳам шундай натижаларга эришиляпти деб бўлмайди. Ҳалигача айрим жойларда колхозларни рўйхатга олиш ва иш юритиш бўйича қолоқликлар кузатилмоқда. Шунинг билан бир қаторда колхозларда кооператив тизимларининг ҳам яхши йўлга қўйилмагани бу фикрни яна бир қарра исботлайди.

Эски Бухоро, Қоракўл раойнлари ер бўлимида янги ташкил қилинадиган колхозларнинг Низом ва уставлари тасдиқланмай жойида турибди. Бу каби

ҳолатлар республиканинг бир неча районларида бор. Бу раойн ташкилотларининг яхши ишламаслигидан далолат беради.

Районларда колхозлар тушзилиши бўйича ҳисоботлар тайёрлаш бўйича тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Шунини таъкидлаш жоизки, олиб борилаётган охирги ҳисоботлар ҳам белгиланган йўриқномаларга тўла жавоб бермайди. Бу борада кўпгина районлар ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Жуда кўп раойнларда янги колхозлар тўлқини ҳақида ўйлаб ҳам кўрилмаган. Мутасадди ходимлар томонидан бу ҳолат пахта тайёрлаш ишларида бандликлари, шунинг учун бу ишларга вақтлари йўқлиги билан белгиланмоқда. Колхозцентр томонидан янги колхоз тўлқинлари, колхозларнинг тузилиши, чорваларни умумлаштириш, колхозчиларнинг нон билан таъминланиши борасида ўз вақтида тушунтириш ишлари олиб борилмаган. Бу борада Колхозцент томонидан топшириқ тушунтиришлар берилган (аммо кеч). Қатор районларда колхозларни ташкил қилиш ва иш юритиш борасидаги уставларига амалиётга таянмаган ҳолда, кўр-кўрона имзо чекиш ҳоллари юз берган. Ёппасига жамоалашган иш бормайдиган жойларда колхозларнинг номутаносиблиги, яъни уларнинг тобора кичиклашиб бориши кузатилган. Колхозлар қишлоқларда ва ҳатто колхозлар таркибида ҳам тузилган.

Колхозларда камбаўаллар ва батраклар билан олиб ориладиган ишлар умуман суст ҳолда. Колхозлар тузишда камбағал ва батракларнинг фаоллаштириш паст даражада. Марказий Кенгашнинг 15 октярдаги қарорига биноан колхозлардаги камбағаллар гуруҳлари билан алоҳида ишлаш тадбирлари бошлаб юборилган ва бунинг учун районларга 45 нафар ходимлар юборилган. Маълумотларга қараганда бу каби гуруҳлар умуман ишлашмаган ва уларнинг таркибида ёт унсурлар борлиги аниқланган. Эндиликда эса ўша гуруҳлар қайта кўриб чиқилиб, чора кўрилмоқда ва янги гуруҳлар тузилмоқда. Район ташкилотлари томонидан вақти вақти билан камбағалларни назорат қилиш учун махсус ишчилар юбориб турилган.

Сиёсий тусдаги бундай тадбирларни ўтказишдан асосий мақсад, пахта тайрлаш ишлари, кузги экин ишларининг режа асосида бориши, айниқса колхозларни қулоқ, бой ва ёт унсурлардан тозалаш билан боғлиқдир.

1930 йил 20 ноябр ҳолатига кўра 17 та районда колхозлар қулоқ, бой ва ёт унсурлардан «тозаланган». Улар 664 кишини ташкил этган. Лекин, бундан тозалаш ишлари ҳамма жойда ҳам ўтказилмаган. Айрим ҳолларда тозалаш ишлари жуда оддий усулларда ўтказилган. Масалан, Хатирчи туманининг Калинин колхозида олиб борилга тозалаш натижасида 4 киши ҳибсга олинган. Бунинг натижасида, бундан хабар топган бошқа деҳқонлар (бой, қулоқ ва ёт унсурлар) ишга чиқишмаган. Район ташкилотлари колхозлардаги батраклар, камбағаллар, ўртаҳоллар билан етарлича тушунтириш ишларини олиб боришмаган. Натижада эса қулоқлардан ёппасига тозаланиш ишлари яхши самара бермаган.

Янги тузилган колхозларнинг ижтимоий таркиби айрим ҳудудларда қуйидагича кўринишга эга: Султонобод (Самарқанд округи) райони – колхозларга кирганлар – 3551 хўжалик, улардан батраклар – 552, камбағаллар – 2077, ўртаҳоллар – 522. Наманган районида – колхозларга кирган – 975 хўжалик, улардан батраклар – 306, камбағаллар – 566, ўртаҳоллар – 124 тани ташкил этган.

Бу кўрсаткичлардан шуни аниқлаш мумкинки, колхозларга кираётган кўпгина деҳқонларнинг ижтимоий таркибини камбағал-батраклар ташкил этади. Эндиликда эса ўртаҳол хўжаликларни сонини кўпайтириш лозим. Бундай ҳолатнинг юз беришиг асосий сабаб, жойларда ўртаҳолларга янги тузилажак колхозларнинг аҳамияти, коллективлаштиришнинг нечоғлик самарадорлигини тушунтириш ишлари етарлича амалга оширилмаганлигида.

Колхозларда маданий – оқартув ишлари. Колхозларда маданий-оқарту ишларини ташкил қилиш ва уни юритиш борасида нафақат жойларда, балки

марказий ташкилотларда ҳам ҳал этилмаган масалалардан ҳисобланади. Йиғим-терим даврида айрим районлардаги мавжуд болалар боғчаси ва ўйин майдончалари иши тўхтатилади. Маданий бинолар, жумладан чойхона, клублар токи аҳоли терим мавсумидан бўшамагунча ишламайди. Чунки у ерга келадиган кишиларнинг барчаси меҳнат билан банд бўлади.

Кадрлар. Колхоз тизимида мутахассис ва етакчи кадрлар етишмайди. 150 нафар ишчи қисқа муддатли ўқув курсларини тамомлаган. 80 нафари эса ҳисоб-китоб курсларида ўқишмоқда. Маълумотларга қараганда колхозларда 40% ишчи ҳисоб-китоб ишлари билан шуғулланади, бу эса иш талабларига етарлича жавоб бера олмайди. Колхозларда ҳисоб-китоб билан ишлайдиган кишилар жуда саводсиз ва бунинг устига бундай ишчиларнинг ўзи етишмайди ҳам. Колхоз-кооператив тизимларида ҳисоб-китоб ишларини яхши й ўлга қўйиш учун ўқитиш керак бўлган ҳисоб-китоб ходимлари учун кетадиган пул ҳисоблари Наркомзем томонидан ҳисоблаб чиқилган. Унга кўра 20 минг кишига 1170 минг сўм миқдорида маблағ ишлатилиши керак. Ушбу ҳисоблардан 5100 та колхоз раиси, 7 мингта фаол-аёллар, 7 мингта меҳнат ташкилотчилари ўқитиб тайёрланишлари керак, деб белгиланган. Буларнинг барчаси 1930 йилнинг 4-кварталида ўқишлари назарда тутилган эди, аммо НКФ Наркомзем бюджетидан пул ажратмаганлиги сабабли бу ўқиш кейинги муддатларга қолмоқда. 1931 йилда эса жами 12270 киши ўқитилиши режага киритилган. Саводсизликни йўқотиш мақсадида эса 30 минг киши турли мутахассисликлар бўйича ўқиши ҳам режага киритилган бўлиб, бунинг умумий қиймати 43900 сўмни ташкил қилади.

Бундан ташқари, Колхозцентрга 80 кишин бухгалтерлик курсига ўқитиш бўйича ҳам ҳуқуқий хужжат юборилган. 1931 йил учун керак бўладиган ҳисоб-китобчилар сони жами 3500 тани ташкил этиши лозим. Аммо, ҳозирда 1300 таси бор холос. Қолганлари кузги терим мавсумига қадар тайёрланиши керак.

Яна шуни таъкидлаш керакки, Колхозцентр томонидан озиқ-овқат таъминотчилари, ошпазлар, маданий-оқартув ходимлари, колхозчи аёллардан эса мактабгача тарбия учоқларида ишлайдиган тарбияси, болалар боғчаси ва болалар ўйин майдончаларида тарбиячилар ҳам тайёрлаш ҳам режалаштирилган. 1930 йилда бундай ходимлардан 17853 татайёрланган бўлиб, уларга сарфланган харажатлар миқдори 1795 минг сўмни ташкил қилди.

Юқоридаги мутахассисликлар бўйича колхозларда муаммолар етарли. Бунинг устига район аппаратларида етакчи агрономлар етишмайди. Керак бўладиган 140 нафардан атига 69 нафар агроном мавжуд. Қишлоқ хўжалиги пунктларида ишлаши керак бўлган агроном 1042 та мутахассислардан бор йўғи 60 та агроном ва 115 та агротехник хизмат қилмоқда.

Биз ишларни режа асосида ва ўз вақтида сифатли бажаришимиз учун етишмайдиган кадрларни четдан олиб келолмаймиз (чуник четда ҳам етишмайди), кооператив тизимида ҳам ўқитишни моддий жиҳатдан кўтаролмаймиз. Бу ҳолатдан кутулишнинг бирдан-бир чораси ёш кадрларни маҳаллий ўқув юртларида ва техникумларда ўқитишни йўлга қўйиш керак.

Колхоз тизими ҳолати. Колхоз-кооператив тизимни жорий қилганимиздан буён 70 та колхоз уюшмалари ва 11 та колхозсекциялари ташкил этилди. Бугунги кунда 64 та раис, 42 та орг бўлими бошлиғи, 61 та район инструктори, 40 та иқтисодчи, 95 та инструктор, 36 та котиб фаолият кўрсатмоқда. Аммо, 17 та раис, 28 та орг бўлими бошлиғи, 20 та район агрономи, 30 та иқтисодчи, 47 та инструктор, 34 та котиб ва бошқа ходимлар етишмайди.

Ойлик маошларнинг кечиктирилиши айрим ишчиларнинг бошқа ишларга ўтиб кетишларига сабаб бўлмоқда. Бу муаммо Совнарком аъзоларига ҳам таниш.

Колхозлар қурилиши. 1930 йилнинг режаси бўйича колхоз қурилишида қуйидагилар бажарилиши кўзда тутилган эди:

386 та турли қурилишлар қуриш керак эди. Маълумотларга кўра, 1 сентябр ҳолатига кўра қурилишлар атиги 20%ни ташкил қилган. Турар жой қурилиши – 39та, турли хўжалик иншоотлари – 130 та, 1 сентябр ҳолатига кўра 30%га бажарилган. Кўчирма (переселенческие) қилинган колхозларда тартибсизлик ҳукм сурмоқда. Наркомземнинг бор эътиборини ана колхозларга қаратиши лозим. Бу борада Колхозстрой, Колхозцентр ва Наркомзем тизимидаги ишларни йўлга қўйиш керак бўлади¹.

1.3. 1937 - 1938 ЙИЛЛАРДАГИ ҚАТАҒОНЛАР ВА УЛАРНИНГ ОҚИБАТЛАРИ

Совет ҳокимиятининг 1929 йил охирида бошлаган коллективлаштириш сиёсати қулоқлаштириш, сургун, депортация ҳамда қатағон сиёсатларига асос бўлди. Индивидуал террор эндиликда оммавий қатағонларга айланишига замин яратди.

ВКП(б) (Бутун Иттифоқ коммунистик партияси) Сиёсий бюроси 1937 йил 2 июлда "Советларга қарши унсурлар тўғрисида" қарор чиқариб, "катта террор" учун старт берди деса бўлади. Ана шу қарор асосида НКВД 00447-сонли "Қулоқлар тўғрисида буйруқ" чиқарди.

Унга кўра, 1937 йил 5 августдан 1938 йил ноябрь ўрталаригача махсус ташкил этилган "учлик"лар камида 800 000 кишини, улардан ярмини отувга ҳукм қилганлар. 1937 йил августидан НКВД миллий операциялар ўтказиш бўйича яна бир неча буйруқлар қабул қилади. Бу билан 1937-1938 йиллардаги террор қурбонлари сони деярли 350 минг кишига кўпайтириб юборилади. 1937 йил 30 июлда СССР Ички ишлар халқ комиссари Н.Ежовнинг "Собиқ қулоқлар, жиноятчилар ва бошқа антисовет элементларни қатағон қилиш бўйича операция тўғрисида"ги 00447-сонли оператив мутлақо махфий тамға остидаги буйруғида қатағон қилинган,

¹ Ушбу маълумотлар ҳақида қаранг: Сплошная коллективизация сельского хозяйства Узбекистана (1930-1932гг.): Сборник документов. Ташкент, «Узбекистан», 1980, 57-63 стр.

қатағон бўлишдан яшириниб юрган, лагерлардан, сургунлардан ва меҳнат посёлкаларидан қочиб келган собиқ қулоқларнинг катта қисми қишлоқларда ўрнашиб қолгани қайд этилган. Ўтмишда кўплаб қатағон қилинган черковчилар ва сектантлар, советларга қарши қуролли чиқишларнинг собиқ иштирокчилари ҳам қишлоқда ўрнашиб олгани таъкидланган. Қишлоқда мавжуд бўлган ва уларнинг қолдиғи сиёсий партиялар эсерлар, грузмекилар, дашноқлар, муссаватчилар, иттиҳодчилар) ходимларининг, шунингдек, бандитлар кўзғолонининг собиқ фаол иштирокчилари, оқ жазочилари, репатриантларнинг катта қисмига ҳам деярли тегилмагани буйруқда кўрсатилган. "Юқорида санаб ўтилган элементларнинг бир қисми қишлоқдан шаҳарларга кетиб, саноат, транспорт ва қурилишларга суқилиб кириб олганлар",- дейилган буйруқда.

Бундан ташқари ҳозирга қадар жинойтчилар, ҳайвон ўғрилари, рецидивист-ўғрилари, талончилар ва жазони ўтаб қамоқдан қочиб келиб, қатағон бўлишдан яшириниб юрганлар ҳам қишлоқ ва шаҳарларга уя қуриб олганлар. Бу жинойтчилар контингенти билан етарли кураш олиб борилмаганидан жазо берилмагани оқибатида уларнинг жинойтчилик фаолияти фаоллашиб боргани ҳам мазкур ҳужжатда қайд этилган.

Ана шу ҳолатдан келиб чиқиб 1937 йил 5 августдан барча республикалар, ўлкалар ва вилоятларда собиқ қулоқлар, фаол антисоветчи элементлар ва жинойтчиларни қатағон қилиш бўйича операция ўтказиладиган бўлди. Бу операция Ўзбекистон, Туркменистон, Тожикистон ва Қирғизистон ССРда 1937 йил 10 августдан бошланиши белгиланди.

Буйруқда операцияни ўтказиш бўйича 7 пунктдан иборат йўриқнома ҳам келтирилган. Қатағон қилинадиганлар контингенти қуйидагилардан иборат эди:

1. Жазони штаб қайтган ва фаол антисовет кўпоровчилик фаолиятини давом эттираётган собиқ қулоқлар.

2. Лагерлар ёки меҳнат посёлкаларидан қочиб кетган собиқ қулоқлар, шунингдек, қулоққа тортилишдан яшириниб, советларга қарши фаолият олиб бораётган собиқ қулоқлар.

3. Исёнкор ва фашистик, террорчи ва бандитлар қўшилмаларидаги, жазони ўтаб, қатағондан яшириниб ёки қамок жойларидан қочиб кетган ва ўзининг советларга қарши жинойткорона фаолиятини тиклаб олган собиқ қулоқлар ва ижтимоий хавфли унсурлар.

4. Советларга қарши партиялар(эсерлар, грузмекилар. Дашноқлар, муссавватчилар, иттиҳодчилар) аъзолари ва қатағондан яшириниб юрганлар, қамок жойлардан қочиб кетганлар ва фаол антисовет қўпоровчи фаолият олиб бораётган собиқ оқлар, жандармлар, чиновниклар, жазо берувчилар. бандитлар, бандитларга кўмаклашаётганлар,переправшиклар,реэмигрантлар.

5. Тергов ва текширув агентлари материаллари билан фош қилинган, тугатилган казак-оқ гвардиячиларнинг исёнкор ташкилотлари, фашистик, террорчи ва жосус-қўпоровчи \қўшилмаларнинг энг душман ва фаол иштирокчилари.Шунингдек, ҳозирда қамокда, терговда сақланаётган, уларнинг айримларининг иши тугаган, бироқ ҳали суд органлари кўриб чиқмаган ана шу тоифадаги унсурлар ҳам қатағон қилиниши кўзда тутилган.

6. Турмаларда. лагерларда. Меҳнат посёлкаларида ва колониялар қамокхоналарида сақланаётган ва бу жойларда фаол антисовет қўпоровчилик иши олиб бораётган собиқ қулоқлар, жазокорлар, бандитлар, оқлар, сектантлик фаоллари, черковчилар ва бошқалар.

7. Жиноий фаолият олиб бораётган жинойтчилар(бандитлар, талончилар. Ўғри-рецидивистлар) ва жиноий муҳит билан боғланганлар.

8. Лагерлар ва меҳнат посёлкасидагилар ва у жойларда жиноий иш олиб бораётган жинойтчи элементлар.

9. Ҳозирги вақтда қишлоқларда, колхозларда, совхозларда, қишлоқ хўжалик корхоналарида ва шаҳарлардаги саноат ва савдо корхоналарида, транспортда, совет муассасаларида ҳамда қурилишдаги юқорида келтирилган

барча контингентдагилар қатағон қилиниши зарурлиги буйруқда қайд этилган.

Буйруқда операцияни ўтказиш тартиблари ҳам белгилаб берилган. Операцияни 1937 йил 5 августдан бошлаш ва тўрт ой муддатда якунлаш кўрсатиб ўтилган. Туркменистон, Тожикистон, Ўзбекистон ва Қирғизистон совет социалистик республикаларида операцияни 1937 йил 10 августда, Шарқий Сибир вилоятида, Красноярск, Узоқ Шарқ ўлкаларида эса 15 августдан бошлаш кўрсатилган.

Биринчи навбатда биринчи тоифадаги контингентдагилар қатағон қилинган. Иккинчи тоифадаги контингентдагиларни махсус кўрсатма ва фармойиш келгунга қадар қатағон қилиш мумкин бўлмаган. Шу жумладан, НКВДнинг республикалар халқ комиссарликлари, вилоят бошқарма ва бўлимлари биринчи тоифа контингенти бўйича операцияларни ўтказишни якунлаганларидан сўнг иккинчи тоифадаги контингент бўйича операцияни ўтказишга киришишлари керак бўлган. Н.Ежовнинг бу ҳақдаги санкцияси олингандан сўнггина иккинчи тоифадагилар бўйича операцияни бошлаш мумкин бўлган.

Барча қамоққа олинганлар ва ҳар хил муддат билан лагер ва турмаларга ҳукм қилинганларга нисбатан ҳукмлар чиқарилиши билан бу ҳақда Н.Ежовга қанча одамга ҳукм чиққани, қанча одам қандай муддатга турма ёки лагерга ҳукм этилгани хабар қилиниши талаб қилинган. Бу маълумотлар олинган Н.Ежов қайси тартибда ва қайси лагерларга ҳукм қилинган маҳбусларни юбориш тўғрисида кўрсатма берган.

Республикалар, ўлкалар ва вилоятлар ҳудудларида маҳаллий шароитлар ва юзага келган вазиятга мувофиқ равишда оператив секторлар ташкил қилинган. Ҳар бир сектор бўйича операцияни ташкил этиш ва ўтказиш учун оператив гуруҳлар тузилган. Бу гуруҳлар ўзларига юклатилган жиддий оператив вазифаларни муваффақиятли эoplay оладиган НКВДнинг маъсул ходимларидан иборат таркибда тузилган.

Айрим ҳолатларда оператив гуруҳларнинг бошлиқлари энг тажрибали ва қобилиятли район ва шаҳар ички ишлар бошлиқларидан тайинланган. Оператив гуруҳлар зарур оператив ходимлардан шаклланган ва улар транспорт ва алоқа воситалари билан таъминланган. Оператив ҳолат талабидан келиб чиқиб гуруҳларга ҳарбий ёки милиция қисмлари ҳам берилган.

Оператив гуруҳлар бошлиқларига қатағон қилинадиганларни аниқлаш ва унинг ҳисобини олиб бориш, терговга, тасдиқланган айблов ҳулосаларига ҳамда "учлик" ларнинг ҳукм чиқаришлари ва уларнинг ижро этилишига раҳбарлик қилиш вазифаси топширилган. Улар ўз сектори ҳудудида операцияни ташкил этиш ва ўтказишга маъсул бўлганлар.

Ҳар бир қатағон қилинаётган учун батафсил маълумотлар, айбдор қилувчи материаллар тўпланган. Бу материаллар асосида қамоққа олинадиганлар рўйхатлари тузилган. Улар оператив гуруҳ бошлиғи томонидан имзоланган ва 2 нусхада кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун Ички ишлар халқ комиссарлигига, НКВДнинг бошқарма ёки вилоят бўлими бошлиғига юборилган. Ички ишлар халқ комиссарлиги, НКВДнинг бошқарма ёки вилоят бўлими бошлиқлари рўйхатларни кўриб чиқиб, тақдим этилган рўйхатдаги шахсларни ҳибсга олишга санкция берганлар.

"Учлик"* қамоқдаги маҳбуснинг ижтимоий ҳавфлилиги даражасига қараб 2-тоифа бўйича қатағон қилинаётган шахсни 1-тоифага, 1-тоифа бўйича қатағон қилинаётган шахсни 2-тоифага ўтказиши мумкин бўлган. "Учлик" ўз йиғилишларини баённомаларда акс эттириб борган, уларда ҳар бир ҳукм қилинаётган шахсга нисбатан чиқарилган ҳукм ёзиб борилган.

Йиғилиш баённомаси ҳукмнинг ижро этилиши учун оператив гуруҳ бошлиғига юборилган. Тергов ишига ҳар бир ҳукм қилинган шахсга нисбатан баённомадан кўчирма тиркаб қўйилган.

* "Учлик" – (Тройка қатағонларни амалга оширишда 3 кишининг имзоси бўлиши шарт бўлган. Бири Компартия котиби, бири Ички ишлар халқ комиссари, бири прокурор ҳамда котиб.)

Ҳукмни ижро қилиш тартиби ҳам белгилаб берилган. Ҳукм ижроси "учлик" раиси кўрсатмаси билан амалга оширилган. Ҳукмни ижро этиш учун "учлик" йиғилиши баённомасидан кўчирма асос бўлган.

1-тоифа бўйича ҳукмлар ижроси республика халқ комиссари, НКВД бошқармаси. Бўлим бошлиқлари кўрсатмаси билан вақти ва жойи яширин ҳолатда бажарилган. Ҳукмнинг ижроси ҳақидаги ҳужжатлар ҳар бир ҳукм этилганнинг тергов ишига алоҳида конвертда солиб қўйилган.

2-тоифа бўйича ҳукм қилинган шахслар СССР Ички ишлар халқ комиссарлиги Давлат лагерлар Бошқармаси(ГУЛАГ) хабар қилган нарядлар асосида амалга оширилган.

"Учлик"ни ташкил қилиш ва унинг иши буйруқда белгилаб берилган.Буйруқ билан республикалар, ўлкалар ва вилоятлар "учлик"лари таркиби ҳам тасдиқланган.

Ўзбекистон ССР бўйича "учлик" республика ички ишлар халқ комиссари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби, Халқ Комиссарлари Совети раисининг ўринбосарилардан иборат тасдиқланган. Унинг йиғилишларида Ўзбекистон ССР прокурори котиб сифатида эса ЎзССР НКВД Давлат хавфсизлик бошқармаси 8-бўлим бошлиғи лейтенанти иштирок этган.

"Учлик" ўз ишини тегишли НКВД ва унинг бошқарма ҳамда бўлимлари жойлашган пунктларда олиб борган, ёки оператив секторлар жойлашган жойга бориб иш кўрган.

"Учлик" унга тақдим этилган ҳар бир маҳбус ёки маҳбуслар гуруҳи, шунингдек, сургун қилинаётган ҳар бир оила тўғрисидаги материалларни кўриб чиққан.

Ана шу "катта террор" даврида, яъни 1937 йил 10 августдан 1938 йил 1 январгача бўлган вақтда Ўзбекистон бўйича фақат собиқ "қулоқ" лардан 5924 киши, жинойтчилардан 1679 киши, " советларга қарши унсур"лардан 3097 киши, жами 107000 киши қамоққа олинган. Улардан 3613 киши 1-тоифа

бўйича отувга, 7087 киши 2 –тоифа бўйича 8-10 йил муддат билан қамок жазосига, меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган.

1-тоифа бўйича отувга ҳукм қилинганларнинг 1376 нафари собиқ кулоқлар, 952 нафари жиноятчилар ва 1285 нафари бошқа аксилинқилобий унсурлар бўлган. 2-тоифа бўйича ҳукм қилинганларнинг 4548 нафари собиқ кулоқлар, 727 нафари жиноятчилар, 1812 нафари бошқа аксилинқилобий унсурлар бўлган.¹

Кўп жилдлик архив ҳужжатлар тўпламида 1937-1938 йилларда "Учлик" қарори билан ҳукмга тортилган ўзбекистонлик қатағон қурбонлари ҳақида ҳам маълумотлар келтирилган. Биринчи жилдга 1937 йил 10 августдан 5 ноябргача бўлган вақт ичида "учлик" қарори билан Ўзбекистон бўйича қатағон қилинганларнинг 3083 маҳбусдан 1688 киши отувга, 1369 киши 8-10 йил меҳнат тузатув лагерига (сургун қилиш шарти билан) , 36 нафари қамокдан озод қилишга ҳукм қилингани ҳақидаги маълумот киритилган.

Бу қатағон қурбонларининг миллий таркибида ўзбеклар 2361 киши, руслар 462 киши, татарлар 58 киши, қozoқлар 33 киши, турклар 31 киши, арманлар 24 киши, немислар 20 киши, украинлар 18 киши, тожиклар 16 киши, поляклар 12 киши, озарбайжонлар 10 киши, уйғурлар 5 киши, афғонлар 3 киши, хитойлар 3 киши, грузинлар 3 киши, французлар 1 киши бўлган.

Маҳбусларнинг ижтимоий таркиби қуйидагича бўлган: кулоқлар 1543 киши, колхозчилар 781 киши, диний хизматчилар (имом, эшон, домла ва бошқалар) 437 киши, савдогарлар 149 киши, жиноятчилар 87 киши, бойлар 54 киши, хизматчилар 132 киши, ижтимоий аҳволи аниқланмаганлар 645 киши, улар орасида ҳунармандлар, аравакашлар, қоровуллар, сартарошлар, сотувчилар, ўт ўчирувчилар, нафақахўрлар, ногрионлар, хазиначилар, кассоблар, даллаллар ва бошқалар бўлган.

¹ Трагедия советское деревни: коллективизация и раскулачивание. Документи и материалы в 5 томах. - Т 5. 1937-1939. – Москва: РОССПЭН, 2004. – С. 378-388.

Партиявий жихатдан эса улардан 20 нафари собиқ "Шўрои ислом" чи, 91 нафари собиқ " миллий иттиҳод" чи, 61 нафари собиқ ВКП(б) аъзоси, 17 нафари собиқ эсэрлар, 4 нафари "иттиҳодий ва тараққий"чи, 5 нафари муссавватчи, 5 нафари интернационал демократик партиянинг собиқ аъзоси, 2 нафари собиқ "Турон" жамияти аъзоси, 3 нафари собиқ дашноқчилар, партиясизлар эса 2866 кишидан иборат бўлган.Қатағон қурбонларидан 454 нафари аввалда " босмачилик" ҳаракатида, 111 нафари колхоз тузумига, кулоқ қилишга қарши қўзғолонда иштирок этган.

Ана шундай ҳолатни 1938 йилда қатағон қилинганлар мисолида ҳам яққол кўриш мумкин."Учлик" нинг 1938 йил 4 февралдан 17 февралгача бўлган вақт ичида 21 та йиғилиши (Баённомалар 66, 67, 68, 69, 70, 71, 72, 73, 74, 75, 76, 77, 78, 82, 83, 84, 85, 86, 87, 88, 89,) ўтказилиб, унда 2378 маҳбус иши кўрилади.Шундан 1977 маҳбус отувга, 393 маҳбуснинг аксарияти 10 йил,оз қисми 8 йилдан меҳнат тузатув лагери қамоғига ҳукм қилинган, бармоқ билан саналадиган даражадаги маҳбус қамоқдан озод қилишга ҳукм этилган, айрим маҳбуслар қамоқхонада ҳукм чиққунга қадар ўлиб қолган.

"Катта террор" вақтида Ўзбекистон ҳудудидан ташқари жойларда тақдир тақозоси билан яшаб тирикчилик қилаётган, хусусан, ГУЛАГ ва меҳнат тузатув лагерлари, колониялардаги маҳбуслар, Украина,Шимолий Кавказ ўлкаси, Қозоғистондаги меҳнат, махсус посёлкаларда сургун азобини тортаётган "собиқ кулоқлар" ҳам такроран қатағон қилинган эди.Уларни ҳам аниқлаб ҳисоблайдиган бўлсак, ўзбекистонликлардан мудҳиш "катта террор" қурбонлари миқдори анча кўпаяди.Масалан, 1931 йили Ўзбекистондан Украинанинг Херсон вилоятига сургун қилинган юртдошларимиздан, собиқ кулоқлардан Голопристан,Каховский ва Скадовский туманлари бўйича 200га яқин меҳнат кўчкіндилари айнаи ана шу " катта террор" вақтида қатағон қилингани аниқланган.¹

¹ Р.Шамсутдинов. Ўзбекистонда советларнинг кулоқлаштириш сиёсати ва унинг фожиали оқибатлари. - Т.: Шарқ, 2000. – Б.172-262.

Шимолий Кавказ сургунидаги юртдошлардан ҳозирча 41 нафар киши қатағон қилингани аниқланди.²

Москва ёнидаги Дмитров лагерида 1933-1938 йиллари кўплаб ўзбекистонлик маҳбуслар, собиқ кулоқлар. "иккинчи беш йилликнинг буюк қурилиши" ҳисобланган Москва-Волга канали қурилишида фаол қатнашганлар, уларнинг кўплари ўлиб кетган, маълум қисми канал қурилиб, ишга тушгандан сўнг такроран қатағон қилинган. Улардан 51 киши 1937-1938 йиллари отилиб Бутово полигонига кўмилгани аниқланди.³

Шимолий Қозоғистон сургунидаги юртдошлардан 21 нафари айти 1937-1938 йилларда қатағон қилиниб, отиб юборилгани аниқланди. Бироқ бу маълумотлар яна тўлдирилиши, ҳали маълум бўлмаган қатағон қурбонларининг бўлиши табиийдир. Чунки тегишли архивлардан ҳар хил сабабларга кўра Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида қатағон қилинган ҳамюртдошларимизнинг барчаси тўлиқ аниқланганича йўқ. Бу соҳада тадқиқот, қидирув ишлари олиб борилиши керак.

Махсус идора 1937-1938 йилларда янада кенгайган, ходимлар миқдори ҳам кўпайган ва унинг округларда бўлимлари ҳам бўлган. Пойтахт Тошкентда "учлик" томонидан отувга ҳукм қилинган маҳбуслар Тошкент турмасида ёки сиёсий маҳбуслар уйида сақланаётган бўлса, улар Юнусободдаги қатлгоҳларда, ҳозирги Шаҳидлар хотираси мажмуаси жойлашган жойда отилган. Вилоятлар бўйича отувга ҳукм қилинганлар қайси округда қамоққа олинган бўлсалар, ўша жойдаги қатлгоҳларда отилганлар, яъни ҳар бир округдаги қамоқхоналарда олий жазони ижро этувчи ходимлар бўлган. Масалан, Хоразм округи сектори тақдимига кўра Тошкентдаги республика "учлиги" нечта маҳбусни отувга ҳукм қилган бўлса, ҳукм ижроси Хоразмда рўйхат бўйича, қарор асосида амалга оширилган. Хуллас, республикада марказий қатлгоҳ ва жойлардаги маҳаллий қатлгоҳлар бўлган.

² Р.Шамсутдинов, А.Мамажонов. Шимолий Кавказга сургун қилинган юртдошлар қисмати. – Т.: Шарқ, 2005. – Б. 241-250.

³ Р.Шамсутдинов ва бошқалар. Тарихнинг ҳасратли саҳифалари. - Т.: Шарқ, 2005. – Б. 227-278.

Ўзбекистон ССР Ички ишлар халқ комиссарлиги "учлик" котиби вазифасини бажарган Яков Михайлович Яковлев мана буларни эслайди: "Учлик" ҳар соатда 100га яқин иш кўрган, ҳукм эса икки хил: олий жазо— отиб ўлдириш ёки 10 йил ёзишма олиб бориш чекланган ҳолда қамоқ бўлган..

"Учлик" нинг қарори меним иштирокимда, НКВД коменданти Шишкин томонидан дарҳол ижро этиларди. Маҳбус отиб ташланарди. Ҳукм қилинганлар орасида ўлими олдидан "Яшасин Сталин, яшасин совет ҳокимияти!" деган хитоблар айтилганини кўп марта эшитганман. Улар назаримда, виждонан ишлаган, ҳукуматга содиқ инсонлар эди. Шишкинга ижрочилиги учун "Ҳурмат белгиси" ордени топширилганини ҳам биламан"¹.

Маҳбуслар шафқатсиз қийноқларга солинар, калтакланар, бошқалар учун кўрсатмалар беришга мажбур қилинганлар. Ана шундай йўл билан олинган қандайдир кўрсатмалар асосида янгидан оммавий қамоққа олишлар бўлган.

Қамоққа олишлар кечалари ҳамма уйкуда бўлган дамда амалга оширилган. Ҳибсга олинганларга улар қандайдир ташкилотларга аъзо бўлган, Сталин ва бошқа совет доҳийлари ҳаётига тажовуз қилиш мақсадидаги суиқасдларда иштирок этган, завод, фабрика ва электростанцияларни йўқ қилишни хоҳлаган зараркундалар каби айблар қўйилган. Кўплаб партия аъзолари яширин троцкийчиликка мансубликда айбланганлар. Уларнинг деярли барчаси отиб юборилган.

Террор миллатни бузишга, уни таназзулга олиб келди. Албатта, Сталин катағон қилинганлар орасида кўплаб айбсизлар борлигини биларди. Аммо, унинг фикрича, қурбонлар компанияси кўламининг бу даражада бўлиши муқаррар эди. У ҳам дарахтга болта урилганда унинг барглари учиб кетишини яхши билган. Террор фақат коммунистларгагина қарши қаратилмади. Улар билан бирга миллионлаб партиясиз хизматчи ва ишчилар, деҳқонлар, хунарманд-қосиблар, руҳонийлар қамоққа олинган ва

¹ Файзулла Қиличев. Зулматдан садолар. —Т.: Адолат, 1994. — Б. 142-143.

концлагерларга сургун қилинган. Улар текин ишчи кучлари сафини тўлдириб турган.

"Учлик"нинг вақтинчалик котиби вазифасини бажариб турган П.Блинковнинг айтишича, жойлардан келган баённомалардаги маҳбуслар ишларини кўриб чиқиш учун бир дақиқадан уч дақиқагача вақт ажратилган. Айрим ҳоллардагина беш дақиқагача вақт ажратилган. Ҳар бир "учлик" мажлисида 500-600 тагача иш кўрилиб, шунча одамлар тақдири ҳал қилиниб юборилган.

Қатагон қилиниб меҳнат тузатув лагерлари ва меҳнат тузатув колонналарида қамоқ жазосини ўтаётганлар жуда ҳам ёмон, ачинарли аҳволда ҳаёт кечиришган. Улар касалликдан, очликдан, ташналикдан, зулм ва қийноқлардан, изғирин совуқдан, тинка-мадорни қуриладиган оғир меҳнатдан ногирон бўлиб қолган, ўлиб кетганлар кўп бўлган. ГУЛАГ лагерларидаги маҳбусларда ўлим юқори даражада бўлган.

Айниқса 1937-1938 йилларда ва уруш даврида маҳбуслар ўлими юқори бўлган.¹ Улар орасида ўзбекистонликлар, ўзбеклар ҳам анча бўлган.

"Катта террор" авжига минган 1937 йил 1 октябрьдаги маълумотнинг 1-қисмига кўра, СССР Ички ишлар халқ комиссарлиги лагерлари бўйича 20954 ўзбек маҳбуси бўлган. Уларнинг 2643 нафари Байкал-Амур лагерида, 1923 нафари Волга-Москва қурилиши (Дмитров лагери) да, 1673 нафари Оқ денгиз-Болтиқ лагерида, 687 нафари Коми АССРдаги Ухтим лагерида, 543 нафари Молдова АССРдаги Тем лагерида, 2247 нафари Владивосток лагерида, 643 нафари Новосибирск лагерида, 3029 нафари Тошкентдаги Ўрта Осиё лагерида қамоқ жазосини тортган, оғир меҳнат қилган эди.

Мазкур маълумотнинг 2-қисмида эса ўзбеклардан 854 кишининг Қарағанда, 12 кишининг Прорва, 23 кишининг Норильск, 1199 кишининг Вяземск, 69 кишининг Калуга, 250 кишининг Сталин темир йўл бекати, 96 кишининг Жануби-Шарқий Гавана, 47 кишининг Подольск аэродроми, 70

¹ Пихалов Игорь. Какови Масштаби Сталинских репрессии. - М, 2001, - С. 6-7.

кишининг Самара, 655 кишининг Шимоли-Шарқий лагерларда, жами 3275 ўзбекнинг бўлганлиги қайд этилган.

Шундай қилиб 1937-38 йиллар даври "катта террор" даврининг кульминацион нуқтасидир. Биз бу "катта террор" кимлар томонидан "ижод қилингани" ва бу мудҳиш фожеанинг илдизлари чуқур эканлигининг ва уни аниқлаш йўлида турли қарашлар, талқинлар борлигининг ҳам шоҳиди бўлдик.

Юқоридаги фикрлардан шу нарса аён бўладики, сиёсий қатағон ва унинг бир қисми "катта террор" нинг юзага келишида муайян объектив сабаблар ҳам бўлган. Партия ва совет ҳокимиятига, айниқса уларнинг раҳбариятига қарши қаратилган мухолифат кучлар кураш олиб бориб, сиёсий ҳокимиятни ўз қўлларига олиш учун бор имкониятларини ишга солиб, барча воситаларни қўллаб, тиш тиронқлари билан жанг олиб бордилар. Бундан ташқари, мамлакатнинг турли минтақаларидаги, ҳатто пойтахт Москва ва бошқа йирик шаҳарларда узоқ вақтдан бери раҳбарлик лавозимларини эгаллаб келаётган партия функционерлари мавқеларини, раҳбарлик лавозимларини қўлда сақлаб қолиш мақсадида "аксилинқилобчилар", "советларга қарши кучлар", "собик қулоқлар", "жиноятчилар". "советларга қарши кучлар", "собик қулоқлар", "жиноятчилар", советларга сайлов ўтказиш жараёнига қаршилик кўрсатаётганликларини рўқач қилиб, рақибларига нисбатан кескин репрессив чоралар кўришни Марказдан, Сиёсий бюродан, Сталиндан сўраб мурожаат қилдилар. Аслида улар 1936 йилги СССР Конституциясида белгилаб берилган янги сайлов тизимига қарши ўт очган эдилар. Чунки янги сайлов тизимида реал ҳокимиятни партиядан халқ қўлига олиб бериш, кенг халқ демократиясини жорий қилиш, давлатчиликни мустаҳкамлаш вазифалари илгари сурилган эди. Янги сайлов тизими асосида сайлов ўтказиш туфайли ана шу маҳаллий партия раҳбарлари реал амал-вазифаларидан маҳрум бўлишлари кутиларди. Шу боис партия

функционерлари барча " советларга қарши кучлар" –собик қулоқлар ва жинойтчиларни қамсоққа олиш, отувга ҳукм этиш таклифлари билан Марказга мурожаат қилдилар.Хуллас, 1937-1938 йиллардаги " катта террор" нинг юзага келишида маҳаллий партия функционерларининг ўрни ва роли ҳам оз бўлмаган.

Барча жойларда бўлганидек,СССР Ички ишлар халқ комиссари Ежовнинг 1937 йил 30 июлдаги 00447-сонли мутлақо махфий тамға остидаги "Собик қулоқлар, жинойтчилар ва бошқа антисовет элементларни" ни қатағон қилиш бўйича операция ўтказиш тўғрисидаги оператив буйруғи Ўзбекистонда ҳам тезкорлик билан бажарилди.Бу улкан " вазифани" бажаришда республика, округ, район партия ташкилотлари, советларнинг ижроия комитетлари, Ички ишлар халқ халқ комиссарлиги ва унинг жойлардаги сектор ва бўлимлари ходимлари жонбозлик кўрсатдилар.Бу операцияни ўтказишда кўплаб ноқонуний тадбирлар амалга оширилди, инсон ҳақ-ҳуқуқлари мислсиз топталди, бегуноҳ юртдошларимизга тўқима, сохта айблар қўйилди, хилма-хил чакувлар, тухматлар ишга солинди, тергов чоғида маҳбуслар беҳад қийновга, ҳам жисмоний,ҳам руҳий азобга солинди."Учлик" нинг ҳукми билан минглаб одамларимиз отувга ҳукм этилди, ҳукмлар жойларда тезкорлик билан ижро этилди, ҳар бир округда қатлгоҳлар, номаълум қабристонлар пайдо бўлди.8-10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган қатағон қурбонлари узоқ-узоқ юртларга— Шимолга, Узоқ Шарққа, Сибирга, Уралга, Шимолий Қозоғистонга сургун қилиндилар. Уларнинг катта қисми ўша бегона юртларда қамок азобларига бардош бераолмай ҳалок бўлдилар, жуда ҳам оз қисми кейинчалик озод бўлиб юртга қайтдилар.

2. БОБ. ДЕПОРТАЦИЯ (КЎЧИРИШ) ЛАРНИНГ ҚАТАҒОНЧИЛИК МОҲИАТИ

2.1. Совет ҳокимиятининг қулоқлаштириш сиёсати – сургун сиёсатининг асоси

Собиқ Иттифоқ амалга ошириладиган қатағон сиёсати орқали аҳолини моддий жиҳатдан тенглаштириш борасида қилган ишларидан бири қишлоқ аҳолисининг 3 турга, яъни “камбағаллар”, “ўртаҳоллар” ва “қулоқлар”га ажратишидир. Ўрта Осиё регионларида “қулоқлар” масаласи ва қилоқ аҳолисининг қандай қисми “қулоқ” ва қандай қисми “бой” қатламига мансублиги тўлалигича ўрганилмаган.

Ўрта Осиёда 1925-1929 йиллардаги ер-сув ислохотлари вақтида меҳнат қилинмайдиган “ортиқча” ерларни, бой хўжаликларнинг ишлаб чиқариш воситалари камбағаллар қўлига берила борган. Аммо, ерга эга бўлиб ўз хўжаликларини уюштирган ва ўрта ҳол оддий деҳқонлар ҳам “қулоқ”лар рўйхатига туша борган.

Бир вақтнинг ўзида ҳам колхозлар тузилиши, ҳам “қулоқ” қилиш жараёни амалга оширила борган. Бунинг асосида турли омиллар бўлиб, аввало, “қулоқлаштириш” колхозлада “моддий база”ни яратишда қўл келган. Шунингдек, қулоқлаштирилган “қулоқлар”нинг мол-мулки колхозларга кириш учун олинган бадал сифатида уларнинг бўлинмас мулки ҳисобига киритилган.

ВКП(б) МК Сиёсий бюросининг 1930 йил 30 январдаги “Ёппасига коллективлаштириш районларида қулоқ хўжаликларини тугатиш тадбирлари тўғрисида”ги мудҳиш қарорида тугатиладиган қулоқ хўжаликлар уч тоифага ажратилган.

Биринчи тоифага аксилинқилобий қулоқ фаоллари, террорчилик ҳаракатлари ва советларга қарши исёнларнинг иштирокчилари кирган. Уларни дарҳол концлагерларга қамаш ва уларга нисбатан репрессиянинг олий чораси – отув жазосини қўллаш кўрсатилган.

Иккинчи тоифага қулоқ фаолларининг қолган унсурлари кирган. Айниқса энг бой ва ярим помещчиклар ёппасига жамоалаштириш

районларидан СССРнинг олис-узоқ районларига, муайян ўлканинг узоқ районларига сургун қилинадиган бўлди.

Учинчи тоифага қулоқларнинг қолган қисми криб, уларнинг жамоа хўжаликлари ерларидан ташқаридаги янги ўзлаштириладиган ерларга сургун қилиниши белгилаб қўйилди.¹

Қулоқ сифатида ҳибсга олиниб, бадарға қилинадиган хўжаликлар бутун мамлакат умумий деҳқон хўжаликларининг 3-5 фоизидан ошмаслиги керак эди.

Кўпдан-кўп хато, нуқсон, ноқонуний тадбирлар ким-кимларни қулоқ қилиш ва сургун қилиш масаласида юз берарди. Бошқача қилиб айтганда, кимларни, қандай хўжаликларни қулоқ қилиш ва қандай усул, қандай шаклларда ўтказишни шу ишга сафарбар қилинган масълу раҳбарлар, ижрочиларнинг ўзлари билмас, тушунмасдилар. Шу боис, қарийб бир йил ичида Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети бу масалада иккита Низом, йўриқнома қабул қилишга мажбур бўлган. Бу ўринда 1930 йил 6 апрелдаги “Меҳнат тўғрисидаги қонунлар кодекси тадбиқ этилиши лозим бўлган қулоқ хўжаликларининг белгилари ва шундай хўжаликларни ҳисобга олиш тартиби тўғрисида”ги 52-сонли қарор ҳақида тўхталиш жоиздир. Мазкур давлат ва ҳукуматнинг қулоқлаштириш масаласидаги директив кўрсатламаларига асосланиб республика ҳукумати қандай хўжаликларни қулоқ хўжаликлари деб ҳисоблаш мумкин? Ушбу саволга мазкур қарор қуйидагича жавоб қилган:

1. Қишлоқ хўжалик ишларида, касб-хунармандчиликда, корхоналарда мунтазам равишда ёлланма меҳнатдан фойдаланувчи деҳқон хўжаликлари.

2. Ўз пахта майдонининг ярмидан кам бўлмаган қисмига пахта экадиган, боғдорчилик, узумчилик ва полизчилик хўжаликларида бир мавсумда 150 кун, бошқаларида 120 кундан ёлланма меҳнатдан фойдаланадиган хўжаликлар.

¹ Шамсутдинов Р. Қишлоқ фожеаси: жамоалаштириш, қулоқлаштириш, сургун. (Ўрта Осиё республикалари мисолида). Т., “Шарқ”, 2003, 88-бет.

3. Чорвачилик хўжаликларида ёлланмаёлланма меҳнатдан фойдаланишда бир йилда 2 ёлланма ходимни ишлатган хўжаликлар.

4. Меҳнатга яроқли эркалар бўлмаган тул хотинлар оиласи, етим-есирлар, ногиронлар ва ҳарбий хизматчилар оилалари хўжаликларида қишлоқ хўжалик ишлари учун битта доимий ёлланма ишчилар фойдаланиш мақсадида ижарага берадиган хўжаликлар.

5. Тегирмон, обжувоз, турли дон ва меваларни қуритгич ва тозалагичлар, бошқа саноат корхоналарига эга бўлган хўжаликлар.

6. Алоҳида жиҳозланган биноларини яшаш учун ёки корхона учун доимий ёки мавсумий фойдаланиш мақсадида ижарага берадиган хўжаликлар.

7. Механик двигателларга эга бўлган мураккаб қишлоқ хўжалик машиналарини мунтазам равишда фойдаланиш учун берадиган, ёки бошқа хўжаликлар учун пулга ана шу машиналар билан муайян ишларни амалга оширадиган хўжаликлар.

8. Ижарага топширадиган деҳқон учун асоартли шартлар билан ерни оловчи хўжаликлар.

9. Оиласида меҳнатга яроқли эркалар ва ўз ерига ишлов бериш учун хўжалик имкониятлари бўла туриб ўзининг ерини ижарага берувчи ёки унга чорикорлар орқали ишлов берувчи хўжаликлар.

10. Савдо ва саноат йўли билан эксплуатация қилиш мақсадида боғ, узумзор ва шунга ўхшашларни ижарага оловчи хўжаликлар.

11. Аъзолари савдо, судхўрлик билан шуғулланувчи хўжаликлар ёки меҳнат қилмай бошқа даромад оладиган хўжаликлар, жумладан, руҳонийлар.

Қарорга мувофиқ Ўзбекистон ҳудудидаги қулоқ типдаги деҳқон хўжаликларини ҳисобга олиш жорий этиладиган бўлди. Бунинг учун қишлоқ советлари зиммасига қарорда қайд этилган хўжаликларни аниқлаш ва уларни

меҳнат комиссарлиги томонидан таъсис қилинган ягона формадаги китобга киритиш мажбурияти юклатилди.

Қишлоқ советлари зиммасига ўз вакиллари томонидан ҳар йили энг камида бир марта қулоқ хўжаликларини текшириб чиқиш ва ана шу хўжаликларда юз берган ўзгаришларни “ҳисоб-китоб” китобларида қайд этиш мажбурияти юкланди ва район ижроия қўмиталарига ан шу масала юзасидан тўла ахборот бериб туриши кўрсатилди.

Қишлоқ хўжаликларини ҳисобга олиш ва назорат олиб бориш ЎзССР Меҳнат халқ комиссарлиги ва округ ижроия қўмиталарига топширилди.¹

ВКП (б) МК Ўрта Осиё бюросининг “қулоқларни синф сифатида тугатиш билан боғлиқ тадбирлар ишлаб чиқиш тўғрисида”ги қароридан²

28 январ 1930 йил.

Бундай тадбирлар шошилиш ишлаб чиқилади ва тасдиқлаш учун Ўрта Осиё бюросига тақдим этилади. Тадбирлар тўғрисидаги махфий қарор 1930 йил 28 январда қабул қилинади. Уни Ўрта Осиё бюроси раиси И.А. Зеленский, котибият мудирӣ ёрдамчиси Старцев имзолайдилар.

Жамоалаштириш ва у билан баробар ўтказиладиган қулоқ қилиш сиёсати маълум нотўғри тезисларга асосланган эди. Деҳқонлар кенг оммаси, камбағал ва ўрта ҳол деҳқонларнинг жамоалаштириш учун ҳаракати шакшубҳасиз факт бўлиб қолган. Бу эса қишлоқ хўжалигини юксалтириш ва қайта қуришнинг қудратли воситасига айланган ҳамда партия ва совет ҳокимиятининг қишлоқда капитализмнинг илдизларини қуришиб юборишга қаратилган сиёсатининг тўғри амалга оширилаётганлигининг натижасидир, деган нореал хулоса чиқарилган.

Колхозчилик ҳаракатининг “ютуқлари” кўп жиҳатдан қишлоқ хўжалигини техник жиҳатдан қайта қурулантириш (тракторлар, мураккаб қишлоқ хўжалик машиналарининг тадбиқ қилинаётганлиги)да ўз аксини

¹ ЎзР МДА, 837-фонд, 8-рўйхат, 311-иш, 80-82- вароқлар.

² Р.Шамсутдинов, Б.Расулов. Трагедия среднеазиатского кишлака...

топаётган, деган фикр ҳам илгари сурилган. Гўё деҳқонларнинг жасоалаштириш учун бундай “оммавий ҳаракати” асосида жамоалаштириш учун ҳаракат энг кучли равишда яққол ифодаланган бир қатор районлар ёппасига коллективлаштириш районларига айланиши учун қулай шароитлар яратилган экан.

Қишлоқ хўжалигида, жумладан, пахтачиликда умумлаштирилган секторнинг “тез ўсаётганлиги”, “колхозчилик ҳаракати”нинг “жадал ўсиб бораётганлиги”, айниқса бир қатор районларнинг ёппасига коллективлаштириш районларига айланиб кетганлиги бутун Иттифокдаги каби Ўрта Осиё республикалари партия ва совет ташкилотлари олдида қулоқларни синф сифатида тугатиш вазифаси қўйилди, деган фикрни асослаш учун ўша И.А.Зеленский бошлиқ Ўрта Осиё бюроси И.В. Сталиннинг қуйидаги фикрларини ниқоб қилган эди: “Кейинги йилдаги бизнинг ишимизнинг характерли белгиси шундан иборатки, биз партия сифатида, совет ҳокимияти сифатида: а) қишлоқдаги капиталистик унсурларга қарши бутун жабҳа бўйлаб ҳужумни авж олдириб юбордик ва б) бу ҳужум, маълумки, анча сезиларли а ижобий натижалар берди ва беришда давом этмоқда.

Энди биз қулоқларга қарши кескин ҳужум олиб бориш, унинг қаршилигини синдириш, уни синф сифатида тугатиш ва унинг ишлаб чиқаришини колхоз ва совхозлар ишлаб чиқариши билан алмаштириш имкониятига эгамиз.

Эндиликда қулоқ қилиш ёппасига жамоалаштиришни амалга ошираётган камбағал-ўрта деҳқонлар оммасининг ўзи томонидан ўтказилаяпти... Энди қулоқ қилиш у ерда колхозларни ташкил қилиш ва ривожлантиришнинг таркибий қисмидан иборатдир.”¹

¹ Шамсутдинов Р. Қишлоқ фожеаси: жамоалаштириш, қулоқлаштириш, сургун. (Ўрта Осиё республикалари мисолида). Т., “Шарқ”, 2003, 79-бет.

Ёппасига жамоалаштириш ўтказиладиган районларда қулоқларни синф сифатида тугатиш қуйидаги тадбирлар билан амалга оширилиши ҳам юқоридаги қарорда кўрсатилган:

1. Шахсий тарзда солиқ солинадиган эксплуататорлик хўжалиги белгиларига кўра сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинган барча хўжаликлар тугатилади.

2. Экин экиладиган ерлар, боғлар, хўжалик бинолари ва турар жойлар, далалардаги дарахтлар, ишчи ва маҳсулдор ҳайвонлар, мураккаб қишлоқ хўжалик асбоб-ашёлари, аравалар, қайта ишловчи ишлаб чиқариш корхоналари, ем-хашаклар қулоқлардан тортиб олинади ва уларнинг барчаси колхозларнинг бўлинмас жамғармасига берилади. Барча чорикорлик битимлари ва улар юзасидан қулоқ хўжаликларига қарз тўлаш мажбуриятлари, шунингдек, судхўрлик мажбуриятлари ҳам бекор қилинади.

3. Ер майдонлари ва ишлаб чиқариш воситаларидан маҳрум қилинган қулоқ хўжаликлари ёппасига коллективлаштириш районларидан сургун қилинишлари керак ва бунда коллективлаштиришга ашаддий, фаол қарши чиқувчилар жиноий жавобгарлика тортилиши керак. Бошқа қолган тоифадаги қулоқ хўжаликлари жойлаштириладиган районларда лалмикор ерлардан ер ажратиб бериши лозим, суғориладиган ерлар эса ёппасига жамоалаштириш районларидан ташқарида ёмонроқ сифатдаги ерлардан, бунинг устига жорий йилда пахта экиш учун мўлжаллаб ўзлаштирилмайдиган ерлардан ажратиб берилади.

4. Ўзи меҳнат қилиб ердар фойдаланиш ҳуқуқи берилиб, тугатилган қулоқ хўжаликларига ерни ижарага бериш ва ёлланма меҳнатдан фойдаланиш қатъиян ман этилади.

5. Ер ажратиб берилган қулоқ хўжаликлари ер органларининг кўрсатмасига мувофиқ экиш ва товар маҳсулоти топшириш бўйича давлат топшириқларини бажариш мажбуриятларини оладилар. Кўрсатилган мажбуриятларни бажариш учун алоҳида ҳолларда меҳнатли ердан

фойдаланиш эҳтиёжларидан четга чиқмайдиган ҳажмда ишчи ҳайвони ва унча мураккаб бўлмаган қишлоқ хўжалик инвентарини қолдириш мумкин бўлган.

6. Хўжаликларни тугатиладиган рус қулоқларининг ашаддий мустамлакачи унсурлари Ўрта Осиё худудидан ташқарига сургун қилиб юборилади.

Қулоқ хўжаликлари томонидан ишлаб чиқариш воситаларини талон-тарож қилишнинг олдини олиш мақсадида Ўрта Осиё республикаларида Иттифоқ ҳукуматининг ишчи ҳайвонларни йўқ қилишни таъқиқлаш тўғрисидаги декретини кучга киритиш ва бу декретни ем-хашакни талон-тарож қилишга, дарахтларни кесишни ман этишга, қурилиш ва инвентарларни бузишга тадбиқ этиш ҳам қарорда ўз аксини топди.

Колхозчилик ҳаракатининг кенг ривожланиши ва партия ҳамда ҳукуматнинг қулоқларни синф сифатида тугатишдан иборат йўли ёппасига коллективлаштириш ўтказилмаётган районлардаги бой-қулоқ унсурларнинг ҳам кучли фаоллигини муқаррар равишда юзага келтириши, оқибатда қулоқ хўжаликлари ўзларига қарашли ишлаб чиқариш воситаларини бузиб ташлашлари, яшириш ва талон-тарож қилишидан иборат зараркунандачилик бўлишининг олдини олиш мақсадида Ўрта Осиё бюроси республикалар ҳукуматларига бир қатор тадбирларни амалга оширишни вазифа қилиб кўйди:

а) қулоқларнинг ишлов берилмаган ерлари колхозларнинг ёки камбағалларнинг фойдасига тортиб олинсин;

б) жонли ва жонсиз инвентар ҳисобга олиниши керак ва унинг сақланиши учун масъулият инвентар эгаси зиммасига юкланиши ҳқида қарор чиқарилсин;

в) жорий йилнинг ўзидаёқ тугатилмаган қулоқ хўжаликларининг жонли ва жонсиз қишлоқ хўжалик инвентарларига, камбағал деҳқонлар ёки

колхозларнинг далаларига ишлов беришда мажбурий ҳашарлардан фойдалансин;

г) техник экинлар бўйича қулоқ хўжаликлари учун ягона қишлоқ хўжалик солиғининг барча имтиёзлари бекор қилинсин.

Ёппасига коллективлаштириш районлари деб қабул қилинган районлар тан олинсин ва бу районларда жорий экиш компаниясида коллективлаштириш 70-75 фоизни ташкил қилсин.

Ёппасига коллективлаштириш вазифасини муваффақиятли ҳал этиш, қулоқларни синф сифатида тугатиш, қишлоқ ва овулларда пролетар диктатураси органларини (қишлоқ ва оувл советларини) мустаҳкамлаш ва улар ишини қайта куриш қишлоқ овул советлари камбағалларни уюштириш ишларини қониқарсиз бажараётгани, улар кўпинча бой-қулоқ табақалар таъсири остига тушиб қолаётгани ва ўз тевааракларига қишлоқ ва овуллар асосий табақаларини жипслаштира олмаётганликлари ҳам қарорда таъкидланади. Ушбу ҳолатдан келиб чиқиб Ўрта Осиё бюроси жойларда қишлоқ ва овул советларини содиқ ва мустаҳкам коммунист ва комсомоллар билан мустаҳкамлаш, советлар таркибига кириб қолган қулоқ-бой унсурлардан ва уларнинг ҳайбаракаллачилари – қулоқларнинг думларидан тозалаш, советлар теваарагида ва уларнинг ичичда батраклар – камбағаллар ядросини жипсилаштириш, бу ядронинг ўрта деҳқонлар билан иттифоқини мустаҳкамлаш, советлар секцияларининг ишини мумкин қадар кўпроқ қарши курашида ютуқларга эришувини таъминлаши, қулоқларни охиригача тор-мор келтириши мумкинлиги кўрсатилди.

Ўрта Осиё бюроси ёппасига коллективлаштириш юзасидан олиб борилаётган ишларнинг катта миқёси ва қулоқларнинг синф сифатида тугатилиши қишлоқдаги камбағал-батраклар табақаларининг мисли кўрилмаган юксак фаоллигини таъминлаши мумкин, шу боис маҳаллий партия ташкилотлари сафларига қишлоқнинг камбағал-батраклар қисмининг энг яхши вакилларини жалб қилиш зарур деб билди.

Айни вақтда партия ташкилотларининг диққат-эътибори кенг камбағал, ўрта деҳқон хотин-қизлар оммасини коллективлаштириш кампаниясига фаол жалб этиш, улардан ҳам колхозга қарши курашаётган қулоқ-бой унсурларга зарба беришда фойдаланиш зарурлиги қайд этилди.

Делегатлар мажлислари ва бутун хотин-қизлар фаоллари қулоқ хўжаликларини тугатишда ва қулоқ қилишни амалга оширишда иштирок қилиш ва ёрдам бериш учун уюштирилиши кераклиги талаб қилинди.

Колхозларда деҳқон аёлларнинг салмоғини ошириш, хўжаликнинг асосий тармоқларига хотин-қизларни тортиш, ёрдамчи тармоқларни авж олдиришда ҳам аёллардан кенг фойдаланиш зарурлиги кўрсатилди. Колхозчи хотин-қизларнинг эркаклар билан тенг ҳуқуқли бўлишига эришишга алоҳида эътибор берилиши талаб этилди.

Партия ташкилотлари хотин-қиз колхозчиларнинг амалдаги озодлигини таъминлаш бўйича ишларни кучайтиришлари кераклиги, ёппасига коллективлаштиришни амалга оширишда районларга республика ва округ хотин-қиз ходимларини юбориш мақсадга мувофиқлиги таъкидланди. Коллективлаштиришни ўтказишда ва қулоқларни синф сифатида тугатишда комсомол ташкилотларининг роли муҳимлиги кўрсатилиб, қишлоқ батрак — камбағал ёшларининг жанговор комсомол фаоллигини ташкил этиш, комсомолларнинг коллективлаштириш бўйича штабларига ёрдам беришига эришишда деҳқонларнинг ўрта ҳол оммаси орасида ташвиқот олиб боришда фойдаланиш зарурлиги таъкидланди. Комсомоллар “колхозга кирмаган бирорта ҳам комсомол қолмасин” деган шиорни амалга оширишлари кераклиги уқтириб ўтилди.

Ўрта Осиё бюроси республикаларнинг ёппасига коллективлаштиришни ўтказишга ва қулоқларни синф сифатида тугатишга тайёргарлиги мутлақо қониқарсиз эканлигини қайд этиб ёппасига коллективлаштириш районлари деб эълон қилинган районларнинг атрофлича ўрганилмаганлигини, районларни аниқлашда ўзи бўларчилиikka йўл қўйилганлиги, районларнинг

сиёсий вазиятини етарли ҳисобга олмай, моддий ва ташкилий имкониятлари а бошқа жиҳатларини еиарли ҳисобга олмай иш кўрилганлигини танқид остига олиб республикалар партия, совет, комсомол ва барча жамоат ташкилотларини, айниқса ёппасига коллективлаштириш районларидаги ишларнинг сифатини кўтаришни тавсия қилди ва шу йўл билан партиянинг халқ хўжалигини социалистик асосда қайта қуришдан иборат бош йўлининг амалга оширилишига эришилиши мумкинлигига ишонч билдирилди.¹

2.2. Аҳолини депортация (кўчириш) қилиш сиёсати

Депортация ёки мажбурий кўчириш – сиёсий қатағон формаларидан бири бўлиб, муайян давлат томонидан ўз фуқароларига ёки бошқа давлат фуқароларига куч ишлатиш, мажбурлаш орқали амалга оширилади. Баъзи ҳолларда депортация айрим кишилар ёки гуруҳларни жисмоний йўқ қилишнинг муқаддимаси ёки оммавий қатағонларнинг бошланғичи сифатида қўлланган. Бу айнан совет давлати жазо тизимига хос бўлиб, аксарият қатағон қилинган шахсларнинг оила аъзоларига нисбатан кўп бора қўллангани маълум. Айрим ҳолатларда депортация қатағоннинг бошқа бир тури билан, масалан муддатли ёки муддатсиз сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилиш билан бирга татбиқ этилган.

Депортациянинг ўзига хос хусусиятларидан бири - унинг қатағон^{*} мохиятидир. Депортациялар маъмурий ҳамда суддан ташқари тартибда бўлган. Шунингдек депортациялар рўйхатлар бўйича ва контингентлар бўйича амалга оширилган. Иккинчи кўринишда аниқ шахс, индивидуал киши эмас, балки бутун гуруҳлар депортация қилинган. Совет давлатида депортация ҳақидаги қарорлар одатда ОГПУ-НКВД-КГБ органлари

¹ Шамсутдинов Р. Қишлоқ фожеаси: жамоалаштириш, кулоклаштириш, сургун. (Ўрта Осиё республикалари мисолида). Т., “Шарқ”, 2003, 82-бет.

^{*} Қатағон – лотинча «repressio» - жазо чораси, йўқ қилиш, қириш, олдини олиш учун жазолаш маъносини билдиради.

ташаббуси билан, компартия ва совет ҳукумати раҳбарлари томонидан қабул қилинган. Бу эса депортацияларнинг совет суд ва ҳуқуқ тизимига умуман боғлиқ бўлмаганидан далолат беради ва суд орқали жазо белгиланадиган колония ва меҳнат-тузатув лагерлари тизимидан кескин фарқ қилганини кўрсатади.

Шу ўринда қайд этиб ўтиш лозимки, депортация ва сургун атамалари маънодош бўлиш билан бирга моҳият нуқтаи назаридан бири-биридан фарқ қилади. Сургун – совет давлати жиноят-ҳуқуқ қонунчилигига кўра жиноий жазонинг кўринишларидан бири бўлиб, у жавобгарнинг яшаш жойидан маҳрум қилиниб, бошқа бир қатъий белгиланган ерда жойлашуви билан боғлиқдир. Совет қонунчилигида сургун жазоси фақат суд ҳукми билангина татбиқ этилиши, унинг муддати 3 йилдан 10 йилгача бўлиши мумкинлиги белгиланган. Сургун муддати асосий жазо сифатида 3 йилдан 10 йилгача, кўшимча жазо сифатида эса 5 йилгача белгиланган. Қонунга кўра, 16 ёшга тўлмаганларга сургун жазосини қўллаш мумкин бўлмаган. Сургун жазосида сургун жойи аниқ белгиланган ва сургун қилинганнинг бу ердаги ҳаракати белгиланган манзилгоҳ (посёлка, комендатура) доирасида чегараланган². Шунингдек, жазонинг сургун шаклида сургун қилинганларга нисбатан сургун жойида муайян қатъий тартиб, назорат ва мажбуриятлар жорий қилинган.

Жазонинг депортация кўринишида эса депортация қилинган шахс ёки гуруҳларга сургундагидек қаттиқ тартиб ва мажбуриятлар белгиланмаган. Лекин умумий ҳолатда иккала шаклда ҳам халқ оммасининг азалдан яшаб келган жонажон гўшасидан жудо қилиниб бегона жойларга юборилиши, яъни қатағончилик хусусиятига кўра бир хил бўлган.

Совет давлатидаги мажбурий миграциянинг ўзига хос хусусияти – унинг бутун иттифоқ бўйлаб феноменал тарқалганлиги ва катта кўламлилиги

² История Сталинского ГУЛАГа. Конец 1920-х – первая половина 1950-х годов. Собрание документов в 7-ми томах. /Т.5. Спецпереселенцы в СССР. /Отв. ред. и сост. Т.В.Царевская-Дякина. -М.: «РОССПЭН», 2004. -С. 23.

ҳисобланади. Давлатнинг депортацион сиёсати - совет тузуми умумий қатағон сиёсатининг асосий қисми, қатағонларнинг муҳим воситаси бўлган. Шу боис, депортация социал барпо этишнинг энг муҳим ва самарали қуроли сифатида тафаккур қилинган.

1930-50 йилларда миллионлаб совет кишиларининг мажбурий равишда кўчирилиши жиддий демографик ва иқтисодий оқибатларга олиб келди. Бу оқибатлар аҳоли кўчириб олиб кетилган минтақа учун ҳам, улар янгидан жойлаштирилган минтақа учун ҳам ғоят таъсирли бўлди. Совет давлатининг ўзлаштирилмаган минтақаларига амалга оширилган депортациялар икки хил миграцияга - мажбурий ва табиий миграцияга сабаб бўлдики, бу илгари кузатилмаган жуғрофик аҳамият касб этди. Юзага келган бу янги тизимда депортациянинг қатағон сифатида, депортация қилинганларни қатағон қилинган сифатида акс эттирувчи атамалар зарур эди. Совет давлати жазо органлари махсус посёлкаларга тушганларнинг расмий белгиларидан келиб чиқиб, уларнинг ҳуқуқий статусларини белгилади. Яъни, депортация қилиниш шаклига кўра уларни бир-бирига чалкаштирмаслик лозим эди. Бинобарин, суд қарори билан индивидуал шаклда юборилган «сургун қилинган» (*ссылный*) ёки «сургун қилинган киши» (*ссылнопоселенец*) билан суддан ташқари ҳолатда бошқа маъмурий орган қарори билан индивидуал кўринишда сургун қилинган «маъмурий сургун қилинган» (*административно-ссылный*) ўртасида катта фарқ бор эди. Бу терминлар совет давлатига чор ҳукуматидан мерос бўлиб ўтганди. Аммо советлар даврида оммавий депортациялар шу қадар кўп амалга оширилдики, пировардида янгидан-янги атамаларга эҳтиёж пайдо бўлди.

1930 йилларда «қулоқ» сифатида сургун қилинган деҳқон оилалари ОГПУнинг Лагерлар бош бошқармаси (ГУЛАГ) назоратига олиниб, «махсус кўчирилганлар» (*спецпереселенцы*) деб номланди. 1933 йилда бу атама ўрнига «меҳнат учун кўчирилганлар» (*трудпоселенцы*) атамаси қўллана бошлади. Қулоқлар жойлаштирилган маконлар «махсус посёлка»дан «меҳнат

посёлкаси»га ўзгартирилди. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш лозимки, сургун қилинган деҳқон оилалари қонунга кўра суд ҳукми билан эмас, балки маҳаллий ижроия органлари қарори билан сургун қилинди. Ажабланарли томони шундаки, бунда сургун муддати белгиланмаган эди, бунинг устига деҳқонларнинг бешикдаги гўдакларигача сургунга юборилди.

Янги контингент деб аталувчи, 1939 йилгача депортация қилинганлар (асосан ғарбий, жанубий ва шарқий чегараларда яшовчи корейслар) ўз статусларига кўра «маъмурий сургун қилинганлар» ҳисобланган. Уларнинг айримлари белгиланган муддатга – беш ёки ўн йилга сургун қилинган эди. 1940 йил апрелида депортация қилинган - отиб ташланган поляк офицерлари оилалари ҳам худди шундай статусга эга эди.

1940 йил февраль-апрель ойларида аввал инкор этилган «махсус кўчирилганлар» (*спецпереселенцы*) атамаси яна қўллана бошлади. ГУЛАГ меҳнат посёлкалар бўлими бошлиғи М.Конрадовнинг НКВД меҳнат тузатув лагерлари ва меҳнат посёлкалар бош бошқармасига 1940 йил 27 апрелда юборган тушунтириш хатида УССР ва БССРнинг ғарбий областларидан депортация қилинганларни «махсус кўчирилганлар» деб номлаш зарурлиги, бироқ уларни қулоқлардан ташкил топган «меҳнат учун кўчирилганлар» билан адаштирмаслик кераклиги айтилган. Шу билан бирга «кўчирилганлар» (*выселенцы*) ва «кўчириб келтирилганлар» (*переселенцы*) атамалари ҳам юзага келди. Бу атама давлат чегарасининг 800 метрлик полосаларидан депортация қилинган аҳолига нисбатан қўлланган.

1941 йилга келиб, алоҳида аҳамиятдаги депортация қилинганлар (Болтиқбўйи ва Молдавиядан кўчирилганлар) тамоман янги ном билан «сургун кўчкиндилари» (*ссылнопоселенцы*) деб аталди. Бу статуснинг ўзига хос томони шунда эдики, бу ном билан аталувчилар юридик жиҳатдан барча фуқаролик ҳуқуқларидан маҳрум қилинган эдилар. 1944 йил бошларига келиб эса «махсус кўчкиндилар» (*спецпоселенцы*) деган атама барча турдаги

сургун қилинганларни умумлаштирувчи ном сифатида кун тартибида қарор топди.

Депортация давлат учун сиёсий душманлари гуруҳини ўзига хос тарзда назорат қилиш ҳамда уларни зарарсизлантириш воситаси ҳам ҳисобланган. Агар депортация қатағон қилинувчи контингентнинг (синф, этнос, конфессия ва бошқалар) бир қисмига эмас, барчасига нисбатан амалга оширилса, бу «тотал депортация» деб аталади. Агар депортация учун этник факторлар асос бўлса, буни «этник депортация» деб тушунмоқ керак. Бу табиий равишда тотал ёки қисман амалга оширилиши мумкин. Яъни депортацияга бутун этнос эмас, унинг бир қисми юборилса, у қисман этник депортация ҳисобланади. Бунинг учун ижтимоий белгилар қўшимча мезон бўлиши мумкин. Масалан, кулоқлар ёки ижтимоий хавфли унсурлар, ёки бўлмаса этноснинг маълум бир қисмини депортация қилинишига сабаб бўлган улар жойлашган аниқ минтақа – жуғрофик хусусият. Бу кўринишда этноснинг маълум бир салмоқли қисми кўчирилишига кўра депортация этник хусусиятини сақлайди.

Совет давлатидаги депортациялар ва депортация сиёсати ўзининг динамикаси, зиддият ва хусусиятларига кўра совет давлатининг ташқи ва ички сиёсати маҳсулидир. Бунга кўра СССРдаги этник депортацияларни икки кўринишда шархлаш мумкин: ташқи сиёсат турткисида юзага келган этник депортация ва ички сиёсат таъсирида юзага келган депортациялар.

Биринчи кўринишга дахлдор контингентларга хорижий давлат фуқаролари, шунингдек совет фуқаролари, совет давлати билан уруш ҳолатида бўлган ёки ўзаро муносабатлар ёмонлашган давлат фуқаро вакиллари киради. Бундай кўринишдаги депортациялар профилактика вазифасини бажарган. Бу хил депортацияларга поляк, немис, фин, румин этник контингентларини мисол қилиш мумкин.

Иккинчи кўринишга дахлдор контингентларга ўзларининг этник номи билан аталувчи давлатлари бўлмаган СССР халқлари киради. Бу

кўринишдаги депортациялар фақат ички вазифаларни бажарган. Бунга Шимолий Кавказ халқлари, қолмиқлар ва ОУНчилар^{*} мисол бўла олади.

Агар депортация совет ҳукуматининг вакиллик органлари томонидан иттифоқ ҳудудида амалга оширилган бўлса, у ички мажбурий миграция, аксинча иттифоқ ҳудудидан ташқарида амалга оширилган бўлса, ташқи мажбурий миграция хисобланади. Урушдан кейин жанубий-шарқий Европа давлатларидан немис миллати вакилларининг СССРга депортация қилиниши бир томондан, совет давлатининг оккупация қилинган Европа давлатларида ўз сиёсий таъсирини кучайтириш, иккинчи бир томондан эса қўшимча ишчи кучи билан таъминланиш мақсадида амалга оширилган эди.

Ички мажбурий миграциялар 1918-1920 йилларда казакларнинг депортация қилиниши билан бошланиб, 1950 йилларнинг бошидаги депортацияларгача давом этдики, у 6 миллиондан зиёд кишининг тақдирига даҳлдор жуда кенг кўламли тарихий ходиса бўлди. Бу тоталитар давлат миграция тизимининг таркибий қисми бўлиб, сиёсий ва иқтисодий факторлар билан асосланган ҳолда амалга оширилган эди. Унинг асосий ўзагини 1930 йиллардаги «қулоқлар сургуни» ва иккинчи жаҳон уруши йилларида «жазоланган халқлар»нинг тотал депортация қилиниши ташкил этди.

Илмий ва илмий-оммабоп адабиётларда «катағон қилинган халқ», «депортация қилинган халқ» атамалари тез-тез учраб туради. Айни пайтда бу атамалар бир-бирига оҳангдош эмас. Чунки, айрим пайтларда депортация баъзи бир этносларнинг (лўлилар, нўғойлар, қозоқлар) ёки уларнинг бир қисмини ўтроқлашувига ижобий сабаб ҳам бўлган.

Совет даври катағонларини, жумладан депортацияларни чуқур таҳлил қилганда совет тузуми катағонларнинг синфий мезонларига эмас, ҳамиша этник мезонларига эътибор берганлиги яққол намоён бўлади. Ишчи-деҳқонлар давлати сифатида интернационализм ва синфий ёндашувларни тинимсиз мадҳ этган бу тузум амалда кенг кўламли миллатчилик,

^{*} ОУН – украин миллатчи ташкилоти.

айирмачилик мақсад ва усулларини тадрижий ривожлантирди. Бунга ёрқин мисол сифатида «жазоланган халқлар»ни кўрсатиш мумкин. Уларнинг депортация қилиниши жазоланиши бўлган эди. Бу халқ вакиллари ўз ватанларидан оммавий равишда кўчирилибгина қолмай, бошқа шаҳар ва районлардан ҳам чиқариб юборилди, армиядагилари демобилизация қилинди. Бу кўринишдаги этник депортация бутун мамлакатни қамраб олдики, қатағоннинг бу тури илмий тилда тотал депортация деб аталади. «Жазоланган халқлар»дан ватани билан бирга агар мавжуд бўлган бўлса, нисбий давлатчилиги бўлмиш миллий автономияси ҳам тортиб олинди.

Собиқ иттифокда ўнта халқ ўз моҳиятига кўра тотал депортацияга учради. Улардан еттитаси – немислар, қорачойлар, қолмиқлар, ингушлар, чеченлар, болқорлар ва қрим татарлари депортация натижасида миллий автономиясидан айрилди. Уларнинг умумий миқдори қарийб 2 миллион киши, депортация қилинишига қадар эгаллаган майдони 150 минг кв.км.дан кўпроқ эди. Тотал депортацияга миллий автономияси бўлмаган яна учта халқ – финлар, корейслар ва месхети турклари ҳам учради.

Мустабид тузумнинг депортация сиёсати давлатнинг умумий мажбурий меҳнат сиёсати билан мустаҳкам боғланган эди. Ёки бу сиёсатни ГУЛАГ махбусларининг мажбурий меҳнатида фойдаланиш амалиёти ва режали-кўнгилли кўчириш билан боғланган ягона жараён деб тушуниш мумкин. Бинобарин, партия-совет раҳбарлари мажбурий меҳнатни эркин меҳнатдан самаралироқ деб ҳисоблаган эди.

Кўчиришнинг режали-кўнгилли, депортация ва қамок-лагер шаклларида меҳнатдан фойдаланишнинг сезиларли фарқлари бўлган, албатта. Режали-кўнгилли кўчириш мамлакатнинг нисбатан қулай иқлими, ижтимоий шароитлари мавжуд, лекин ишчи кучи танқис минтақаларида амалга оширилган. (Масалан, Шимолий Кавказ ёки Узоқ Шарқнинг жанубий районлари) ГУЛАГ қамокхоналари эса фақат ўта ноқулай иқлим шароитли районларни ўзлаштиришга ёки ўта махфий объектларни (уран конлари ва

ёпиқ шаҳарлар) ишчи кучи билан таъминлашга ихтисослашган эди. Депортация қилинган халқлар билан тўлдирилган махсус посёлкалар юқоридаги икки шакл оралиғида ўзига хос кўриниш касб этган эди. Депортация қилинганлар жойлаштирилган асосий ҳудудлар Европанинг шимоли, Урал, Ғарбий Сибир, Қозоғистон ва Ўрта Осиёнинг ўзлаштирилмаган районлари бўлган.

Совет иттифоқидаги депортациялар амалиётининг ташкилий структураси ҳам алоҳида аҳамиятга молик. Советлар томонидан депортация қилинганларнинг барчаси ва ГУЛАГ қамоқхоналаридаги совет маҳбуслари алоҳида ташкиллаштирилган ОГПУ-НКВД-МВД органлари назорати остида бўлган. Таъкидлаш лозимки, мажбурий миграциянинг учинчи таркибий қисми бўлган режали-кўнгилли кўчирилганлар ҳам маълум бир муддат НКВД бошқарувида бўлган. НКВДнинг Кўчирув ишлари бўлими дастлаб 1936 йил 22 июлда СССР Халқ Комиссарлари Совети қошидаги Бутуниттифоқ кўчириш комитети базасида ташкил этилган. 1939 йил 9 августда бўлим НКВД штатидан чиқарилиб, ХКС қошидаги кўчириш комитети бошқарувига ўтказилади. Қизик томони шундаки, бу бўлим НКВД таркибида фаолият кўрсатиб турган вақтда биринчи тотал этник депортация – корейслар сургуни амалга оширилди.

Депортациялар даврининг катта қисмида махсус манзилгоҳлар бўлими ёки унинг ўхшаш муассасалари ГУЛАГнинг бевосита таркибий қисми бўлиб келган. 1930 йиллар бошидаги «қулоқлар сургуни» даврида ОГПУ таркибидаги Махсус кўчирилганлар бўлими жойлардаги бўлинма ва инспекциялари билан мустақил фаолият кўрсатган.

1933 йил 20 апрелда Халқ комиссарлари советининг №775/116 рақамли «ОГПУнинг меҳнат манзилгоҳлари ҳақида» қарори билан меҳнат манзилгоҳлари ва махсус посёлкалар тизими ГУЛАГ билан бирлаштирилди ва ягона орган – ОГПУнинг Лагерлар ва меҳнат манзилгоҳлар бош бошқармаси ташкил этилди. Бошқарма бошлиғи этиб М.Д.Берман, унинг

ўринбосарлари ва тегишли бўлим раҳбарлари этиб Я.Д.Рапопорт (лагерлар бўйича) ва И.И.Плинер (меҳнат манзилгоҳлари бўйича) тайинланди. Меҳнат манзилгоҳлари бўлими назоратига қуйидаги контингентлар ўтказилди: а) ёппасига коллективлаштириш районларидан сургун қилинган қулоқлар; б) ғалла тайёрлаш ва бошқа кампанияларга қарши саботаж қилганлар; в) паспортлаштириш бўйича Москва ва Ленинграддан чиқариб юборилган шаҳар фуқаролари; г) саноат корхоналаридан бўшатиш, қишлоқлардан қочиб келган қулоқлар; д) давлат чегаралари ҳудудидан сургун қилинганлар; е) суд ва ОГПУ органлари томонидан 3 йилдан 5 йилгача муддатга сургунга ҳукм қилинганлар¹.

1934 йил 10 июлда ОГПУ НКВД сифатида қайта ташкил этилди. Шу йилнинг 27 октябрида Адлия халқ комиссарлигининг меҳнат-тузатув муассасалари НКВД ихтиёрига ўтказилди. Шу муносабат билан лагерлар ва меҳнат манзилгоҳлари бош бошқармаси НКВДнинг лагерлар, меҳнат манзилгоҳлари ва қамоқ жойлари бош бошқармасига айлантирилди. 1941 йил августи охирига қадар меҳнат манзилгоҳлари бўлими ГУЛАГнинг таркибий қисми сифатида фаолият кўрсатди.

1941 йил 28 августда Повольже немислари сургунни арафасида ОСП деб аталувчи НКВДнинг махсус манзилгоҳлар бўлими тузилди. 1941 йил 1 сентябрдаги низомга кўра, бу бўлим совет немисларини ички районларга кўчириш, жойлаштириш ва янги жойлардаги меҳнат фаолиятларини ташкил этиш мақсадида махсус ташкил этилган. Белгиланган сургун жойларини режалаштириш ва ўрганиш ишларига Ер ишлари комиссарлиги ва Кўчирув бошқармаси органлари ҳам жалб этилган. Қизик томони шундаки, янги ташкил этилган махсус манзилгоҳлар бўлими немислардан аввал депортация қилинган контингентлар бўйича ҳеч қандай маъсулиятни зиммасига олмаган. ГУЛАГ бошлиғи В.Г.Наседкиннинг 1941 йил 27 ноябрда НКВД халқ комиссари ўринбосари В.В.Чернишевга юборган хатида Болтиқбўйи, Ғарбий

¹ ГУЛАГ: Главное управление лагерей. 1918-1960. /Сост.: А.И.Кокурин, Н.В.Петров. -М.: Международный фонд «Демократия», 2000. -С. 231.

Украина ва Молдавиядан сургун қилинганлар «эгаси йўқлар» (бесхоз) деб аталган.

ГУЛАГ таркибида параллел равишда Меҳнат ва махсус манзилгоҳлар бўлими (ОТСП) ҳам фаолият олиб борган. 1942 йил 14 ноябрда НКВДнинг махсус манзилгоҳлар бўлими (ОСП) тугатилиб, унинг функцияси Меҳнат ва махсус манзилгоҳлар бўлимига қайтарилди. 1950 йил 14 июлда СССР Министрлар Советининг №3077-1286 сонли қарори билан Махсус манзилгоҳлар Ички ишлар министрлиги тасарруфидан чиқарилиб Давлат хавфсизлиги министрлиги (МГБ) тасарруфига ўтказилди. Бу муассаса таркибида сиёсий ва жиноий сургун қилинганлар, махсус кўчкінди ва бадарға қилинганлар назорати бўйича махсус 9-бошқарма ташкил этилди. Бу бўлимнинг номи кейин яна бир неча бор ўзгартирилди. 1953 йил 14 мартдан МВДнинг «П» бўлими, 1954 йил 30 октябрдан эса МВДнинг 4-махсус бўлими деб атала бошлади. Ниҳоят, 1959 йил 27 мартда махсус сургун қилинганларнинг катта қисми ҳисобдан чиқарилганлиги муносабати билан бўлим тамоман тугатилди, унинг вазифаси МВДнинг милиция бош бошқармаси зиммасига ўтказилди. Шу тариқа совет мамлакатада узок давом этган, ўз таркибида миллионлаб кишиларни ғурбатда сақлаган ҳамда бутун иттифоқ ҳудудларини қамраб олган махсус посёлкалар тизими ниҳоясига етди.

3. БОБ. ҚУЛОҚҚА ТОРТИЛГАН АҲОЛИНИНГ СУРГУН ҚИЛИНИШИ

3.1. Сургун сиёсати: Шимолий Кавказ, Шимолий Қозоғистон сургунлари

Сургун — совет давлати жиноят-ҳуқуқ қонунчилигига кўра жиноий жазонинг кўринишларидан бири бўлиб, у жавобгарнинг яшаш жойидан

махрум қилиниб, бошқа бир қатъий белгиланган ерда жойлашуви билан боғлиқдир. Совет қонунчилигида сургун жазоси фақат суд ҳукми билангина татбиқ этилиши, унинг муддати 3 йилдан 10 йилгача бўлиши мумкинлиги белгиланган. Сургун муддати асосий жазо сифатида 3 йилдан 10 йилгача, қўшимча жазо сифатида эса 5 йилгача белгиланган. Қонунга кўра, 16 ёшга тўлмаганларга сургун жазосини қўллаш мумкин бўлмаган. Сургун жазосида сургун жойи аниқ белгиланган ва сургун қилинганнинг бу ердаги ҳаракати белгиланган манзилгоҳ (посёлка, комендатура) доирасида чегараланган. Шунингдек, жазонинг сургун шаклида сургун қилинганларга нисбатан сургун жойида муайян қатъий тартиб, назорат ва мажбуриятлар жорий қилинган.

Коллективлаштириш, қулоқлаштириш ва сургун қилиш тарихи юзасидан архив ҳужжатлари тўпламларининг нашр этилиши Россия Федерациясида яхши йўлга қўйилгани ва собиқ Иттифоқ даврида маҳфий сақланиб, тадқиқотчилар учун ман қилинган ҳужжатларни илмий истеъмолга солишда қилинган ибратли ишларни қайд этиш лозим. “Трагедия советской деревни. Коллективизация и раскулачивание”¹ номли 5 жилдлик (айрим жилдлар икки китобдан иборат) ҳужжатлар ва материаллар тўплами 1999-2007 йиллар мобайнида нашр этилиши катта воқеа бўлди.

4 жилдлик (ҳар бир жилд 2 китобдан иборат) “Советская деревня глазами ВЧК-ОГПУ-НКВД. Бу тўпламлардан жой олган ҳужжатлар ва материаллар асосан Марказда ва жойлардаги органлар томонидан қишлоқда олиб борган фаолияти ёритилган. ВЧКнинг ахборот варақалари, бюллетенлари, оператив маълумотлари, ОГПУ ва НКВДнинг информацион материаллари келтирилганки, улар ниҳоятда қимматлидир ва

¹ Трагедия советской деревни. Коллективизация и раскулачивание. Документы и материалы в 5 томах. 1927-1939гг. главный редакционный совет: В.Данилов, Р.Маннинг, Л.Виола (главные редакторы), В.Виноградов, Р.Джонсон, Р.Дэвис, В.Козлов, А.Сахаров, С.Уиткрофт, Ха Енг Чул. Сост: В.Данилов, М.Кудюкина и др. Москва: РОССПЭН, 1999; Трагедия советской деревни. Коллективизация и раскулачивание. Документы и материалы. Том 5. Книга 1. 1937г. Редакционная коллегия тома: В.Данилов, Р.Маннинг (ответственные редакторы), В.Виноградов, Л.Виола, А.Гетти, М.Элман, И.Зеленин, С.Красильников, Ю.Мошков, О.Наумов, Н.Охотин, Е.Тюрина. Сост: В.Данилов, Р.Маннинг и др. Москва: РОССПЭН, 2004.

коллективлаштириш, кулоққа тортиш, сургун қилиш масаласини холисона яратишга имкон беради.

2004-2005 йилларда Москвадаги РОССПЭН нашриётдан “История Сталинского ГУЛАГА. Конец 1920-х – первая половина 1950-х годов” номли 7 жилддан иборат ҳужжатлар тўпламини босиб чиқардилар¹. Биринчи жилдда СССРдаги оммавий қатағонлар, иккинчи жилдда жазо тизими, тузилиши ва кадрлар, учинчи жилдда ГУЛАГ иқтисодиёти, тўртинчи жилдда ГУЛАГ аҳолиси: миқдори ва уларни боқиб туриш шароитлари, бешинчи жилдда СССРдаги маҳсус кўчкиндилар, олтинчи жилдда маҳбусларнинг кўзғолонлари, исёнлари ва иш ташлашларлари, еттинчи жилдда совет қатағон-жазо сиёсати ва пенитенциар тизими масалаларига доир шу вақтгача сир сақланган маҳфий ҳужжатлар биринчи бор нашр юзини кўрган. Бу тўпламлардаги ҳужжат ва материаллар совет режимининг 20-йиллар охири ва 50-йиллар бошларидаги қатағон сиёсатини туб моҳиятини, жараёнини очиқ берган бирламчи манбалар ҳисобланади. Улардаги материаллар қизил империянинг барча минтақаларидаги ҳолатни акс эттиради. Жумладан, Ўрта Осиё ва Қозоғистондаги коллективлаштириш, кулоқлаштириш, сургун, қатағон жараёнини акс эттирадиган ҳужжатлар ҳам оз бўлса-да мавжуддир.

Ўрта Осиёдан кулоқлар, маҳбуслар 1932-1935 йиллари Москва-Волга канали қурилишига сафарбар қилинган ва улар энг катта ва даҳшатли Дмитров лагерида бўлиб, канал қурилишида иштирок этганлар. Аммо, канал қурилиб ишга тушгандан кейин 1937-1938 йиллардаги Катта террорда ана шу Дмитлагдагилар, жумладан ўзбекистонликлар отувга ҳукм қилинган. Уларнинг бир қисмини номлари аниқланди. Бу ҳақда маълумотлар

¹ История Сталинского ГУЛАГА. Массовые репрессии в СССР. Конец 1920-х – первая половина 1950-х годов. Собрание документов в семи томах. Редакционный совет издания: Ю.Н.Афанасьев, П.Грегори, Е.Даниелсин, В.А.Козлов, В.П.Козлов (председатель), Р.Конкверс, С.В.Мироненко, А.И.Солженицын, А.К.Сорокин, О.В.Хлевнюк, В.С.Христофоров, А.О.Чубарьян, Т.Эммонс, А.Н.Яковлев. Ответственные редакторы: Н.Верст, С.В.Мироненко. Ответственный составитель: И.А.Зюзина и др. Том 1. Москва: РОССПЭН, 2004; История Сталинского ГУЛАГА. Советская репрессивно-карательная политика и пенитенциарная система в материалах Госархива РФ. Аннотированный указатель дел. Ответственные редакторы: В.А.Козлов, С.В.Мироненко. Ответственный составитель: А.В.Добровская. Сост: Б.Ф.Додонов, О.Н.Капылова, В.П.Наумов, В.И.Широков. Том 7. Москва: РОССПЭН, 2005.

тўпламдан¹ жой олган. Хуллас, ана шу тўплам ҳам мавзу учун манбалардан бири бўлиб хизмат қилади.

Юқорида номлари келтирилган манбалар бугунги кунда Ўзбекистонлик таниқли олимлар, жумладан Р.Т.Шамсутдинов, Қ.Ражабов, Б.Расулов, М.Акбарова, М.Абдуллаев, С.Хошимов, Х.Қурбонов ва бошқлар томонидан илмий истеъмолга киритилган бўлиб, ушбу манбалар бир қанча янги адабиётлар яратишда ва илмий тадқиқотлар олиб боришда асос бўлди.

Шимолий Кавказ суруни. 1931 йил баҳоридан қулоқ қилиш ва қулоқ қилинганларни сургун қилишнинг иккинчи босқичи бошланиб, у ўша йилнинг сентябрга қадар давом этади. Айни шу босқичда Ўзбекистонда қулоққа тортиш ва сургун қилиш кампанияси ўтказилади ва қулоқ қилинганлар Украинанинг Херсон областига ва Шимолий Кавказ ўлкасига сургун қилинади.

ВКП(б) Марказий Комитети Сиёсий бюросининг 1931 йил 20 июндаги қарори билан қулоқлар бўйича комиссия раиси А.А.Андреев тақдим этган қарор лойиҳасини тасдиқлайди. Унда Бауманнинг² Ўрта Осиёдан 6 минг қулоқ хўжалигини кўчириб, ундан 3 минггини Украина худудига ва 3 минггини Шимолий Кавказга кўчириш ҳақида С.Косиор³ ва Шеболдаев¹лар билан келишилган таклифи маъқулланади, қулоқ хўжаликларни Украина ва Шимолий Кавказга жойлаштириш Евдокимовга² топширилади.

Бу директивани бажариш ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюросининг котиби шахсан Г.П.Матсон зиммасига юклатилади.

А.А.Андреев бошлиқ қулоқлар бўйича комиссия Тожикистон-дан ва Ўзбекистондан Шимолий Кавказ ва Украина ССРга кўчирилиб юборилаётган 6 минг бой-қулоқ оилаларни пахтачилик районларига жойлаштириб, улардан

¹ Бутовский полигон. 1937-1938гг. Книга памяти жертв политических репрессий. В 7 томах. -М.: Панорама, 1998-2000.

² Бауман Карл Янович (1892-1937)-ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюросининг котиби (1931-1934)

³ Косиор Станислав Викентьевич (1889-1939)-ВКП(б) Украина Марказий комитетининг биринчи котиби (1928-1938)

¹ Шеболдаев Борис Петрович (1895-1937)-Шимолий Кавказ ўлка партия комитетининг биринчи котиби (1931-1934)

² Евдокимов Ефим Георгиевич (1895-1940)-ОГПУ раиси ўринбосари

пахта етиштиришдан фойда-ланиш кўрсатилди. Кўчирилаётганларни Шимолий Кавказ ўлкасининг Прикум районидаги Прикумск пахтачилик совхозига-1100 оилани; Воронцово рйонининг Александровскдаги «Терек» пахтачилик совхозига - 1000 оилани; Темрюк районидаги Бугосовск совхозига-450 оилани жойлаштирилиш режалаштирилади².

Г.Г.Ягода 1931 йил 30 июлда Тошкентга, ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги доимий вакили Г.П.Матсонга йўллаган телеграммасида маҳаллий миллат бойларини кўчириш операциясини амалга оширишда ниҳоятда қаттиқ назоратни максимал таъминлаш учун барча чоралар кўриш, кўчиришда ҳатоларга йўл қўймаслик, кулоқ-бойларни кўчиришни асосан пахтачилик районларида, пахта етиштиришни биладиган жойларда амалга ошириш, кўчириш операциясини бошлаш муддати кўчириладиганларни жойлаштириш жойи аниқлангач, бир-икки кун ичида кўшимча ҳабар қилиниши мумкинлиги айтилган.

Ўзкомпартия Марказий Комитети, республика прокуратураси, ГПУси билан биргаликда бу кўчиришни амалга оширишга киришади. Шу мақсадда 1931 йил 1 ва 6 августда 25 масъул ходимни жойларга хизмат сафарига йўллайди. Жумладан, Самарқанд районига райком котиби Азизов, Қорадарё ва Каттакўрғонга Авербух, Вобкент районига Мирусмон Мирискоқов, Эски Бухоро билан Янги Бухорога Гончаров, Бауман (Шофиркон) районига, Жихон Обидова, Нарпай районига Антонов, Жарқўрғон районига Муҳаммаджонов, Пойариқ районига Ритман, Ромитан районига Монеев юборилди³. Бу вакиллар Ўзкомпартия МК ишлаб чиққан «Ёппасига коллективлаштириш районларида кулоқларни синф сифатида тугатиш билан боғлиқ бўлган тадбирларни ўтказиш тўғрисида йўриқнома» билан жойларга етиб келади.

¹ Шамсутдинов Рустамбек. Қишлоқ фожеаси: жамоалаштириш, кулоқлаштириш, сургун (Ўрта Осиё республикалари мисолида). Тошкент: Шарқ, 2003. -190-191 б.

Бу вакиллар, район котиблари ва район ижроком раислари таркибида «учлик»лар ташкил қилинади. Қулоқларни қўлга киритиш ва сургун қилиш тадбирлари 15 сентябрдан кечикмай пахта йиғим-терими бошлангунга қадар тугалланиши кўрсатилади.

Қулоқ оилаларни кўчиришнинг бориши тўғрисида 1931 йил 10 августгача бўлган маълумотда 20 августдан бошлаб Ўрта Осиёдан Шимолий Кавказ ўлкасига 11 эшелонда 3000 оила жўнатилиши кераклиги қайд этилган.

Сургунга юбориш пунктларида тушунтирув ишлари олиб борилади. Сургун қилинаётганларни озиқ-овқат билан таъминлаш зарурлиги ҳақидаги кўрсатмага айрим комиссиялар амал қилмаганлар. Сургун қилинаётганларнинг озиқ-овқат маҳсулотлари кол-хозларда қолиб кетган. Районлар қолиб кетган бу озиқ-овқатларни қайтариб келиш чораларини кўрмаган комиссияларнинг айрим вакиллари сургун қилинаётганларга бу сургуннинг сабабларини, сургун жойларини тушунтириб бермаган.

Сургун этишга бошчилик қилган сиёсий комиссиялар ва Мар-казком вакиллари фаолиятида кўплаб салбий ҳолатлар юз берган.

ОГПУ транспорт бўлими томонидан 6000 хўжаликни эшелонларда келтириш графиги тузиб чиқилган. Кўчириш 1931 йил 24 августда бошланиб 5 сентябрда тугалланадиган бўлади. Ҳар кеча-кундузда Шимолий Кавказ ўлкасига иккитадан эшелон жўнатилиши режалаштирилган. Эшелонлар йўналиши Шимолий Кавказ ўлкаси бўйича темир йўлда Красноводск станциясигача, бу жойдан Каспий денгизидан пороходда Махачқалъагача, у жойдан яна темир йўл эшелонда Прикумск (ҳозирги Будённовск) гача олиб бориш белгиланган.

28 августдаги ҳолатга кўра, Шимолий Кавказ ўлкасига 2 эшелонда 519 хўжалик (3262 киши) жўнатилгани, йўл давомида қочиб кетиш, касалликка чалиниш, вафот қилганлар бўлмагани, эшелонларга одамларни жойлаштириш ва эшелонлар ҳаракати нормал ҳолатдалиги озиқ-овқат билан таъминлаш қониқарли даражадалиги, йўл учун заҳира таъминланган, оёқ

кийим билан таъмин этиш жуда оғир кечгани оператив маълумотда келтирилган.¹

Профессор Р.Шамсутдинов 2003 йилнинг июнида Москвадаги Россия Федерацияси Хавфсизлик хизмати марказий архивидан «қулоқ»лар ортилган эшелонларнинг 1931 йил 28 августдан 16 сентябргача бўлган вақтдаги ҳаракати ҳақидаги диспетчер маълумоти тини излаб топган. Унда 1931 йил 28 августда Когондан жўнаган 605-сонли эшелондагилар Шимолий Кавказнинг Прикумск район-ига келтирилиши кўрсатилган. Бу эшелонда 231 оила, (1542 киши) жойлаштирилган, шундан 387 нафари эркак, 324 нафари аёл, 646 нафари бола бўлган. Каттақўрғондан чиққан 615-эшелонда 282 та хўжалик (1450 киши), яъни 471 нафар эркак, 396 нафар аёл, 583 нафар бола бўлиб, улар 9 сентябрда Шимолий Кавказнинг Прох-ладная станциясидан ўтганлиги, Махачқаблага етганда бир бола ўлгани қайд этилган. Уларнинг борадиган жойи Карамюк стан-цияси эди. Термиздан йўл олган 611-сонли эшелонда 288 та оила (1602 киши) яъни 447 та эркак, 430 та аёл, 735 та бола бўлган. Уларнинг Прикумский районларига боришлари белгилаб қўйилган. 1931 йил 1 сентябрда бу эшелон Чоржўйдан ўтган.

Самарқанддан жўнаган 617-сонли эшелонда 304 та оила (1493 киши) бўлиб, унда эркаклар 611 кишини, аёллар 416 кишини, болалар 666 кишини ташкил этган. 9 сентябрда бу эшелондагилар Красноводскка келиб пароходда Каспий денгиз орқали Махачқа-лани ҳам босиб ўтишган. Шу билан бирга, Сурхондарё, Бухоро, Самарқанд вилоятларидан сургун қилинганлар ҳам айна Шимолий Кавказга келтирилган. Самарқанд вилоятидан 700 та хўжалик (3680 жон), Бухоро вилоятидан 691 нафар хўжалик (3820), Сурхондарё вилоятидан 100 та хўжалик (482 жон), бутун Ўзбекистон бўйича жами 1491 хўжалик (7982 жон) Шимолий Кавказ ўлкасига сургун қилинган¹.

¹ Шамсутдинов Р. Қишлоқ фожеси... -207 б.

¹ Шамсутдинов Р., Мамажонов А., Шимолий Кавказ сургунидаги юртдошларимиз ҳаёти // Жамият ва бошқарув.-2004.-№4.-Б 21.

Ўзбек, тожик, қирғиз, қозоқ, «қулоқ» хўжаликлари ортилган 603, 605, 606, 609, 611, 613, 615, 617, 619-рақамли эшелонлар Термиз, Самарқанд, Бухоро, Қарши, Каттақўрғон станцияларидан йўлга чиқиб Чоржуй орқали Красноводск порт шаҳрига келади. Бу жойда улар Каспий денгизида пароходга жойлаштирилади, паро-ходда бир қисми Боку шаҳрига бир қисми Махачқалага келтири-ладилар. Бу жойларда яна эшелонларга жойлаштирилади. Поезд борадиган охириги темир йўл станцияси Прикумск (ҳозирги Будён-новск) га келади. Шу жойдан «қулоқ»лар араваларга жойлаштирилиб 40-50 км масофадаги чўл-дашт қишлоқларга қўролланган соқчилар кузатувида олиб борилади. Тахминан 1931 йил 20 августдан йўлга чиққан «қулоқ»лар поезд, пароход, арава транспорт воситаси билан охириги манзилгоҳлари-«қулоқлар сургуни» қиш-лоқларига 20-22 сентябрда етиб келиб жойлашадилар. Бу йўл саргузаштлари, азоблари ниҳоятда оғир ва мушкул кечган.

Эшелонларда Шимолий Кавказ ўлкасига азоб-уқубатлар билан келтирилган ва бу ерда сургун азобларини тортганлардан бири самарқандлик отахон Абдурахмон Тоштемиров шундай эслайди:

«Челак район марказида 5-6 кун турдик, кейин бизларни Самарқандга темир йўл станциясига олиб келди. Вокзал атрофига катта жой қилиниб у ерда одамлар тўпланган экан.

Кейин бизларни вагонга чиқарди. Вагонга 44 киши жойлашдик. Вагон эшиклари қулф солиб беркитилган, фақат ҳаво кириб туриши учун кичкинагина тешик очиб қўйган. Вагонда аҳвол ниҳоятда ёмон бўлганидан одамлар қийналиб кетдилар.

Бир неча кун деганда Красноводск шаҳрига етиб келдик. Вагонда жуда кўп одамлар касал бўлиб қолди, вагондан пастга тушиш мумкин эмас. Вагонда келаётганимизда Мамасулов деган синглим вафот этди. Дафн маросимига рухсат берилмади. Қизил-равот станциясида синглимни дафн

этиш учун 20 минут вақт берди, тезлик билан пастга тушиб қумлик жойга дафн этдик. Қолган маросимларни вагонда давом этдик.

Вагонлар уланган эшелон Красноводск шахрига етиб келади. У ерда Каспий денгиз порти орқали пароходда 2-кечаю, 2-кундуз денгизда йўл босилган. Махачқала портига етиб келинган. Денгизда сузиш қийин экан, кўпчилик одамларни боши айланиб, кўйнилари айниб ёмон аҳволга тушадилар, 3 та эркак, 2 та аёл, 2 та ёш бола ўлади, уларни жасадлари денгиз сувига ташлаб юборилади.

Махачқалада бизларни яна қизил вагонларга уриб Прикумск районига юбордилар. 1 кун йўл босиб Атаманов посёлкасига етиб бордик. Бизларни Сибирь, Уралга сургун қилинганларнинг хона-донларига жойлаштиришди»¹.

Шундай қилиб, 1931 йил август-сентябрь ойларида Ўзбекис-тоннинг Бухоро, Самарқанд, Сурхондарё округларидан, 1416 хўжалик (7982 киши), Шимолий Кавказ ўлкасига жуда машаққатлар билан келтирилди (2-иловага қаранг). Улар бу ердаги «қулоқлар сургуни» сафини сезиларли даражада тўлдирди, бойитди.

Шимолий Қозоғистон сургуни. ГУЛАГнинг махсус кўчирилганлар бўйича Бўлимнинг маълумотига қараганда 1930-1931 йилларда Қозоғистон ҳудуди доирасида 6765 хўжалик депортация қилинган. Қозоғистоннинг ўзига эса фақат 1931 йили 12265 хўжалик қулоққа тортилганлар сургун қилиб келтирилган. Бу дегани камида 60-70 минг киши, жумладан қариялар, болалар, аёлларни қатағон қилингани эди.

Қозоғистонга 56 минг қулоқ хўжалиги сургун қилиб келтирилган. 1931 йил 6 июлида Ўрта Осиёдан Қозоғистонга 80 та оила кўчирилган бўлса, 1932 йил 1 сентябрига келиб камендатуралар ҳисоби бўйича 46031 оила, яъни 180015 махсус кўчкіндилар Қўйи ва Ўрта Волга, Марказий Қоратупроқ, Москва вилояти, Кавказорти ва Ўрта Осиёдан келтирилган эди. 1933 йили

¹ Шамсутдинов Р.Т. ва Мамажонов А. ёзиб олган Абдурашмон Тоштемиров эсдалигидан

Қозоғистонга 55 мингдан зиёд киши сургун қилиниб келтирилган. Қозоғистон “Сибирь” сўзининг синоними бўлиб қолган эди.

Бу “қулоқ”ларнинг кўпи ўлимга маҳкум этилганди. ОГПУнинг маълумотида кўра 1932 ва 1933 йилларда Қозоғистон махсус посёлкаларида 55441 киши вафот қилган. 1933 йили Шимолий Қозоғистон сургунидагилардан ўлганлар туғилганларга нисбатан 19 баробар кўп бўлган. Жанубий Қозоғистонда эса бу кўрсаткич 13 мартани ташкил қилган.

Қозоғистондаги махсус кўчирилганлар ва уларнинг тақдири Д.Чаров ишларида қисман ёритилган.¹

Ж.Абылхожин лагерлар иқтисодиётини тадқиқ этди. Собик қулоқларнинг меҳнат фаолияти умумлаштирилди. Қозоғистон агро-ГУЛАГи яратилди. Чунки марказга ғалла етказиб беришнинг оғир юки айна собик қулоқлар чекига тушган эди. Республика оммавий очарчиликка гирифтор бўлишга қарамай бу жойдан ғалла, чорва маҳсулотлари марказий районларга юборилиб турилди. 1930-1933 йиллар мобайнида Қозоғистон 2 миллионга яқин, яъни аҳолининг 49 фоизини йўқотган.

Ўрта Осиёдаги деҳқонлар оппозициясининг кўлами ОГПУнинг Сталин учун тайёрлаган оператив маълумотида “бу региондаги деҳқонлар ғалаёнлари билан кучли заҳарланган” биринчи гуруҳ районларига тааллуқлиги кўрсатилган.¹

Қозоғистон тарихшунослигида 1929-1940 йилларда деҳқонларга қарши уюштирилган террор масаласи ҳам ўз ифодасини топган.

Абдужапар Абдакаримов асарида 1937-1938 йилларда собик қулоқларни Катта террор қурбони бўлганликлари масаласига алоҳида урғу берилган. Қарағанда вилоятида 48 миллат вакиллари қатағон қилинган, уларнинг қисмати очиб берилган. Ўша Катта терорнинг Қозоғистонда амалга

¹ Чаров Д. Откуда родом спецпоселенцы? – Индустриальная Караганда, 1989, 29 апреля. Унинг ўзи: Қарағандийские спецпереселенцы: как это было. – история Казахстана: белое пятно. -Алма –Ата, 1991.

¹ Абусаитова М.Х., Абылхожин Ж.Б. ...История Казахстана...-С.435.

оширилиши ҳақида, хусусан сиёсий қатағон тўғрисида ҳужжатлар тўплами нашр этилди.²

Қозоғистон тарихшунослигида 30-40 йиллар ва 50-йиллар бошларида оммавий сиёсий қатағон қурбонлари хотира китобини яратиш борасда ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Масалан, республиканинг 15 та вилоятлари бўйича ана шу мавзуга доир китоблар эълон қилинган. Уларда архив ҳужжатлари асосида қатағон қилинганлар номма-ном келтирилган. Алмата вилояти бўйича 2 жилддан иборат Азали китоб (Азалы кітап - Книга скорбы) нашр этилди³. Бу ҳар икки тўпламда 3665 нафар қатағон қурбонларининг (отилганларнинг) номлари келтирилган. Уларнинг исми ва шарифи, туғилган йили, манзили, турар жойи, миллати, машғул бўлган касби, иш жойи, лавозими, ким томонидан ва қачон отувга ҳукм чиқарилган, ким ва қачон реабилитация қилган, деган маълумотлар китобда ўз ифодасини топган.

Ақмолинск вилояти(Кокчетов шаҳри)да ҳам икки қисмдан иборат китоб нашр этилган⁴. Бунда отувга ҳукм этилган 7015 кишининг исми, шарифи, туғилган йили, жойи, машғулоти, иш жойи ва лавозими, қамоққа олинган санаси, ким томонидан ва қачон ҳукм чиқарилган, реабилитация қилинган маълумотлар келтирилган.

Ана шу қатағон қурбонлари орасида 30-йилларда қулоққа тортилиб, у ёки бу ҳудудга сургун қилинганлар, ҳатто Ўрта Осиёдан, Ўзбекистондан қулоққа тортилиб сургун қилинганлар тўғрисида ҳам айрим маълумотлар келтирилган.

Маълумки, сиёсий қатағон бўлганларнинг хотинлари, ҳатто болалари ҳам у ёки бу шаклда қатағон тўғрисида учраган, улар учун алоҳида, махсус лагерлар, болалар уйлари ташкил этилган. Эри қатағон бўлган аёлларга –

² Политические репрессии в Казахстане в 1937-1938гг. Сборник документов. Сост: Бухонова И.Н., Грибакова Е.М. и др. – Алматы: Казахстан, 1998. –С.333.

³ Азалы кітап - Книга скорбы – расстрельные списки. Казахстан: о-во “Адилет” (“Справедливость”).1: - Алма-ата: “Фонд XXI век”, 1996. -С. 360. Вып – 2: -Алматы: Казахстан, 1998. –С. 496.

⁴ Хранить вечно: Книга памяти жертв массовых политических репрессий 30-40-х и начала 50-х годов Акмолинской области Ассоц. Жертв незакон. репрессий Акмол. обл., Астана, 2001.

Ватан сотқинларининг хотинлари деган ном берилган. Ундайлар учун лагерь ташкил этилган. Акмолинский лагерь жён изменников родины – АЛЖИР концлагери Акмолинск вилояти, ҳозирги Целиноград райони Малиновка қишлоғида ташкил топган. Ана шу лагердаги маҳбусларидан 12542 аёл ҳақида II қисмдан иборат китоб нашр этилган¹.

Унда жумладан, ўзбек, тожик, қирғиз маҳбус аёллари ҳақида ҳам маълумотлар келтирилган. Ҳозирда Алжир музейидаги хотира лавҳасида ўзбек аёл маҳбусларининг номлари ҳам битилган.

Қарағанда вилояти бўйича қатағон қилинганлар ҳамда Қарағанда лагеридаги маҳбусларни такроран қатағон қилинганлари ҳақидаги таржимаи ҳол маълумотлари ҳам чоп этилган. Китобда отилиб кетган 2300 дан ортиқ инсонлар номлари келтирилган. Қарағанда лагерида такрор қатағон қилиниб отилганлардан 660 дан ортиқ номлар келтирилган. Қарағанда вилоят прокуратураси ҳузуридаги ҳуқуқий статистика ва ахборот маркази 1999 йили “Дети Карлага” (“Қарағанда лагери болалари”) китобини нашр этди. Унда 1507 нафар болаларнинг таржимаи ҳолига оид маълумотлар келтирилган. Қарағанда лагеридаги маҳбус аёлларнинг лагерда тукқан болалари ҳам номма-ном келтирилган¹.

2004 йилда Санкт-Петербургда нашр этилган “Книги памяти жертв политических репрессий в СССР. Аннотированный указатель” номли китобда Россия Федерацияси бўйича 90 та вилоят, минтақада сиёсий қатағон қурбонлари хотира китоблари яратилгани ва уларнинг ҳар бирининг қисқача аннотацияси берилган. Бундай хотира китоблари Украинада 26, Қозоғистонда 15, Беларусияда 7, Озарбайжонда 1, Арманистонда 1, Қирғизистонда 1, Латвияда 4, Литвада 2, Молдовада 1, Ўзбекистонда 3 та китоб нашр этилгани қайд этилган. Гуржистон, Тожикистон, Туркменистон

¹ Узнцы Алжира Карлага. Книга памяти жертв массовых политических репрессий 30-40-х и начала 50-х годов. Ассоц. Жертв незакон. репрессий г. Астаны Акмол. обл., Международное о-во «Мемориал», М: Звенья, 2003.

¹ Узнцы Алжира Карлага. Список жен-заключенных Акмолинского и других отделений карлага. Ассоц. Жертв незакон. репрессий г. Астаны Акмол. обл., Международное о-во «Мемориал», М: Звенья, 2003.

республикаларида бу мавзу бўйича китоблар чиққан, чиқмаганлиги ҳақида ҳеч қандай маълумот келтирилмаган.

Ўрта Осиёдан, жумладан Ўзбекистондан Қозоғистонга сургун қилинган “қулоқлар” ва уларнинг махсус посёлкалардаги ҳаёти, турмуши, меҳнат фаолияти на Қозоғистон, на Ўрта Осиёда тадқиқот объекти бўлмай келди.

Мазкур мавзунинг фақат айрим қирралари профессор Р.Т.Шамсутдинов билан ҳаммуаллифликда ёзилган бизнинг 2006-2008 йилларда эълон қилинган асар ва мақолаларимизда тадқиқ қилинди². Бу ишларда янги топилган архив ҳужжатлари орқали 1930 - йилларда Ўрта Осиёда ўтказилган коллективлаштириш жараёнида Қозоғистонга сургун қилинган деҳқонлар номма-ном келтирилган, сургун жараёни, махсус кўчкдиларни ташкил қилинган “қулоқлар посёлкалари”га жойлаштирилиши, 1933 йил июлида Шимолий Қозоғистонга сургун қилинган 500 оила (2000 киши)нинг бу бегона юртдаги оғир меҳнати, турмуши, уларнинг кўпини ўлиб кетгани, тирик қолганларининг Ўзбекистон ҳукуматига зорланиб йўллаган хатлари, қандай қилиб бўлмасин ватанга олиб кетишлари ҳақидаги илтимослари, аммо бу ёлворишлар ҳеч қандай натижа бермаганлиги кўрсатиб берилган. Ҳатто 1931 йили Херсонга сургун қилинган эркаклардан бир гуруҳини уруш бошланиши билан Шимолий Қозоғистонга сургун қилиб олиб келинганлиги, 1937-1938 йиллардаги Катта террорда қатағон қилинган Қозоғистондаги ўзбекистонлик қулоқлар қисматлари очиб берилган.

Хуллас, диссертация мавзусига у ёки бу тарзда алоқаси бор бўлган тадқиқотлар талайгина эканининг шоҳиди бўлдик. Бироқ бу масалани бутун бўй-басти билан, унинг кўп қиррали жиҳатларини ўрганилиши лозим бўлган, махсус тадқиқот объекти бўлиб хизмат қиладиган соҳалар ҳам оз эмаслиги

² Шамсутдинов Р., Акбарова М. Сургунликда. Шимолий Қозоғистонга сургун қилинган ўзбеклар хусусида – *Huriyat*, 2006, 30 август; ўша муаллифлар: Шимолий Қозоғистонга сургун қилинган ўзбеклар – *Jamiyat va boshqaruv*, -Тошкент, 2006, юбилей сони, -Б. 276-279; Шимолий Қозоғистонга сургун қилинган юртдошлар. – Тарихнинг ҳасратли саҳифалари. -Т.: Шарқ, 2006. -Б.131-146; Ўша маллиф: Қозоғистон сурғунидаги ўзбеклар тақдири. – Ижтимоий фикр-инсон ҳуқуқлари. -Т. 2007, №1, Б. 126-133; Акбарова М. Дилкушодлик бир “қулоқ” оиласи тақдири хусусида – Ватанимиз ўтмишидан. *Andijon nashriyot-matbaa* очик акционерлик жамияти. 2007, -Б. 95-103; Шамсутдинов Р.Т., Акбарова М. Шимолий Қозоғистонга сургун қилинган деҳқонлар ва уларнинг фожеали ҳаёти. /Ватанимиз ўтмишидан. -Б. 65-84; Ўша муаллиф: Шимолий Қозоғистонга сургун қилинган деҳқонлар ва уларнинг фожеали ҳаёти. / Илмий хабарнома. АДУ. 2007, №1-2.

маълум бўлди. Айтиш шундан муаммонинг кемтик, ўрганилмаган соҳаларини тадқиқ этиш ушбу тадқиқотнинг ўз олдига қўйган асосий вазифасидир ва бу иш Ўрта Осиё ва Қозоғистон тарихшунослигига қўшилган ҳиссадир.

3.2. СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ СУРГУН СИЁСАТИ МАСАЛАСИНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ

XX аср Ўзбекистон тарихида, ўзбек халқи ҳаётида ҳам чуқур из қолдирди. Халқимиз бу асрда бир-биридан фарқли бўлган уч хил тузумни бошдан кечирди. Россия империяси ва мустабид совет тоталитар тартиботи тартиботи асоратлари ортида қолди.

Мавзуни ўрганиш жараёнида ўзбек халқининг доимо эркинлик, озодлик ва мустақиллик учун мустамлакачиларга қарши кураш олиб борганликлари ҳақидаги тарихий ҳақиқатини етказиш билан биргаликда, талаба ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш услубларини тадқиқ этишга асосий эътибор қаратилади.

Шу босидан ҳам умумий ўрта таълим мактаблари, касб-хунар коллежлари ва олий ўқув юртларида тарих ўқитишда «Совет мустабид тузумининг қатағонлик сиёсати (сургун жараёни мисолида)» мавзусини ўқитишнинг илмий педагогик, методик жиҳатлари умумлаштирувчи – такрорлаш дарсини шундай усулда ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Дарснинг мақсади:

таълимий:

-ўқувчиларни мавзу бўйича билимларини системалаштириш, умумлаштириш ва мустаҳкамлаш;

ривожлантирувчи:

-тарихий ҳужжатларни таҳлил қилиш кўникмаларини такомиллаштириш;

-маълумотларни таҳлил этиш, умумлаштириш, фактларни таққослаш,

манбалар асосида хикоя тузиш малакасини ривожлантириш;

- шахсий фикрни исботлаб, оппонентларнинг хато фикрларини рад этиш, муаммолар қўйиш ва ҳал этишга ўргатиш;

- ўқувчиларга ўз топқирлигини намоён қилиши учун имконият бериш;

тарбияловчи:

- ўқувчиларнинг тарихга бўлган қизиқишлари, иштиёқлари ва ҳурматларини оширишга кўмаклашиш;

- синф, гуруҳ жамоасининг умумий иш асосида жипслигини мустаҳкамлаш, ўз командаси учун қайғуриш ҳиссини кучайтириш.

Дарс типи – ўқувчиларнинг билим ва кўникмасини мустаҳкамлаш.

Ўтказиш шакллари – маъруза, семинар, савол жавоб, ўйин-турнир. в.х

Жиҳози – тарихчи, ёзувчи ва бошқа арбобларнинг айтган фикрлари ёзилган плакатлар; командаларнинг номи; матнли топшириқлар; тарихий шахслар, арбобларнинг расмлари, тегишли адабиётлар кўргазмаси.

Командалар 5-6 нафардан иборат гуруҳларга бўлинади.

Дарсни бошловчи ўқитувчи олиб боради.

Режа

1. Бошловчининг кириш сўзи. Ўйин қондасини эълон қилиш.
2. Жамоаларни таништириш. Ўтказилаётган ўйиннинг ҳайъат аъзолари билан таништириш.
3. Жамоавий ва якка тартибдаги танловлар (жамоалар ва капитанлар мусобақаси).

I тур. Нима? Қаерда? Қачон?

II тур. Бу сўзлар кимга тааллуқли?

III тур. Ким ҳақида сўз юритилаяпти? Унинг шахсини аниқланг.

IV тур. Тарихий терминларни аниқланг.

V тур. Капитанлар конкурси. “Кроссворд”

VI тур. Ушбу матнда қандай сўз етишмаяпти. Уни тўлдир.

VII тур. Хатосини топ!

VIII тур. Капитанлар конкурси. Мантикий сатрлар. Уларни тўғри жойла!

IX тур. Тарихий атамаларни биласизми?

X тур. Хронологик топшириқни бажар!

4. Ўйин натижаларини эълон қилиш, ғолиб жамоа ва жамоа аъзолари ва капитанларни рағбатлантириш.

Ўйин қондаси.

1. Ўйинда 5-6 нафар ўқувчилардан иборат жамоалар иштирок этади (агарда ўйин синфдан ташқари умуммактаб тадбири сифатида ўтказилса, унда ҳар бир ёндош синф ёки курслар бўйича жамоалар тузилади).
2. Жамоаларнинг тайёрланиши ва ҳар бир тур бўйича жавоблари учун маълум вақт ажратилади. ҳар бир турнинг бошланиши ва тугаши овозли сигнал ёрдамида билдирилади.
3. Конкурс саволларига жавобларни ўз номи ёки символи ёзилган плакатни кўтарган команда беради.
4. Агар жамоа тўлиқ жавоби беролмаси ёки қийналса, жавоб бериш ҳуқуқи бошқасига ўтади.
5. Тартибни бузишга йўл қўйилмайди. Агар шундай ҳолат рўй берса жамоадан 2 балл олиб ташланади.
6. ҳар бир тур якунида музикали пауза берилиб, шу вақтда ҳайъат аъзолари натижаларни умумлаштирадilar.
7. Энг кўп балл тўплаган команда ғолиб бўлади.
8. Ўйин охирида бутун конкурснинг натижалари якунланади. Фаол қатнашган ўқувчилар ва жамоалар рағбатлантирилади.

I тур. Нима? Қачон? Қаерда?

(1жавобга – 1 балл).

3 та саволга тўғри жавоб берилиши керак.

1. Президентимиз “Юксак маънавият енгилмас куч” асарида

тарихий хотира ҳақида қандай фикрларни баён қилганлар?

“Ҳар қайси халқ, - деб ёзади Ислон Каримов, - миллий қадриятларини ўз мақсад-муддаолари, шу билан бирга, умумбашарий тараққиёт ютуқлари асосида ривожлантириб, маънавий дунёсини юксалтириб боришга интилар экан, бу борада тарихий хотира масаласи алоҳида аҳамият касб этади. Яъни, тарихий хотира туйғуси тўлақонли равишда тикланган халқ, босиб ўтган йўл ўзининг барча муваффақият ва зафарлари, йўқотиш ва қурбонлари, қувонч ва изтироблари билан холис ва ҳаққоний ўрганилган тақдирдагина чинакам тарих бўлади.” (97 бет)

2. 1930 йил 30 январдаги “Ёппасига коллективлаштириш районларида қулоқ хўжаликларини тугатиш тадбирлари тўғрисида”ги қарорга асосан қулоқ хўжаликларининг иккинчи тоифасига тариф беринг?

Иккинчи тоифага қулоқ фаолларининг қолган унсурлари кирган. Айниқса энг бой ва ярим помещчиклар ёппасига жамоалаштириш районларидан СССРнинг олис-узоқ районларига, муайян ўлканинг узоқ районларига сургун қилинадиган бўлди.

3. Депортация ёки мажбурий кўчириш нима ?

Депортация ёки мажбурий кўчириш – сиёсий қатағон формаларидан бири бўлиб, муайян давлат томонидан ўз фуқароларига ёки бошқа давлат фуқароларига куч ишлатиш, мажбурлаш орқали амалга оширилади. Баъзи ҳолларда депортация айрим кишилар ёки гуруҳларни жисмоний йўқ қилишнинг муқаддимаси ёки оммавий қатағонларнинг бошланғичи сифатида қўлланган. Бу айнан совет давлати жазо тизимида хос бўлиб, аксарият қатағон қилинган шахсларнинг оила аъзоларига нисбатан кўп бора қўллангани маълум. Айрим ҳолатларда депортация қатағоннинг бошқа бир тури билан, масалан муддатли ёки муддатсиз сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилиш билан бирга татбиқ этилган.

II тур. Бу сўзлар кимга тааллуқли?

(1жавобга – 2 баллдан).

1. “Тарихий хотираси бор инсон иродали инсон”

(И.А.Каримовга)

2. “Империя даврида бизни иккинчи даражаси одамлар бед қарашар эди”

(И.А.Каримов)

3. Босмачилик Туркистон халқининг бегона ҳокимиятга қарши миллий . исёнидир”.

(Ҳарбий комиссар Соколов)

III тур. Ким ҳақида сўз юритиляпти?

Унинг шахсиятини аниқла!

(1жавобга – 2 баллдан)

1. 1931-1934 йилларда ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюросининг котиби ким?

Бауман Карл Янович (1892-1937)

2. 1928-1938 йилларда ВКП(б) Украина Марказий комитетининг биринчи котиби ким?

Косиор Станислав Викентчевич (1889-1939)

4. 1931-1934 йилларда Шимолий Кавказ ўлка партия комитетининг биринчи котиби ким?

Шеболдаев Борис Петрович (1895-1937)

IV тур. Тарихий терминларни аниқла.

(1топширикқа – 2 баллдан).

1. ГПУ

(Давлат сиёсий бошқармаси)

2. НКВД

(Ички ишлар халқ комиссарлиги)

3. ВКП (б)

(Бутунитифок большевиклар коммунистик партияси)

4. Ўлкамизда шўролар ҳукмронлиги ҳукм сурган даврда миллий истиқлол ҳаракати иштирокчиларидан кимлар мунавварлар деб аталган?

(Жадидлар)

V тур. Капитанлар конкурси

“Харитани тикла”

(топшириқнинг бажарилиши- 5 балл).

Бунда команда капитанларининг ҳар бирига ўлкамизда қатағонлар қатлгоҳлари бўлиб ўтган жойларнинг аниқ харитасини ўз дунёқараши ва тарихий билимларидан келиб чиқиб чизиши талаб қилинади. Капитанлар бу хариталарни изоҳлаб бериши ва турили даврлардаги ўзгаришларини айтиши лозим.

VI тур. Ушбу матнда қандай сўз етишмаяпти. Уни тўлдир.

(ҳар бир тўғри жавобга - 1 баллдан).

1. Совет ҳокимиятининг коллективлаштириш сиёсати йилларда бўлиб ўтди.
2. Коллективлаштириш қулоқлаштиришга, қулоқлаштириш эсаларга асос бўлди.
3. “Катта террор” йилларни ўз ичига олади.
4. “Қатағон қурбонлари” тўпламлари жилддан иборат

VII тур. Хатосини тузат! (1жавобга- 2 балл).

1. Қулоқлаштириш сиёсати томарқа ерларнинг ўқпайишига сабаб бўлди.
2. Сургун амалиётида ёш болалар ва қариялар иштирок этмаган.
3. “Катта террор”нинг амалга оширилиши Жаҳон урушини олдини олиши мумкин эди.
4. Ўлкамизда “босмачилик” деб нотўғри талқин қилинган миллий

истиклолчилик ҳаракати 1916 – 1945 йилларда бўлиб ўтди..

VIII тур. Капитанлар конкурси.

Мантиқий сатрлар. Уларни тўғри изоҳла!

(3 балл).

- a) коллективлаштириш, кулоқлаштириш, сургун, депортация, қатағон
- b) манбашунослик, тарихшунослик, архив хужжатлари.
- c) ГПУ, НКВД, ОГПУ, ГУЛАГ, АЛЖИР.

**IX тур. Сургун тарихига оид муҳим тарихий жой, тарихий воқеалар
ва тарихий шахслар ҳақида гапириб ўт!**

(1жавоб – 1 балл).

Бунда ҳар иккала жамоа бир – бирларига қатағонлар тарихига оид тарихий жой, тарихий воқеалар ва тарихий шахслар ҳақида бир сўз айтади. Рақиб жамоаси эса уни тўлиқ шарҳлаб беради.

X тур. Саволларга жавоб бер!

Мустақил ҳолда

(1жавоб – 1 баллдан).

1. Миллий истиклол нима?
2. Ватан нима?
3. Миллий қаҳрамонлик деганда нимани тушунасиш?
4. Миллий истиклолчилик ҳаракатитарихига оид қандай тарихий ва

бадий асарларни ўқигансиз?

5. Миллий истиқлолчи кучларнинг “босмачи” эмаслигини исботлаб беринг?
6. Сизнингча, Ватан қаердан бошланади?
7. Ватанни қандай севиш мумкин?
8. Тарихий Ватан деганда нимани тушунасиз?
9. Тарихни ўрганишдан мақсад нима?
10. Ватан ҳақида буюклар нима деган? Мисоллар келтиринг.

Ўйин-турнир якунланиб натижаси чиқарилгач, ўқитувчи дарсда нимага эришилганлигини таъкидлайди. Ўйин – дарс иштирокчилари эришган натижаларига кўра рағбатлантирилади.

ХУЛОСА

Шундай қилиб комфирқа ва собиқ иттифокнинг мустамлакаларидан бири Ўзбекистон қишлоқларидаги минглаб бунёдкор, меҳнаткаш деҳқонларни социализмнинг ёвуз душмани сифатида зўрлик билан кулоққа тортиб, уй-ҳовлисида, турар жойидан, молу-мулкидан, от-уловидан, бор-бурдидан маҳрум этиб, ўзи туғилиб ўсган маконидан юлиб олиб, Шимолий Кавказ ўлкасининг чўл-дашт, Шимолий Қозоғистоннинг ўрмонзор ва тоғли

худудларига сургун қилди. Қишлоқ хўжалигини коллективлаштиришни ўтказиш, баб-баравар қулоққа тортиш, сургун қилиш билан узвий боғлиқ олиб борилди.

Қулоққа тортиш ва сургун қилишни советлар колхоз тузуми ғалабасини таъминловчи бош омил, асосий замин, ҳал қилувчи шарт деб тушундилар. Шунинг учун ҳам бу учта жараён, тадбир бир вақтнинг ўзида амалга оширилди.

Коллективлаштириш, қулоққа тортиш ва сургун этиш советлар замонида компартия ва совет давлати томонидан ўтказилган муҳим «социалистик» тадбир, «социализм қуриш» ишининг муҳим бўғини, таркибий қисми деб қаралди. Аслида бу тадбир халқ учун, айниқса қишлоқ аҳолиси учун фожиа экани тан олинмай келинди.

Бу мавзу совет даври тарихшунослигидаги энг кўп тадқиқ этилган, айтилган вақтда ҳар томонлама сохталаштирилган, мавзулардан ҳисобланади.

Аслида эса советларнинг коллективлаштириш сиёсати ва амалиёти ўзбек миллий қишлоқлари аҳолиси, деҳқонлар оммаси онгги, қалбига сиғмайдиган, маҳаллий шароитга, деҳқонлар ҳаётига мутлақо сингмайдиган тадбир эди. Шу боис деҳқонлар оммаси ана шу тадбирни қабул қилмадилар. Унга қарши беаёв қаршилик кўрсатдилар, норозилик билдирдилар, инқилобий жунбишга келдилар.

Амалда советлар билан деҳқонлар ўртасида уруш юзага келди. Деҳқонлар оммасининг колхоз тузишга қарши инқилобий ҳаракати, қулоққа тортиш ва сургун қилиш, қатағон этиш орқали бостирилди. Деҳқонлар билан бўлган урушда советлар ғолиб келди, мағлуб қилинган деҳқонлар қулоққа тортилди, мол-мулкидан маҳрум этилди, узоқ бегона юртларга сургун этилди, уларнинг маълум қисми отилди, ГУЛАГ ва меҳнат тузатув лагерларида ўлиб кетди, эпини қилганлар юртни тарк этиб хорижга муҳожир бўлиб чиқиб кетди.

Ноинсоний, шафқатсизлик билан бадарға қилинганлар бегона юртлардаги «қулоқлар сургунида» азоб-уқубатли ҳаёт кечиришга мажбур бўлдилар. Бу жойларда улар очликка, қаҳатчиликка маҳкум этилдилар, ҳор-зорликдан ўлиб кетдилар.

Махсус кўчинди, меҳнат учун кўчириб келтирилган, махсус сургундаги номлар билан аталиб келинган Ўзбекистон деҳқонлари Шимолий Кавказ ўлкасидаги қулоқлар посёлкаларида, низомсиз артелларда, пахтачилик колхоз ва совхозларида мислсиз оғир турмуш кечирдилар, улардан текин ишчи кучи сифатида қишлоқ хўжалигида, жумладан, пахтачиликда, ғаллачиликда, саноатда, йўл ва каналлар қурилишида фойдаланилди. Айниқса, Ўзбекистондан кўчириб келтирилганларнинг аксарияти пахтачилик, ғаллачилик, кўйчиликда, каналлар қозишда, турли қурилишларда қулларданда оғирроқ меҳнат қилдилар.

Сургун қилинганларнинг моддий-турмуш ва ҳуқуқий аҳволи қамоқхона лагерларидаги маҳбусларнинг аҳволидан кам фарқ қилган, айрим ҳолатларда эса улар ҳатто маҳбусларга нисбатан ҳам оғир шароитда яшаганлар. ГУЛАГ бошлиғи М.Д.Берман жазо муддатида ўтаганидан кейин озод қилинган маҳбусларни махсус посёлкаларга юбориш мақсадга мувофиқ эмаслигини таъкидлаб, кўп ҳолатларда меҳнат кўчиндиларнинг аҳволи лагерлардагиларданда ёмон деб кўрсатган.

Махсус кўчиндилар меҳнатида маҳбуслар меҳнатидаги каби исрофгарчилик, беҳуда оқилонасиз, ақл-идроққа асосланмаган ҳолда фойдаланилган. Ўзбекистонлик махсус кўчиндиларнинг меҳнатида фойдаланишда айниқса пахтачиликда аксарият ҳолда исрофгарчиликка йўл қўйилган. Бу ишга раҳбарлик қилаётган «мутассадди йўлбошчилар» пахтачиликдан мутлақо хабари йўқ кишилар бўлгани сабабли бечора юртдошларнинг меҳнати беҳудага сарфланган. Тинка-мадори қуригунга қадар тонг саҳардан қоронғи тушгунча қилинган меҳнатнинг унуми паст бўлган, туну-кун хўр-ланган юртдошларнинг маълум қисми ўша каторга

меҳнати шароитидаёқ жон бериб, ёруғ дунёни тарк этганлар. Махсус кўчкиндилар ГУЛАГнинг мудҳиш тизимида ҳалок бўлиб кетдилар, уларнинг иқтисодий хизмати, айниқса пахтачилик, ғаллачилик, қўйчиликда, ирригация иншоотларини қуришда, янги ерларни очиш ва ўзлаштиришда хизмати катта бўлган. Бундай тизим нафақат ноинсоний ва жиноятли, айтилиши мумкин, айтилиши мумкин эмас вақтда самарасиз бўлган эди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, совет ҳукумати қулоқлаштириш амалиёти билан бир вақтда бир неча вазифаларни бажариб улгурди. Бу қуйидагиларда намоён бўлди:

- **биринчидан**, қулоқлаштириш ёппасига коллективлаштириш учун қулай шароит яратди, қишлоқда оддий деҳқонларга нисбатан сармояли хўжалик бўлган қулоқларнинг хўжалик мавқеига кучли таъсир қилди;

- **иккинчидан**, қулоқлаштирилган аҳолини узоқ ҳудудларда арзон ишчи кучи сифатида ўрмон кесишда, кўмир конларида, тоғ-кон ишларида, балиқчиликда, айримларидан эса янги ерларни ўзлаштиришда фойдаланилди;

- **учинчидан**, ёппасига коллективлаштириш асосидаги қулоқлаштириш сиёсати ва амалиёти тарих синовларига бардош бера олмади. Ҳеч бир одам мол-мулкидан, турар жойидан, бола-чақасидан, ҳосилдор еридан айрилиб, ўзга жойга, бегона юртга, ўзлаштирилмаган, дашт, чўл, ташландиқ маконга боришни ихтиёрий хоҳламади. Коллективлаштиришни жадаллаштириш учун амалга оширилган қулоқлаштириш сиёсати ва унинг оқибатида деҳқонларни сургун, бадарға, кўчириш амалиётлари халқнинг мадорини қуритди;

- **тўртинчидан**, бу тадбирлар ўзбек қишлоғини табиий равишда ривожланишини тўхтатиб қўйди, деҳқонларда меҳнатдан манфаатдорлик ҳис-туйғусини сўндириб, кўплаб ишбилармон мулкдор деҳқон хўжаликларининг тугатилишига олиб келди. Қишлоқда синфий курашнинг кучайишига, турли зиддиятлар келтириб чиқаришга сабаб бўлди;

- **бешинчидан**, деҳқонларга “қулоқ” тамғасининг ёпиштирилиши уларнинг ер, мулк каби иқтисодий, сайлаш ва ерга эгалик қилиш каби сиёсий,

шу билан бир қаторда инсоний ҳуқуқлардан маҳрум қилди. Айрим кишилар исмидаги “али”, “бек”, “жон” каби қўшимчалар “қул” қўшимчаси билан алмаштирилди;

- **олтинчидан**, қулоқ посёлкаларидаги ҳаёт тарзи амалда жазо лагерларидан деярли фарқ қилмади. Бу ерда қулоқларнинг барча инсоний ҳақ-ҳуқуқлари оёқ ости қилинди, мислсиз оғир меҳнат, турли касалликлар улар умрининг бевақт хазон бўлишига сабаб бўлди;

- **еттинчидан**, сургундагиларнинг ҳар қандай ҳуқуқларининг пой-мол қилиниши, топталиши, минглаб фуқаролар, бойлар ва етакчи аҳоли қатламининг қулоқлаштирилиб, сургун қилиниши қолган деҳқонларнинг иккинчи даражали шахсларга айланиб қолишига бош омил бўлди;

- **саккизинчидан**, коллективлаштиришга қарши чиқиб, қулоқ қилинганлар “зиммасидаги”, “аксилинқилобчи”, “собик қулоқ”, “собик савдогар”, “собик босмачи”, “диндор, имом” каби ноҳақ айблар 1937-1938 йиллардаги “катта террор” учун баҳона ва асос вазифасини ўтади.

Мазкур мавзуни тадқиқ этиш натижасида бир қатор амалий тавсия ва таклифларни илгари суриш имконияти туғилди.

Биринчидан, гарчанд 30-йилларда Ўзбекистон қишлоқларида большевиклар фирқаси томонидан амалга оширилган коллектив-лаштириш, қулоққа тортиш, сургун ва қатағонлар тарихи ва унинг бутун даҳшатли манзараларини очиб бериш, ёритиш борасида маълум ишлар қилинган бўлсада, бироқ бу катта ва кенг кўламли, кўп қиррали долзарб муаммони янада чуқурроқ, батафсилроқ ўрганиш, тадқиқ ва таҳлил этиш зарурияти кун тартибидан олинмаслиги лозим.

Иккинчидан, мазкур мавзуни янгидан-янги тарихий манба-лар, айниқса фойдаланиш имконияти тобора очилаётган архив ҳужжатларини илмий истеъмолга киритиш, ҳар томонлама ўрганиш, тадқиқ этишни давом эттириш зарур, архив ҳужжатлари тўплamlари, собик қулоқлар, уларнинг

фарзандлари, яқинларининг эсдаликларини хотира тўплamlари тарзида нашр этиш керак.

Учинчидан, ёппасига коллективлаштириш даврида Ўзбекистоннинг Бухоро, Навоий, Самарқанд вилоятларидан «кулоқ» қилиниб, ноҳақ жазога тортилган, қатағон ва қайта қатағон қилинган, фожеали равишда оламдан ўтган юртдошларнинг ном-ларини аниқлаб, уларнинг хотирасини абадийлаштириш лозим.

Тўртинчидан, Ўзбекистондан Шимолий Кавказ, Шимолий Қозоғистон, Украина ўлкасига бадарға қилинган юртдошларимизнинг махсус меҳнат посёлкаларида сургун йилларида кечирган аянчли ҳаёти, оғир меҳнати жараён-ларини ҳаққоний ёритадиган рисоалар, ҳужжатли видеофильмлар, бадиий асарлар яратиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Бешинчидан, Республика Олий ўқув юртлари тарих факультетларида Ватан тарихи ихтисослиги бўйича коллективлаштириш ва унинг фожеали оқибатлари мавзусига бағишланган илмий-амалий конференциялар ўтказиб туриш ҳам фойдадан холи бўл-майди. Мустақиллик шароитида шаклланиб қаддини ростлаб олаётган янги тарихшунослигимиз Ўзбекистон тарихи фанининг бундан буён равнақ топишига хизмат қилишга даъват этилган. Тарихчи тадқиқотчилар бундан кейин ҳам янги тарихшунос-лигимизнинг такомиллашиб боришига, шу жумладан, Ўзбекистонда коллективлаштириш, кулоқ қилиш, сургун, умуман совет режими-нинг қишлоқ аҳолисига, деҳқонларга нисбатан ўтказган ноинсоний сиёсати ва амалиётини миллий ғоя, мустақиллик мафқураси нуқтаи назаридан туриб янгидан янги фундаментал илмий тадқиқот монографиялар, илмий оммабоп ва бадиий асарлар яратиш зарур. Бизнинг бу тадқиқотимиз ҳам аламли ва зиддиятли бўлган тарихимиз саҳифаларидан бири - Ўзбекистондан Шимолий Кавказ, Шимолий Қозоғистон ўлкасига сургун қилинган собиқ кулоқларнинг бу ердаги ҳаёти ва қисмати ҳақидаги масалани бир мунча илмий ёритишга, шу ҳақдаги тарихий ҳақиқатни тиклашга баҳоли қудрат ҳисса бўлиб қўшилса

керак деб ўйлаймиз ва бу иш Ўзбекистонимизнинг янги тарихини тўлдиришга муайян улуш бўлиб қўшилади.

Шундай қилиб, 15 йил давом этган сургун ниҳоясига етди. Аммо айбсиз қулоқ қилиниб, сургун этилган минглаб, ўн минглаб одамларнинг азоб-укубатларининг захри узоқ вақтларгача кетмади. Фақат буюк истиқлол туфайли юз минглаб деҳқонлар «собик қулоқлар» юзидаги шармандали «қулоқ» тамғаси олиб ташланди, улар реабилитация қилинди. Улар ва уларнинг фар-зандлари, набиралари, яқинлари истиқлолга эришган Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш, юрт бойлиги, моддий-маданий фаровонлигини янада юксалтириш, мулкдорлар синфини яратиш ва уларнинг равақ топиши учун кенг имкониятлар очиб бериш, демократик давлат, фуқаролик жамиятини қуриш учун бир ғайратларига ўн ғайрат қўшиб меҳнат қилмоқдалар. Уларнинг шу бугунги кунга эсон-омон етиб келганлари кексалик гаштини суриб тангри-таолодан юрт тинчлигини, осойишталигини, хал-қимиз равақини тилаб, оз-кўпига шукур қилиб ҳаёт кечир-моқдалар.

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси қонунлари

- 1.1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – 37 б.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари.

2.1. “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошида Ўзбекистоннинг янги тарихи марказини ташкил этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. // Халқ сўзи, 1996 йил 18 сентябрь.

2.2. “Қатағон қурбонлари хотирасини абадийлаштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. // Халқ сўзи, 1999 йил 12 май.

2.3. “Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. // Халқ сўзи, 2001 йил 1 май.

2.4. “Ўзбекистоннинг янги тарихини яратиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори. // Халқ сўзи, 1996 йил 17 декабрь.

2.5. “Ватан ва халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган фидойилар хотирасини абадийлаштириш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори. // Халқ сўзи, 1999 йил, 22 июль.1.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари.

3.1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 364 б.

3.2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 380 б.

3.3. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 366 б.

3.4. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. 5-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – 384 б.

3.5. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Тошкент: Шарқ, 1998. – 31 б.

3.6. Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 1999. – 410 б.

3.7. Каримов И.А. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. (“Туркистон-пресс” ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавоблар). – Тошкент: Ўзбекистон, 1999. – 32 б.

3.8. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. – 528 б.

3.9. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз маъсулмиз. 9-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2001. – 432 б.

3.10. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. 13-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2005. – 448 б.

3.11. Каримов И. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди. – Тошкент: Ўзбекистон, 2005. – б.

3.12. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 176 б.

1.13. Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини экс эттириш. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – 24 б.

3.14. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – 80 б.

3.15. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – 440 б.

3.16. Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак. . – Тошкент: Ўзбекистон, 2013. –... б.

4. Асосий адабиётлар

4.1. Абдуллаев М. Қулоқлар сургуни ва махсус посёлкалар. // Жамият ва бошқарув. – Тошкент, 2010. – №1. – Б. 96-98.

4.2. Азизхўжаев А. Чин ўзбек иши. – Тошкент: Академия, 2003. – 144 б.

4.3. Алимов И. Аграрные преобразование в народных советских республиках Хорезма и Бухары (1920-1924 гг.) – Ташкент: Узбекистан, 1970. – С. 220.

4.4. Алимова Д.А. Шамсутдинов Р.Т. К изучению проблемы историографии и истории коллективизации сельского хозяйства. // O'zbekiston tarixi (Histori Uzbekistan). – Ташкент, 2007. – № 1. – Б.24-34.

4.5. Аминова Р.Х. Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг аграр сиёсати ва унинг сохталаштирувчилари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1972. – 182 б.

4.6. Аминова Р.Х. Коллективизация в Узбекистане: как это было? // Коммунист Узбекистана. 1989, – № 9. – С. 31-33.

4.7. Бақоев М. Ёждувоннома (Ёждувон тарихидан лавҳалар). – Тошкент: Янги аср авлоди, 2001. – 396 б.

4.8. Боқий Набижон. Қатлнома. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1992. – 208 б.

4.9. Жўраев Н. Тарих фалсафаси. – Тошкент: Маънавият, 1999. – 192 б.

4.10. Зиёев Ҳ. Тарих – ўтмиш ва келажак кўзгуси. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000. – Б. 262-273.

4.11. Земсков В.Н. Спецпоселенцы. (по документации НКВД-МВД СССР). // Социалистические исследования. – М., 1990. – №11. – С.3-17.

4.12. Земсков В.Н. “Кулацкая ссылка” в 30-годы. // Социологические исследования. – М., 1991. – №10. – С. 3-21.

4.13. Ивницкий Н.А. Судьба раскулаченных в СССР. – М.: Собрания, 2004. – 296 с.

4.14. Ишанходжаева З.Р., Иофе В.Г. Репрессивное политика тоталитарного режима в Узбекистане (20-е – 30-е годы XX века). Учебно-методическое пособие для студентов исторических факультетов. – Ташкент: Университет, 2003. – 72 с.

4.15. Каримов Н. Қатағон бўлган одамнинг аҳволини кўриб йиғлаганман. // Даракчи, 2009. – №.35 (546). – Б. 16-17.

4.16. Мусо Туркистоний. Улуғ Туркистон фожеаси. - Маккаи мукаррама: Талифун, 1979. – Б. 278-288.

4.17. Ражабов Қ. Истиқлол шаҳидлари ҳақида икки китоб. // Жаҳон адабиёти. – Тошкент, 2003. - № 2. – Б.177-180.

4.18.Ражабов Қ. Қатағон қурбонлари ҳақида тўрт китоб. // Жаҳон адабиёти. – Тошкент, 2008. - № 6.

4.19. Сафарова Н. Терроризм (тарихий-фалсафий таҳлил). – Тошкент: NOSHIR, 2009. – 160 б.

4.20. Тарихнинг ҳасратли саҳифалари. Масъул муҳаррир: Р.Шамсутдинов. – Тошкент: Шарқ, 2006. – 304 б.

4.21. Шамсутдинов Р.Т. Истиқлол йўлида шаҳид кетганлар. – Тошкент: Шарқ, 2001. – 416 б.

4.22. Шамсутдинов Р.Т. Ўзбекистонда советларнинг кулоқлаштириш сиёсати ва унинг фожеали оқибатлари. – Тошкент: Шарқ, 2001. – 368 б.

4.23. Шамсутдинов Р.Т. Қишлоқ фожеаси: жамоалаштириш, кулоқлаштириш, сургун (Ўрта Осиё республикалари мисолида). – Тошкент: Шарқ, 2003. – 544 б.

4.24. Шамсутдинов Р., Каримов Ш. Ўзбекистон тарихидан материаллар. Учинчи китоб. – Андижон, 2004. – Б. 370-455.

4.25. Шамсутдинов Р.Т., Мамажонов А. Шимолий Кавказ сургундаги юртдошлар қисмати. – Тошкент: Шарқ, 2005. – 336 б.

4.26. Шамсутдинов Р.Т., Акбарова М.Л. Шимолий Қозоғистон сурғунидаги юртдошлар қисмати. – Тошкент: Шарқ, 2009. – 222 б.

4.27. Эгамназаров Алиназар. Сургун (хужжатли қисса, очерклар ва мақолалар). – Тошкент: Адолат, 1999. – 247 б.

4.28. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб. Туркистон Чор Россияси мустамлакачилиги даврида. Тузувчилар: Ҳ.Содиқов, Р.Шамсутдинов, П.Равшанов, Қ.Усмонов. – Тошкент: Шарқ, 2000. – 464 б.

4.29. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Илмий муҳаррир: М.Жўраев. – Тошкент: Шарқ, 2000. – 688 б.

4.30. Қуйи Зарафшон воҳаси ижтимоий, маданий, маънавий ҳаёти тарихи (учинчи китоб). – Навоий, 2008. – Б. 134-140.

4.31. Қиличев Ф. Зулматдан садолар. – Тошкент: Адолат, 1994. – 160 б.

4.32. Ҳайитов Ш. “Қулоқ” қилингалар фожеаси. // Бухоро мавжлари. – Бухоро, 2006. – № 6. – Б. 40-42.

4.33. Ҳасанов Б. Национальная интеллигенция Узбекистана и исторические процессы 1917-начала 50-х годов. – Ташкент, 2000

4.34. Ҳотамов А., Ҳалилов Ш. Йиллар садоси. (Кармана тарихидан лавҳалар). – Тошкент Адолат, 1995. – 72 б.

5. Қўшимча адабиётлар

5.1. Бутовский полигон. 1937-1938гг. Книга памяти жертв политических репрессий. В 7 выпусках:

Выпуск первый. – М.: Панорама, 1998. – 360 с.

Выпуск седьмой. – М.: Альзо, 2003. – 370 с.

5.2. История Сталинского ГУЛАГА. Конец 1920-х – первая половина 1950-х годов. Собрание документов в семи томах:

1. Массовые репрессии в СССР. – М.: РОССПЭН, 2004. – 728 с.

Т.5. Спецпереселенцы в СССР. – М.: РОССПЭН, 2004. – 824 с.

5.3. Лубянка. Сталин и ВЧК-ГПУ-ОГПУ-НКВД. Январь 1922 г. – декабрь 1936 г. (Россия XX век. Документы.) – М.: Материк, 2003. – 912 с.

5.4. Лубянка. Сталин и главное управления госбезопасности НКВД. 1937-1938 гг. (Россия XX век. Документы.). – М.: Материк, 2004. – 736 с.

5.5. Подготовка условий сплошной коллективизации в Узбекистане (1927-1929гг.). Сборник документов. Под редакцией О. Б. Джамалова. – Ташкент: Изд. АН УзССР, 1961. – 476 с.

5.6. Репрессия. 1937-1938 гг. Выпуск 1. Документы и материалы. Сост.: Шамсутдинов Р.Т., Каримов Н.Ф., Юсупов Э.Ю. – Ташкент: Шарк, 2005. – 288 с.

5.7. Репрессия. 1937-38 гг. Выпуск 3. Жертвы Большого террора из Узбекистана. 1937 год, ноябрь. Документы и материалы. Сост.: Шамсутдинов Р.Т., Юсупов Э.Ю., Мамажонов А., Дусматов Э.П. – Ташкент: Шарк, 2007. – 496 с.

5.8. Репрессия. 1937-38 гг. Документы и материалы. Жертвы Большого террора из Узбекистана. 1937 год, декабрь. Выпуск 4. Сост.: Шамсутдинов Р.Т., Абдуллаев М.Г., Дусматов Э.П., Курбанов Х.Р. – Ташкент: Шарк, 2008. – 576 с.

5.9. “Совершенно секретно”. Лубянка – Сталину о положении в стране (1922-1934гг.). Сборник и документов в 11 томах:

Т. 7. 1929 г. – М., 2004. – 768 с.

Т. 8. 1930 г. Часть 1. – М., 2008. – 863 с.

5.10. Советская деревня глазами ВЧК-ОГПУ-НКВД. 1918-1939. Документы и материалы в 4 томах. Под редакцией А.Береловича (Франция), В.Данилова (Россия):

Т.3. 1930-1934. Кн.1. 1930-1931. – М.: РОССПЭН, 2003. – 864 с.

Т.3. 1930-1934. Кн.2. 1932-1934. – М.: РОССПЭН, 2005. – 840 с.

5.11. Сплошная коллективизация сельского хозяйства Узбекистана (1930-1932 гг.). Сборник документов. Под редакцией Р.Х.Аминовой. – Ташкент: Узбекистан, 1980. – 371 с.

5.12. Среднеазиатский кишлак в годы Большого террора. Сост.: Шамсутдинов Р.Т., Юсупов Э.Ю., Хошимов С., Дусматов Э.П. – Андижан, АнГУ, 2007. – 500 с.

5.13. Трагедия советской деревни. Коллективизация и раскулачивание. Документы и материалы. 1927-1939 гг. в 5 томах. Сост.: В. Данилов, М.Кудюкина и др:

Т.2. Ноябрь 1929 – декабрь 1930. – М.: РОССПЭН, 2000. – 928 с.

Т.3. Конец 1930 – 1933. – М.: РОССПЭН, 2001. – 1008 с.

Т.4. 1934-1936. – М.: РОССПЭН, 2002. – 1056 стр.

5.14. Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивания, ссылка. 1929-1955гг. Документы и материалы. Том I-III. Сост.: Шамсутдинов Р.Т., Расулов Б.М. Под ред. Алимовой Д.А.

Том 1. – Ташкент: Шарк, 2006. – 656 с.

Том 2. – Ташкент: Шарк, 2006. – 496 с.

Том 3. – Ташкент: Шарк, 2006. – 352 с.

5.15. Шамсутдинов Р.Т. Қатағон қурбонлари (1937 йил 10 август -15 ноябрь). Иккинчи китоб. Ҳужжатлар ва материаллар. – Тошкент: Шарк, 2007. – 496 б.

5.16. Қатағон қурбонлари. 1938 йил февраль, сентябрь. Бешинчи китоб. Ҳужжатлар ва материаллар. Тузувчилар: Шамсутдинов Р.Т., Қурбонов Х.Р., Расулов Ж., Эгамбердиев Ф., Бекимматов У. –Тошкент: Шарк, 2009. –414 б.

5.17. Қатағон қурбонлари. Хотира (Бухоро вилояти). Тузувчилар: Шамсутдинов Р.Т., Дўсматов Э.П., Қурбонов Х.Р. – Бухоро: BUXORO, 2009. – 160 б.

6. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар

- 6.1. // Бухоро пролетари. 1931 йил.
- 6.2. // Зарафшон. 1932 йил.
- 6.3. // Кармана овози. 1930, 1932 йил.
- 6.4. // Правда. 1929 йил.
- 6.5. // Правда Востока. 1926, 1929, 1932, 1935 йил.

7. Интернет сайтлари

- 7.1. www.wsws.org/ru/2002/mai2002/med2-m08.shtml. Рой и Жосер Медведевы. Феликс Крайзель. Часть 2.
- 7.2. www.memo.ru/histori/y1937/hronika1936-1939/hronika.html. “Большой террор”: 1937-1938. Краткая хроника. Сост: Н.Г.Охотин, А.Б.Рогинский.
- 7.3. <http://ru.wikipedia.org/wiki/Кулак> - (крестьянин). Материалы из Википедии – свободной энциклопедии.
- 7.4. www.uzmeros.uz/books.hph. “Мерос” илмий-амалий халқаро экспедиция хайрия жамғармаси материаллари.